

ISSN 2181-9521

№ 5-son, 2022



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



9 МАЙ – ХОТИРА ВА

ОСУДА ОСМОН ОСТИДАГИ ЎЙЛАР

Бундан 23 йил олдин, 1999 йилдан бошлаб мамлакатимизда 9 май – Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Бу кун халқимиз маънавий ҳаётининг энг муҳим бир қисмига айланиб улгурганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу байрамнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда халқимиз ўтиб кетган аждодларини, қавму-қариндошларини яхшилик билан эслашади, хотирлайди.



Одатда ушбу кунда миллионлаб begunoх одамларнинг бевақт ўлимига сабабчи бўлган, мислсиз йўқотишларга, жуда катта фожеаларга олиб келган, дунёдаги энг даҳшатли, қонли қирғинлардан бири сифатида инсоният тарихига кирган Иккичи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар эсланади. Кийида келтирилаётган статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, бу урушнинг қай даражада даҳшатли кечганилигини дарров фахмлаймиз:

2 миллионга яқин юртдошимиз жангларда иштирок этиб, уларнинг 500 мингдан ортиги қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Уруш даврида республикамиз фронт учун зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-аслаҳа ва бошқа воситаларни етказиб берадиган муҳим таъминот марказларидан бирига айланган.

Куни кечга кенг жамоатчилик томонидан бу байрам ўзгача шукуҳ билан нишонланди. Мамлакатимизнинг барча худудларида ушбу мўътабар байрам муносабати билан ўтказилган турли тадбирларда Иккичи жаҳон урушида иштирок этиб, қаҳрамонлик кўрсатган ота-боболаримиз хотираси яна бир бор ёдга олинди. Улар кўрсатган бекиёс жасорат, фидокорлик бадиий адабиётларда, кино-фильмларда ўз аксини топган.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз пойтахтидаги муҳташам Фалаба боғига ташриф буюриб, “Бугун дунё таҳликали бўлиб бораётпти. Ҳар дақиқа синовли бўляяпти. Бу бизга ҳам таъсир қилишини” алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Дарҳақиқат, бугунги тобора мураккаблашиб, кескинлашиб бораётган геосиёсий вазият, дунёнинг бир қанча нуқталарида рўй бераётган хунрезликлар атрофимизга теранроқ қарашга ва ундан тегишли хulosса чиқаришга ундалоқда. Ён-атрофимиздаги айrim нотинчилклар ҳаммамизни янада огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашга, бир ёқадан бosh чиқариб, жиспланишиб ўз уйимизни, она Ватанимизни асраб авайлашга, шу шукуҳли кунларнинг қадрига етишга даъват этади.

Айни пайтда интернет сайtlаридан дунёнинг баъзи бир мамлакатларида ҳар хил террористик оқимлар ва ёвуз кучлар томонидан содир этилаётган қўпорувчиликлар, мудхиш жиноятлар, хунрезликлар ҳақидаги маълумотларни ўқиб хафа бўламан. Рамазон кунларининг бирида кўшни Афғонистонда бир қанча террористик ҳаракатлар содир этилди. Қанчадан-қанча бегуноҳ ин-

сонлар, айниқса болалар бевақт оламдан ўтди. Наҳотки, тинч-осойишта яшаётган каттаю кичикнинг ҳаётига зомин бўлаётганлар ўзларининг шафқатсизликларидан пушаймон бўлишмайди. Уларнинг ёмонликларидан шаҳару қишлоқлар вайронага айланмоқда. Инсоният тарихидан маълумки, қайсики юртда уруш-жанжал, қирғин-барот бўлган бўлса, ўша мамлакат тараққиёти бир неча йиллар давомида орқага кетган. Таназзулга юз тутган. Буни факат тарих эмас, балки бугунги кун ҳам исботлайди. Юкорида таъкидлаб ўтганимиздек, XXI асрга келиб дунёнинг сиёсий манзараси тубдан ўзгарди. Глобаллашув, демократияни “экспорт” қилиш оқибатида гегемонлик сиёсатини юргизишга ошиқаётган айrim давлатлар энди ривожланаётган давлатларга турли сиёсий ўйинлар, найранглар ўйлаб топмоқда.

Яратганга беадад шукр-ки, мамлакатимиз осмонни осуда, худудларимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда. Кўп миллатли бағрикенг халқимиз хотиржам яшаб, бунёдкорлик ишлари билан шуғулланмоқда. Бугун Ўзбекистонимизнинг қай бир гўшасига борманг, жуда катта бунёдкорликнинг устидан чиқасиз. Энг замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилган завод-фабрикалар, ўнлаб турдаги сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар курилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Халқимиз азалдан тинчлик-осойишталикни энг катта қадриялардан бири деб билади. Шубҳасиз, тинчлик-осойишталик ҳукм сурган жойда, юксалиш, тараққиёт бўлади, мамлакат ободликка юз тутади. Инсонларга ҳар томонлама муносиб турмуш шароити яратилади. Лекин, тинчлик-осойишталик ҳам ўз-ўзидан бўлмаслигини англаб етишимиз лозим. Бугун кўлга киритилаётган ютуқлар замерида, халқимизга хос бўлган сабр-бардош, эзгуликка интилиш, қадимий Ватани келажагига ишонч, ҳамжиҳат-ҳамфирк яшаш каби тушунчалар ётибди. Ҳар биримиз ортимидан келаётган навқирон авлодга бугунги мураккаб шароитда тинчликни асраш учун огоҳлик, сезигрлик, ҳушёрлик ҳар қаҷонгидан кўра муҳимлигини тушунтириб беришимиз лозим. Зеро, донишманд халқимизнинг ҳаётий фалсафасига кўра, “бир кун жанжал бўлган жойдан, қирқ кун барака кетади”.

Шаҳобиддин ХАСАНОВ,
жиноят ишлари бўйича Нишон туман суди раиси.

ҚАДРЛАШ КУНИ!

БАГРИКЕНГЛИК ВА ОЛИЙЖАНОБЛИК ТИМСОЛИГА АЙЛАНГАН ЎЗБЕК ОИЛАСИ

Багрикенглик ва олийжаноблик, бошқаларга нисбатан биттас-туганмас меҳр-оқибат кўрсатиш сингари инсонпарварликнинг энг юксак намунасини юртдошларимиз Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам яққол кўрсатганлигига мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Оғир ва даҳшатли жанглар давом этаётган ҳудудлардан Узбекистонга кўчирилган 1,5 миллиондан ортиқ кексалар, аёллар ва ёш гўдакларни багрига олиб, оғир дамларда уларга бекиёс гамхўрлик кўрсатган.



Орадан салкам бир аср ўтганлиги қарамасдан бу-
гунги кунгача кўплаб миллат ва элатларни лол қолди-
риб келаётган ШОМАҲМУДОВлар оиласини, уларнинг
жасоратини яна бир бор эсга олайлик. Урушнинг совук
шамоллари одамларнинг тинка-мадорини қутишиб, кун
кечириши ниҳоятда қийинлашиб қолган, айтиш лозим
бўлса, ота болага қарай олмаётган бир пайтда оддий-
гина темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг турмуш
ўртоги Баҳри ая Акрамова турли миллатларнинг қаров-
сиз ва етим қолган болаларини фарзандликка олиб,
таълим-тарбия беради. Ниҳоятда оғир пайтда ўзлари
емай-ичмай тақдирига етимлик битилган 14 нафар бо-
лага меҳр-муҳабbat кўрсатади. Ҳақиқатдан ҳам ҲАЗРА-
ТИ ИНСОН дейишга лойик бу миллатдошларимиз ота-
онасидан, туғишиларидан, Ватанларидан, қолаверса
бутун бор-йўқларидан айрилган, қаровсиз қолган рус,
украин, молдаван, татар,чуваш, қозоқ миллатларининг
гўдакларига ота-оналик меҳрини беради. Ота ўрнига
ота, она ўрнига она бўлишади.

Давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёев “Ер юзида жуда камдан-кам давлат ва миллат бундай юксак инсоний фазилатлар билан фурурланиши мумкин. Вақт ўтган сари Шомаҳмудовлар оиласи кўрсатган бу қаҳрамонликнинг аҳамияти ва қадри тобора ошиб бормоқда” деб бежиз таъкидлаб ўтмаганлар. Чамаси уч-тўрт йил бўлди, болалигидан тақдирнинг ўта оғир синовларига дуч келган ўша етим болалардан бири – Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани Жарариқ маҳалласида истиқомат қиливчи оиласининг катта қизи Ольга Тимонинанинг хотираларини ўқиб, ларзага тушганман. У киши куйидагича эслайди: “...бор ойингнинг олдига бор. Ойингга қараш деб дадам ҳайдардилар. Йўқ, мен сизнинг олдингизда ишлайман деб дадамларга қара-

шардим. Дадамнинг ишлари кўп эдиди. Шунинг учун, қиз бола бўлсан ҳам дадамларга қарашардим. Дадам экинларни сугораётганида сув камайса, ариқ бошига бориб қараб келардим. Кўмирга навбатда туриб, дадам билан кўмир олиб келардик. Газ, электр кўрмаганимиз. Бўлмаган у нарсалар. Давлат томонидан чигит, кунжара бериларди. Олиб келардик. Мехнатдан қочмасдик. Дадам ва ойим жуда меҳрибон эди. Ёмон иш килсак, дарров уришарди. Тарбияларди”.

Кейинчалик оммавий аҳборот воситаларида ёзи-
лишича, бағрикенглик тимсолига айланган оиласа
украин боласи қабул қилинишининг ўзига хос тарихи
бор. Темирчи Шомаҳмудовнинг улкан оиласи ҳақи-
даги хабар узок-узокларга, ҳатто фронт давом этаёт-
ган ўлкаларгача етиб борган эди. Бу ҳақда эшитган
катта лейтенант Левицкий Шоаҳмад отага бир неча юз рубль юборади — командир оладиган маошнинг
катта қисми эди мазкур миқдор. Токи тирик экан, яна
пул юбориб туришини вайда беради. Левицкий бола-
ларни вояга етказишга қандай қилиб бўлса-да, хисса
кўшишни истаган.

Шоаҳмад ота пулларни нима қилишни билмай қо-
лади. Ахир болалар ўзининг фарзандидек, оиласини
едириш ва кийдириш учун кимдандир пул олиш ға-
лати эди. Бироқ яхши одамни ранжитишни ҳам иста-
масди. Шоаҳмад ота ўйлаб-ўйлаб, яна бир болани —
украин Саня Брининни ўз бағрига олади.

Ростдан ҳам ниҳоятда оғир бир шароитда Шомаҳ-
мудовлар чинакам инсонпарварликни намоён этади.
Шунинг учун халқимиз азалдан бағри кенг, меҳрибон,
жонкуяр миллат сифатида довруқ қозонган.

Жалол САДИРОВ,
жиноят ишлари бўйича Қоракўл туман судининг раиси.

“ODILLIK MEZONI”

илемий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги
Судъялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судъялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судъялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ёдгоров
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Худойкул АЗИЗОВ
Илҳом НАСРИЕВ

Малика ҚАЛАНДАРОВА
Беҳзод МЁМИНОВ
Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир
Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир
Ҳамроқул ҚАРШИЕВ

Саҳифаловчи дизайнер
Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Махкамаси хузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январдағи
261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-йўл
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@mail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-ракам билан қайта рўйхатдан ўтган.
Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда, манба қайд этилиши керак.

Босишига 25.05.2022 да рухсат берилди.
Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ

Буюртма № 12 Адади 2590
Баҳоси келишилган нархда

“TIPOGRAFIA POLIAR” МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: 100057, Тошкент
шаҳри, Юнусобод тумани, Ифтихор кучаси,
117-йўл, 19-хонадон

МУНДАРИЖА

КУН МАВЗУСИ

6

ҚЎҚОН ҚАЛДИРФОЧИ

9

ХОТИРА УЙГОНСА, ГЎЗАЛДИР!

10

КЕЧИРИМЛИЛИК – ОЛИЙ ЗИЙНАТ

11

НУҶТАИ НАЗАР

РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИНГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ТИКЛАШ: МУАММО, ҚОНУНЧИЛИК ВА АМАЛИЁТ

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

14

“КУЛРАНГ БОЗОР” – ХАЛҚАРО САВДОНИНГ ЖУМБОҚЛИ ХОДИСАСИ

17

МУҲИМ МАВЗУ

ОДИЛ СУДЛОВ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

20

АУТСОРСИНГ ШАРТНОМАСИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

23

МУЛОҲАЗА

ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

ТАДҚИҚОТ

26

СЕНАТ ВА МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ МУНОСАБАТЛАРИ

28

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

ОИЛАВИЙ НИЗОЛАРДА МЕДИАЦИЯ

30

МУШОҲАДА

ИЖАРА ШАРТНОМАСИННИНГ
ХУҚУҚИЙ БЕЛГИЛАРИ ВА ЎЗИГА
ХОСЛИКЛАРИ

СУДЬЯ МИНБАРИ

33

ЕРГА ОИД МУНОСАБАТЛАРДА
ШАФФОФЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

34

СОҒЛОМЛАШТИРИШ
ТАОМИЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ
РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ

35

АДОЛАТ МЕЗОНИ ПОЙДЕВОРИ

36

ЯРАШТИРИШ ТАРТИБ-
ТАОМИЛЛАРИНИНГ
СУД АМАЛИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

ҚОНУН ВА АМАЛИЁТ

38

СУВДАН ФОЙДАЛАНИШДА
ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

41

ЯНГИ БОСҚИЧ

ТОВАР БЕЛГИСИ ВА ФИРМА
НОМИ БИЛАН БОҒЛИҚ
НИЗОЛАРНИНГ
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

44

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА
МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИ

46

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

ОДИЛ СУДЛОВГА ҚАРШИ
ЖИНОЯТЛАР:
ТУРЛАРИ ВА ТАСНИФЛАНИШИ

48

ШАХСНИНГ ШИКОЯТ ҚИЛИШ
ХУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ

50

АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ
ЙИФИЛИШИНИНГ ХУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

52

СУД ОЧЕРКИ

САРОБ ФОЯЛАР ЖИЛВАСИГА
УЧГАНЛАР

ВАЖНАЯ ТЕМА

53

ПРАКТИЧЕСКИЙ ОПЫТ ПОВЫШЕНИЯ
ЭФФЕКТИВНОСТИ УПРАВЛЕНЧЕСКОЙ
РАБОТЫ

57

ANALYSIS

PARODY AND SATIRE IN TRADEMARKS:
CONSIDERING WHETHER IT IS LEGAL
OR ILLEGAL

IMPORTANT TOPIC

60

METHODOLOGICAL PROBLEMS OF
CLASSIFICATION OF THE
SUBJECTS OF SMART CONTRACTS
RELATED CIVIL RELATIONS

61

ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

ЯНГИ ЖАМИЯТ ВА МАЪМУРИЙ
ИСЛОҲОТЛАР

ЖАРАЁН

62

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ВА
МАЪМУРИЙ СУДЛАР

63

СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ
БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАРНИ
СУДЛАРДА КЎРИШ:
ҚОНУНЧИЛИК ВА АМАЛИЁТ



**Исматулла
МАМАНОВ,**
Судьялар олий
мактаби
докторанти, ю.ф.н.

ҚҮҚОН ҚАЛДИРФОЧИ

“Яхшилар номининг эсланиши иккинчи умрдир”.
Заҳириддин Муҳаммад Бобур

Халқимизда “Инсон азиз, хотираси ундан-да азиз” деган гап бор. Бу бежизга эмас. Шундай инсонлар борки уларнинг ишлари дунёдан ўтганларидан сўнг ҳам унумилмайди. Умрини ҳуқуқшунослик соҳасига багишлаган устоз Мамажон Маҳсумов ана шундай инсонлардан эди. Мен у киши билан кўришимаганман, ҳамсуҳбат бўлмаганман. Ҳуқуқшунослик фаолиятимни бошлагач у киши ҳақида жуда кўп ва хўп яхши гапларни эшилдим. Мамажон Маҳсумовни ўзимга гойибона устоз сифатида қабул қилдим ва бу табаррук инсоннинг умр йўлини ўрганишга киришдим. Сўраб-суршишириб Мамажон Маҳсумов яшаган хонадонга бордим ва устознинг турмуш ўртоги Зулайҳо ая (илоҳим, руҳлари шод бўлсин), ўғли Муҳиддин Маҳсумов ҳамда қизи Маликахон Маҳсумова билан танишдим, улар билан устознинг ҳаёт йўллари борасида узоқ сұхбатлашдим. Ўша учрашувларнинг натижаси ўлароқ ушбу қайдлар дунёга келди.

* * *

Мамажон Маҳсумов 1918 йили Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида оддий этикдўз оиласида таваллуд топган. Икки ёшга етар-етмасдан ҳам онаси, ҳам отаси вафот этади. Норасида гўдак опаси ва поччасининг қарамоғида қолади. Улар “етим бола ўқиб одам бўлармиди”, дейишиб уни мактабга беришмайди. Бунинг устига поччаси олти яшар нимжонгина болакайнинг гарданига ўзи ва бутун қишлоқнинг подасини боқишини юклайди. Шундоқ ҳам кўнгли ярим бўлиб ўсаётган бола олти йилдан ортиқ вақт мобайнида барча азоб-укубатларга бардош беради...

Кунлар кунларга, ойлар ойларга уланиб вақт елдек ўта бошлади. Ана шундай машаққатли кунларнинг бирида қоронгу тушганда уйга қайтган Мамажонни Тошкентда яшайдиган Жўрабой акаси кутиб туради.

Мамажоннинг қирқ-ямоқ бўлиб кетгандан боши, яланг оёқлари ва қоқ суяқ бўлиб қолган жуссасини кўриб, уялганидан атайнин сезмаганга олган ака укасини бағрига босиб, узоқ кўйиб юбормасдан ушлаб туради.

– Нега мактабга бормаяпсан?

Мамажоннинг ўрнига опаси жавоб беради:

– Мактаб деганинг кўтара харажат. Янги кийим-бош, китоб-дафтар, ручка-қалам харид қилиш керак. Боз устига Мамажоннинг ўзи ўқишини хушламади. Қолаверса, поччанг айтганидек, етим бола ўқиб одам бўлармиди...

– Бўлади, опа, албатта бўлади. Мана мен ўқиб, ипакчилик трестини бошқаряпман. Мамажон ўқиши керак. Уни Тошкентга олиб кетаман.

– Йўқ! Ҳозиргина дарвозадан кириб келган почча қайнисига ўдағайлайди. – Бир ярим ёшда онадан, икки ёшда отадан етим қолган гўдакни

мен тарбия қилдим, қорнини тўйғаздим. У гўдаклигига ҳеч кимга керакмасди. Энди қўлидан иш келиб, керак бўлиб қолдими? Уни олиб кетишга ҳақинг йўқ!

– Почча, унинг тенгқурлари мактабда ўқијапти... Сиз эса уни қулдай ишлатаяпсиз...

– Бу менинг ишим. У гўдаклигига қаерда эдинг? Уни мен боқиб улғайтирдим. Энди уни ўқитаманми, ишлатаманми, ёлғиз ўзим ҳал қиласман.

– Вақт келиб хизматингизнинг ҳаммасини албатта қайтаради. Нон-тузингиз ва тарбиянгиз учун иккаламиз ҳам қарздормиз. Оқ йўл беринг. Уни ўқитайлик, почча.

– Айтдим-ку, Мамажон билан ишинг бўлмасин. Ўқитиш керак бўлса, ўзим ўқитаман. Сен кетавер. Менга ақл ўргатгунча уйдан чиқиб кетгингда бошқа қайтиб қадамингни босма.

Почча белбоғини жаҳл билан отиб юборади-да, уйга кириб кетади.

Опасининг ошхона томон йўналганидан фойдаланган Жўрабой укасининг қулогига шивирлайди:

– Тун ярмида ҳовлига чиқ. Ташқарида кутиб турман. Тошкентга кетамиз. Сени бу ерда қолдирмайман.

Жўрабой хайр-хуши ҳам насия қилиб опасининг ҳовлисидан чиқиб кетади.

Тун ярмида кўрқа-писа девордан ошиб ўтган Мамажонни қўлидан тутиб йўлга тушган Жўрабой укасини Тошкентдай улуғ шаҳарга олиб кетаётганидан баҳтиёр эди.

* * *

Ўн икки ёшли Мамажоннинг саводини чиқариш учун хусусий муаллим ёллаган акаси унинг ўткир зеҳнидан, ўқишига бўлган иштиёқидан қу-

вонади. Чунки, Мамажон қисқа фурсатда ўқиш ва ёзишни ўрганади. Бир йилдаёқ тенгдошларига етиб олади. Дастреб икки йиллик бошланғич мактабда сабоқ чиқарди, кейинчалик шаҳардаги фабрика-завод билим юртини муваффақиятли тугатиб, республика ҳарбий пиёдалар билим юртiga ўқишга киради.

Билим юртини аэло баҳоларга битириб дипломни қўлга олган Мамажонга ишонч билдиришиб уни Томск шаҳридаги 166-ўқчи дивизия 735-ўқчи полкнинг взвод командири лавозимига тайинлашади. 1940 йили унга 134-ўқчи дивизия 515-ўқчи полк мактабининг ўқчи взводи командири, рота командири ва кейинчалик ўқчи батальон командирининг ёрдамчиси лавозимлари ишониб топширилади.

Мамажон Маҳсумов 1941 йил 22 июнда Иккинчи жаҳон уруши бошланганлиги тўғрисидаги шум хабарни эшитди-ю фронтга жўнаш тадоригини кўра бошлайди.

Мамажон Маҳсумов урушнинг бошидан олдинги сафларида бўлади ва 1941 йил 13 июлга кадар Смоленск вилояти Яновичин қишлоғи учун немисларга қарши жанг олиб боради. У хизмат қилган дивизия қирқ беш кун давомида душман курсовида қолиб кетади. 1941 йил 15 август куни у раҳбарлик қилган рота аскарлари немислар штабига ҳужум қиласди. Шиддатли кечган жангда Мамажон Маҳсумов оғир яраланади. 1941 йил 29 август куни унинг ротаси курсовдан талофатларсиз чиқади. 1941 йил 2 октябрь



Рота командири Мамажон Маҳсумов разведкачи сафдоши билан Смоленск вилоятидаги чекка қишлоқ ҳудудидаги ўрмонда навбатдаги жангга кириш режасини тузмоқда. 1941 йил, декабрь.



МАҲСУМОВ МАМАЖОН МАҲСУМОВИЧ

1918 йилда Кўқон шаҳрида туғилган. Урушдан оғир яраланиб қайтган М. Маҳсумов 1949 йилда Андикон вилоят прокурорининг ўринбосари, 1952-1955 йилларда вилоят прокурори, 1962-1964 йилларда Республика Олий судининг раиси, 1964-1968 йилларда Республика прокурори, 1968 йилдан умрининг сўнгиги кунига кадар 17 йил давомида жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг раиси лавозимида фаолият кўрсатган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист. Юридик фанлари номзоди.

1985 йил 23 февралда вафот этган.

куни жангда рота командири Мамажоннинг ўнг елкасини нимадир куйдириб ўтгандек бўлиб ҳушини ўқотади. Кўзини очиб, ўзини Узловая станциясидаги госпиталда, шифокорлар курсовида кўради ва нима рўй берганини англагандек бўлади.

Мамажон Маҳсумов госпиталда икки ой давомида даволаниб чиқиб, 1941 йил 29 декабрда Нароформинск шаҳри учун ҳал қилувчи жангга киради ва шаҳарни немислардан тўлиқ озод қилишда иштирок этади. 1942 йил 25 январда Смоленск вилояти Князево қишлоғи учун узоқ давом этган шафқатсиз жангларда уч марта оғир яранади.

– Ўнг елкангизни снаряд парчаси олиб кетиби. Энди қўлингизга қурол тута олмайсиз. Яхшиси даволаниб Ўзбекистонга, яқинларингиз бағрига қайтинг, – дейишади шифокорлар.

Урушдан ногирон бўлиб қайтган Мамажон Маҳсумов кўп ўтмай уйланади. Йиллар ўтиб, Мақсадон, Муксим, Мухтор, Мухиддин ва Маликахондай ўғил-қизлар дунёга келади. Уларни Зулайҳо ая билан тарбиялашиб, ўқитишади ва эл-юртга муносиб хизмат қиладиган фарзандлар қилиб вояга етказишади. Урушнинг оғир ва даҳшатли дамларини бошидан кечирган Мамажон Маҳсумов ҳалқ ҳўжалиги ва давлат бошқарувининг энг қайноқ нуқталарида меҳнат қиласди. Ўзи туғилиб ўсган Кўқон шаҳар ижтимоий таъминот бўлимига инспектор бўлиб ишга киради. 1943 йил май ойидан 1943 йил октябргача Ўзбекистон прокуратрасининг 6 ойлик курсида таҳсил олади.

Фарғона вилоятининг собиқ Куйбишев туманида дастреб прокурор ёрдамчиси, кейинроқ прокурор бўлиб ишлади.

1949 йили Андикон вилоят прокурори ўринбосари сифатида фаолиятини давом эттиради. 1951 йилда эса вилоят партия қўмитасининг маъмурий органлар бўлими мудири бўлиб ишга ўтади.

1952-1955 йиллар давомида Андикон вилоят прокурори сифатида фаолият кўрсатган бўлса, кейин уни яна вилоят партия қўмитасига ишга таклиф қилишади.

1958 йили Андикон вилоятининг собиқ Холмевонбек тумани раҳбарлигини зиммасига ол-

ган Мамажон Маҳсумов туман иқтисодий кўрсаткичлари ва аҳоли фаровонлигини оширишга ҳамда қонун устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратади.

Туманда жиноятчилик кескин камаяди. Шу боисми, туман раҳбарини 1961 йилнинг сентябридан Ўзбекистон ССР Олий суди раисининг ўринbosари лавозимига тайинлашади. Кейинчалик Ўзбекистон ССР Давлат контроли раисининг ўринbosари, 1962 – 1964 йилларда Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси, 1964 йилнинг апрелидан 1968 йилнинг февралигача Ўзбекистон ССР Прокурори сингари юксак ва масъулиятли лавозимларда самарали хизмат қиласди. Устоз Мамажон Маҳсумов 1968 йилнинг февралидан умрининг сўнгги лаҳзасигача (1985 йил 23 февраль) Тошкент вилоят судининг раиси лавозимида фаолият кўрсатади.

Дарвоқе, устоз Мамажон Маҳсумов баҳорнинг илк элчиси – қалдирғоч мисоли Ҳўқанди латифдан келиб шахри азим Тошкентда муқим қўним топади. Юксак лавозимларда бенуқсон хизмат қилиб, соҳа ривожига катта ҳисса қўшади.

Устоз, таникли ҳуқуқшунос Убайдулла Мингбоев касбдоши Мамажон Маҳсумов ҳақида шундай дейди: “Мамажон Маҳсумов ҳалол, холис ваadolatli судья ҳамда шогирдларига ғамхўр, меҳрибон ва ўта талабчан инсон эди. Унинг раҳбар сифатида ҳамкасларга, ходимларга ва қабулига келган фуқароларга нисбатан бўлган муомаласини кузатиб ҳавас қилардим.

Ундаги олижаноблик, адолат йўлида курашувчанлик, поклик ва темир интизом сингари қатор фазилатларни ҳозиргача қадрлайман”.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар номзоди, Тошкент вилоят судининг раиси лавозимида ишлаётган Мамажон Маҳсумов 1985 йил 23 февралда юрак хуружидан вафот этади. Бу жудолик Мамажон Маҳсумовни таниган минглаб қалбларни ларзагасолади.

Бежизга фоний дунё билан хайрлашиб, бокийликка юз тутган инсонларнинг хотирасини сўнмас юлдузга менгзамайдилар. Негаки, юлдузларнинг шуъласи бизга миллион йиллардан кейин ҳам етиб келади.

Дарҳақиқат, биздан тобора олислаб борган сари устоз Мамажон Маҳсумов ўзининг юрак тафти ва меҳр шуъласи билан минг-минглаб ҳамкаслари, яқинлари ва шогирдлари қалбини олислан нур тарататётган сўнмас юлдуз мисоли нурафшон этиб турибди. Олий суд ва Республика Баш Прокуратураси музейларида ҳамда жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг маънавият хонасида Мамажон Маҳсумовнинг порлоқ хотираси учун алоҳида ўрин ажратилган бўлиб, уларда устознинг ҳәёти, фаолияти ва муносиб хизматлари акс этган лавҳалар тўплланган. Зеро, бутун ҳаётини ҳуқуқшунослик соҳасини мустаҳкамлашга, мамлакатда адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга, эл-юрт равнақи ва ҳалқ баҳт-саодатига бағишлаган устознинг порлоқ хотираси мангуликка дахлдордир.



ХОТИРА УЙФОНСА, ГҮЗАЛДИР!

Инсоннинг инсондек яшами учун унга тинчлик-осойишталик ва хотиржамлик зарур. Тинчликдек неъматини йўқотган хонадон ҳам, мамлакат ҳам асло хотиржам бўлмайди, усиз – тараққиёт ҳам йўқ. Донишманд ҳалқимиз азал-азалдан тинч-тотув ҳаёт кечиришини энг катта қадриятлардан бири, деб билади.



**Шахноза
МУХАММАТКУЛОВА,**

фуқаролик ишлари бўйича
Сурдарё туманларо суди судъяси

9 майни Хотира ва Қадрлаш куни – умумхалқ байрами сифатида нишонлаб келаётганимиз замирида ҳам айнан ана шу эзгу мақсад ётиди. Келинг байрам арафасида мамлакатимиз суд тизими тараққиётига муносиб ҳисса кўшган, таниқли ҳукуқшунос, судья, ҳалқимизнинг ардоқли фарзандларидан бири бўлган Саъдулла Қосимов хотирасини ёдга олайлик.

Яқинда машҳур адабиётшунос олим Озод Шарофиддининг 2004 йилда “Маънавият” нашриётида чоп этилган “Довоңдаги ўйлар” китобидаги “Саъдулла Қосимовни билган борми?” сарлавҳали мақоласини ўқиб жуда катта маънавий озуқа олдим.

Унга кўра, Саъдулла Қосимов 22 ёшидан бошлаб суд органларида ишлай бошлайди. У аввал Тошкент вилоят судининг судъяси бўлади. Кейин бир йил ўтар ўтмас вилоят судининг раиси лавозимига кўтарилади. 1925 йилда эса, яъни 24 ёшида Республика судининг раиси сингари юксак масъулиятни зиммасига олади. Шубҳасиз, собиқ иттифок тузумида бундай лавозимга эришиш учун номзод ўша даврда жуда кўплаб синовлардан ўтиши керак эди, унинг билимидан тортиб шахсиятигача барча-барчаси чукур текширувлардан ўтказилган. Бундай инсоний фазилатлар ва ижобий хислатлар эса Саъдулла Қосимовда бисёр эди. Чунки, у тафаккури кенг, ўткир мушоҳадали, билими зўр, қатъиятли мутахассис сифатида бошқалардан ажралиб турарди. Катта ташкилотчилик қобилиятига эга, иш ва ҳаётий муаммоларнинг одилона ечимини топа билган бу инсон ҳамкаслари орасида ҳам ҳурматга сазовор бўлади. Айнан ана шу хислатларга таянган ҳолда Саъдулла Қосимов беш йил мобайнида ўз лавозимида муваффақият билан иш олиб боради. Лекин, минг афсуски, тоталитар тузум у кишининг ҳам бошига турли кулфатларни солиб, айтиш лозим бўлса унинг фожиасига, бевакт ўлимига асосий сабаб бўлади.

Чунки у даврга истеъодлар керак эмас эди. Айниқса, мустақил фикрлайдиган, ўзи билиб иш юритадиган одамларнинг сира ҳожати йўқ эди. Сабаби, бундай одамлар ўз-

ларининг орқасидан бошқаларни ҳам эргаштириб, уларни эркин ҳаёт сари ундаши мумкин, деб ҳисобланар ва бу ўша давр учун катта ташвиш келтиран эди. Фикрсизлик, эрксизлик у даврнинг ҳаётий “шиорлари”дан бири бўлган. Кўплаб одамларга раҳномо бўлишга қодир инсонларнинг кўздан пана бўлиши мақсадга мувофиқ саналган. Ўта итоаткор одамлар хуш кўрилган. У даврга фақат лаббайчилар ва ижрочилар керак эди, юқоридан айтилган ҳар қандай гапни сўзсиз бажарадиган ижрочиларнинг “кетмони учган” замон бўлган. Сиёсат ҳалқни содик фуқарочилик, кўр-кўрони ижрочиллик руҳида тарбиялашда, одамларни эрқдан, иродадан маҳрум қилишда жуда кўл келарди. Чўлпоннинг ўз даврида “бир сомон парчадек оқиб бораман, ҳар бўйруқ, ҳар гапни ҳақ деб бораман”, – деб афсус надоматлар чекиши бежиз эмас эди. Хуллас, Саъдулла Қосимов оломон ичидан бир бosh кўтарилиб кетган, ўзининг истеъоди билан лидерга — раҳнамога айланба бошлаган кимса эди.

Шу сабабли ҳам Саъдулла Қосимовни йўқ қилиш мақсадида турли тухмату бўхтонлар уюштирилиб, пировардида суд қилинади. Бу йўлда уларга мансаб учун ҳар нарсадан қайтмайдиган “миллатдошларимиз” анча “ёрдам” беришади. Суд бошланмасиданоқ Саъдулла Қосимовнинг ҳукми ёзиб бўлинганди. Шу боисдан суд жараёни шармандали ва оғир бўлган. Бениҳоя заковатли ва ҳукуқшунослик асосларини пухта билган Саъдулла Қосимов судда ҳам бир неча марталаб қўғирчоқ судья ва қораловчиларнинг хатосини айтиб ташлаган.

Яна бир қатор манбаларда айтилишича ўша даврда ҳукуқшунослик тарихидаги энг манфур, энг беандиша фожиали комедиялардан бири ўйналган экан. Бу “суд жараёни” умуман инсон ҳукуқи, адолат, ҳақиқат деган қадрияtlарни оёқ остига олиб тепкилаган, одамлар тақдирини ҳал қилишда қонун нормаларига, мантиққа эмас, зўравонликка асосланиб иш юритишнинг энг аянчли намуналаридан бири бўлган экан.

Ана шундай суд жараёнидан сўнг Саъдулла Қосимовнинг отилиши ҳақидаги ҳукм 1930 йилнинг 21 июнь куни ўқилади. Лекин улар қаҷон, қаерда отилган, қабрлари қаерда — бу ҳанузга қадар маълум эмас.

Ушбу маълумотларни келтиришимиздан мақсад Саъдулло Қосимов каби устозларнинг ҳаёт йўли, касбий маҳорати биз учун намуна, ибрат мактаби бўлиши керак. Ўқиб, ўрганиб ҳамда ўз малакамизни ошириб бутун фаoliyati-miz давомида уларга муносиб авлод тарзида ишлашимиз зарур. Ҳар биримизда Саъдулло Қосимов каби шижаатли, чўрт кесар, билимли ва ўткир ходим бўлиш имконияти бор. Бу неъматни қўлдан чиқармайлик қадрли ҳамкаслар...



Шаҳриддин ЭШИМОВ,
жиноят ишлари
бўйича Қарши шахар
суди судьяси

КЕЧИРИМЛИК – ОЛИЙ ЗИЙНАТ

Халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган миллий қадриятларидан бири – кечиримлиликдир. Кечиримлилик инсон учун олий зийнат. Бундай инсонлар маънавий паҳлавондирлар...

Ислом динида ҳам кечиримлилик кишининг комиллик сифатларидан намуна деб эътироф этилади. “Агар сизлар (уларни) афв этсангизлар, койимасангизлар ва кечирсангизлар, у ҳолда, албатта, Аллоҳ (ҳам) магфиратли ва раҳмлидир” (Тагобун, 14).

Улуг қадрияларимизга асосланиб Президентимиз бу йил ҳам Муборак Рамазон ҳайити байрами арафасида халқимизга хос эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гурӯҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармонни имзолади.

Унга мувофиқ, Конституциямизнинг 93-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 65 нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 2 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 39 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 6 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроғи билан алмаштирилди. Шунингдек, 18 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 1 нафарини чет эл фуқароси, 3 нафарини аёллар, 3 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар ҳамда 3 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга кўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Афв – бу айборни кечириш, қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлганнинг узрини қабул қилишдир. Бу институтнинг афзаллиги, икки томон манфаатлари учун адолатли ёндошув бўлиб, жабр етказувчи ва жабр кўрув-

чилар манфаатини бир хилда ҳимоя қиласди. Энг муҳими, бу акт қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган маҳкумларга нисбатангина кўлланилади.

Маълумки, жиноят содир этган шахс нафақат ўзи, балки фарзандлари, ота-онаси, қавму қариндошларининг ҳам келажаги ва тақдирига салбий таъсир ўтказиши мумкин. Озодликдан маҳрум бўлган киши азиз фарзандларини ўз меҳридан айриб, ота-оналарини ҳам айрилиқ доғига мубтало қиласди. Улар одамлар орасида мулзам бўлиб, катта руҳий изтироб чекишади. Шу сабабли, хато қилган ва бугунги кунда қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган шахсларни кечириш – юксак инсонпарварлик намунаси бўлиб, у яқин инсонини изтироб ва интизорлик билан кутаётган бутун бир оилани янгидан ҳаётга қайтариш билан баробардир.

Шундай экан афв акти ўзининг халқчиллиги билан аҳамиятидир. Хусусан, ушбу ҳолатда давлат, жамият, ҳалқ ва жабрланувчилар манфаати устунлик қиласди. Афв аниқ маҳкум ёки бир гурӯҳ маҳкумларга нисбатан кўлланилиши, бунда ҳар бир маҳкумнинг содир этган жинояти оқибатлари, жазони ижро этиш муассасаси хуносаси, тузалиш йўлига қатъий ўтганлиги, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий заарларнинг қопланганлиги, Президентдан, айрим ҳолларда халқдан кечирим сўраганлиги, келгусида бу йўлга бошқа кирмаслик ҳақидаги ваъдалари каби жиҳатлар ҳам эътиборга олинади.

Тўғри, кечиримлилик яхши албатта. Лекин биз вазият бу даражага боргунча қараб турмайлик азизлар, юмушларимиздан бир лаҳза бўлса-да бош кўтариб ўйлаб кўрайлиқ, фарзандларимиз, ака-укаларимиз, опа-сингилларимизнинг руҳий, маънавий тарбиясида қандайдир камчилик ёки оқсаш йўқми? Улар кимлар билан дўст бўляпти, вақтида ўқияттими, кийинишида, ҳатти-ҳаракатида салбий ўзгаришлар йўқми? Шу каби бошқа жиҳатларда оғишлар бўлса оқил кишилар билан бамаслаҳат ҳолда уларни ислоҳ қилишга ҳаракат қиласлик, дўстлар. Биз улардаги камчиликларни кўриш ва тузатиш учун аввало ўзимизнинг маънавий ҳолатимизга ҳам эътибор бериб қўяйлик, ўзимизнинг бу жабҳада қусларимиз бўлса, биз масъул инсонларни ижобий томонга ўзгаришишимиз қийин бўлади. Хуносамиз шуки, ўзимиз ва оиласиз тарбияли бўлса жамиятда жиноятчи тамғаси босиладиганлар сони камаяди.



НУҚТАИ НАЗАР



Илҳом НАСРИЕВ,
юридик фанлар
доктори,
профессор

РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИНГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ТИКЛАШ: **МУАММО, ҚОНУНЧИЛИК ВА АМАЛИЁТ**

Олий суд статистикасига кўра Республикаиз судлари томонидан ишга тиклаш билан боғлиқ 2020 йилда 2 385 иш кўрилган бўлса, 2021 йилда 3 221, 2022 йилнинг 1-чорагида 668 иш кўриб чиқилиб ҳал этилган. Бу рақамлар мазкур тоифадаги ишлар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётгандигини кўрсатмоқда. Ишга тиклашга оид келишмовчиликлар ичида реабилитация қилингандан шахсларни ишга тиклаш алоҳида ўрин тутади.

2017-2021 йиллар мобайнида ва 2022 йилнинг 1-чорагида жами 3 967 шахс оқланганлиги ҳам кейинги йилларда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан оқлов ҳукмлари чиқарилиши ортиб бораётгандигини кўрсатиб турибди. Лекин, реабилитация қилингандан шахсларни ишга тиклаш амалиётида суринтирув ва тергов идоралари билан бир қаторда суд амалиётида ҳам ягона ёндошувнинг мавжуд эмаслиги айrim ҳолларда фуқароларимизнинг норозилигига, уларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларининг бирмунча сусайишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда фуқароларимизнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини, айниқса реабилитация қилингандан шахсларни ишга тиклаш билан боғлиқ ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган амалиёт бундай ҳуқуқларни ҳар доим ҳам тўла-тўкис таъминламоқда, дея олмаймиз. Бу борадаги амалиётда ёндошувларнинг ҳар хиллиги кишини ажаблантиради.

Реабилитация қилингандан шахснинг ҳуқуқларини тиклаш Узбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 304-310-моддаларида белгиланишича суднинг ажрими, терговчи ёки прокурорнинг қарори асосида амалга оширилади. Келинг суднинг ажримидан бошлайлик.

Юқоридаги моддалар мазмунига кўра шахсни реабилитация қилиш тўғрисида тегишли вертикт чиқарган суд реабилитация қилингандан шахснинг ҳуқуқларини тиклаши лозим бўлади. Бинобарин, ЖПКнинг 311-моддасига асосан реабилитация қилингандан шахснинг ҳуқуқлари билан бир қаторда уни меҳнатга оид ҳуқуқларини тиклаш тўғрисидаги талаби қаноатлантирилмаган бўлса ёхуд у қабул қилингандан қарорга рози бўлмаса тегишли талаб билан даъво ишини юритиш тартибида судга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги аниқ назарда тутилмаган. Шу йўсинда қонун реабилитация қилингандан шахсга “тўғри йўлни” кўрсатмайди.

Аммо, мазкур қонун нормасида реабилитация қилингандан шахснинг меҳнатга оид ҳуқуқларини тиклаш билан боғлиқ талаби айнан қайси давлат органи ёки мансабдор шахси томонидан қаноатлантирилмаган ҳолларда даъво ишини юритиш тартибида судга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги аниқ назарда тутилмаган. Шу йўсинда қонун реабилитация қилингандан шахсга “тўғри йўлни” кўрсатмайди. ЖПКнинг “талаб қилиш ҳуқуқи” деб номланган 312-моддасига кўра, реабилитация этилган шахсни ишга тиклаш бўйича ҳеч қандай процессуал хужжат қабул қилинмайди, фақат унга тушунтирувчи билдириш хати юборилади, холос.

Бундай мазмундаги норма қатор тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Тушунмовчилик мазкур меъёрнинг турли талқин қилиниши билан боғлиқ;

– бу хатни қайси орган, қачон беради?

– Муддат шахсни реабилитация қилингандан шахснинг тушунтирувчи билдириш хатини олгандан кейин бошланадими ёки ишга тиклаш ваколатига эга бўлган органнинг ёки мансабдор шахснинг билдириш хатини олгандан сўнг бошланадими?

– Нима учун реабилитация қилингандан шахсга тушунтириш берилиши керак ва реабилитация қилингандан шахснинг ўзи шахсни ишга тиклаб қўйишига нима халақит беради? ва ҳ.к. Бу саволларга жавоб йўқ.

Бугунги кунда мамлакатимизда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб шахс ҳуқуқларини чеклашга қаратилган мажбурлов чораларини одил судлов йўли билан белгилаш борасида ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, шахсни лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги масаланинг муҳимлиги, бу фуқаронинг меҳнат қилиш ҳуқуқининг таркибий қисми бўлганлиги боис қонун бу масаланинг ҳам суднинг тегишли қарори асосида амалга оширилишини назарда тутади. Аммо, қонун бир вақтнинг ўзида суд ажрими асосида айбланувчи, судланувчини лавозимидан четлаштириш тарзида процессуал мажбурлов чорасини суринтирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори билан “бекор қилиниши” мумкинлигини ҳам инкор қилмайди. Фақат бундай ҳолларда суринтирувчи, терговчи, прокурор судни хабардор қилиб қўйиши талаб қилинади.

Қонунда белгиланган бундай тартибот қатор саволларни келтириб чиқаради.

– суд ажрими қонуний кучда бўлган бир вақтда суринтирувчи, терговчи, прокурор суднинг ажрими билан лавозимидан четлаштириши тўғрисидаги мажбурлов чорасини ўзининг қарори билан бекор қилиши процессуал ҳуқуқ нуқтаи-назаридан қанчалик тўғри бўлади?

– лавозимидан четлаштириши тарзида процессуал мажбурлов чорасини бекор қилган суринтирувчи, терговчи, прокурор судни нима ҳақида хабардор қиласади?

– суд хабарни олгандан сўнг қандай процессыуал ҳаракатларни амалга ошириши керак?

– жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли ишини юритишдан тугатган терговчи ўз қарорида суднинг ажрими билан лавозимидан четлаштирилган шахсни

ишига тикламаса манфаатдор шахс қандай ҳаракатларни амалга оширишига ҳақли ва ҳ.к. Бу каби саволларга қонунда аниқ жавоблар бўлиши керак. Афсуски, бу борадаги қонун хужжатларимиз мукаммал эмас.

Ишда айланувчи, судланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши муносабати билан лавозимидан четлаштирилган шахсни олдинги ишлаган ишига (лавозимига) ким тиклади. Терговчими, прокурорми, судми? Келинг амалиётга мурожаат қиласиз.

Чилонзор туман судининг ажрими билан 23.02.2021 йилда туман прокурорининг илтимосномасига асосан фуқаро F. жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашга тўсқинлик қилиши ёхуд жиноий фаолиятини давом эттириши мумкинлиги инобатга олинниб, эҳтиёт чораси сифатида мансабидан четлаштирилган ва иш берувчи – Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўзининг бўйруғи билан ажрим ижросини таъминлаган. 01.02.2022 йилга келиб, Чилонзор туман прокуратураси терговчисининг қарорига биноан жиноят иши ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига мувофиқ ҳаракатдан тугатилган. Аммо, шахсни мансабига қайтадан тиклаш масаласида қарорда ҳеч нарса дейилмаган, қарор қабул қилишда ЖПКнинг 255-моддаси талаблари бажарилмаган. Шундан сўнг 10.03.2022 йилда фуқаро Чилонзор туман жиноят ишлари бўйича судга мурожаат қилиб, унга нисбатан лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини бекор қилишни сўраган. Суд эса, ушбу мурожаатни кўриб чиқиш учун яна туман прокурорига юборган.

Амалдаги тартибга кўра, дастлаб иш берувчига шахсни лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги суднинг ажрими тақдим қилиниб, у лавозимидан четлаштирилади, у реабилитация қилингандан кейинчи? Айнан шу жойга келганда, яъни шахс реабилитация қилингандан сўнг шахсни ишига тиклаш бўйича иш берувчига қайси органнинг ҳужжати тақдим қилинади, деган саволга қонунларимизда ҳеч нарса дейилмаган. Балким, бу саволга ЖПКнинг 255-моддаси 4-бандига асосан қабул қилинган терговчи қарорига биноан масала ҳал бўлади, дейиш мумкиндир. Аммо суднинг ажрими асосида ходимни ишдан четлаштирган иш берувчи тергов органининг қарорига асосан ходимни ишига тиклармикин? Агар тиклаши шарт бўлса, бу ҳақда ҳеч қаерда ёзилмаган. Бу борадаги қонун хужжатларини таҳлил қилганимизда шахс ҳукуқларини чеклашга қаратилган қонун меъёрлари анчайин мукаммаллигига, аксинча уни тиклашга қаратилганларида эса қатор бўшлиқлар мавжудлигига гувоҳ бўламиз.

Бугунги кунда реабилитация қилинган шахсларни, айниқса ҳарбий хизматчиларни ишига тиклаш бўйича суд амалиётида турли ёндошувлар мавжуд. Бу борадаги суд амалиёти амалдаги қонулар, қонун ости хужжатлари ва шу билан бирга 2019 йил 4 февралдаги Олий суд томонидан барча судларга юборилган 11-9-10-сонли хат ва 2020 йил 26 ноябрда Олий суднинг РС-54-20-сонли “2019 йил ва 2020 йил 9 ойи давомида реабилитация билан боғлиқ ишига тиклаш, иш ҳақи, моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги фуқаролик ишлари

бўйича суд амалиётини умумлаштириш натижалари ҳақида”ги Раёсат қарорига таяниб шаклланган.

2019 йил 4 февралдаги 11-9-10-сонли Олий суд томонидан юборилган хатда собиқ ҳарбий хизматчилар, Ички ишлар, Божхона қўмитаси ва бошқа давлат органлари хизматчиларининг меҳнатга оид муносабатлари шунингдек, давлат органлари, шу жумладан ҳоким қарорлари бўйича юзага келган низоларнинг тааллуқлиги юзасидан турли хил амалиёт шаклланганинги кўриш мумкин. Ушбу ҳолатга чек кўйиш ва ягона амалиётни шакллантириш мақсадида:

Ички ишлар, Божхона қўмитаси ва бошқа давлат органлари хизматчиларининг меҳнатга оид муносабатлари бўйича юзага келган низолар юзасидан ишлар фуқаролик ишлари бўйича судларга;

ҳарбий хизматчи ёки сабиқ ҳарбий хизматчининг меҳнат ва бошқа ҳукуқий муносабатлар билан боғлиқ низолари ҳарбий судларга;

ҳар қандай давлат органлари, шу жумладан ҳоким қарорлари билан боғлиқ низолар маъмурий судларга тааллуқли эканлиги ҳақида тегишили тушунтиришлар берилган.

Аммо, мазкур хат ҳам бу борадаги суд амалиётини бир хилда бўлишини таъминлаган, дея олмаймиз.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги суд амалиётида реабилитация этилган шахсларнинг меҳнат ҳукуқларини тиклаш ҳақидаги талабларга нисбатан барча ҳолатларда ҳам ЖПКнинг 312-моддаси қўлланилмаяти.

Мазкур нормага кўра, “шахс ҳукуқларини тиклаш тартибини тушунтирувчи билдириш хати” олган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида меҳнат ҳукуқларини тиклашни талаб қилиши мумкин. Бироқ, бундай турдаги ишлар бўйича суд амалиётида аксарият ҳолларда қонун талабларига зид равища, Меҳнат кодексининг 270-моддасида белгиланган “шахс меҳнат шартномаси бекор қилинганилиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ойлик мuddатда судга мурожаат қилиши мумкинлиги” ҳақидаги қоида қўлланилса, бошқа ҳолатда ЖПК нормалари қўлланади.

Прокуратура органларининг реабилитация қилинган собиқ ходимларини ишига тиклаш билан боғлиқ амалиётида даъво талаблари бўйича иш судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли юритишдан тугатилганик ҳолатларини ҳам кўришимиз мумкин.

Масалан, даъвогар Б. жавобгар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига нисбатан бўйруқни файриқонуний деб топиш, ишига тиклаш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг 2020 йил 16 марта даги ажрими билан иш юритиш тугатилган ва мазкур талаб билан Бош прокуратурага мурожаат қилиш ҳукуқи тушунтирилган.

Иш хужжатларига кўра, Б. 2012 йил сўнгига қадар прокурор лавозимида ишлаб келган ва 2012 йил 26 декабрдаги 1134-сонли бўйруқ билан ўз аризасига кўра лавозимидан озод қилинган.

Фуқаро Б. жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 14.08.2013 йилдаги ҳукми билан ЖК 210-мод-

даси учинчи қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганинкада айбли деб топилиб, ЖК 45-моддаси қўлланилган ҳолда 3 йил муддатга моддий ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳукуқидан маҳрум қилинган ҳолда 11 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 19.12.2019 йилдаги ажрими билан айбиз деб топилиб, ЖПК 83-моддасининг иккинчи қисмига асосан реабилитация қилинган.

Суд 2013 йил 12 сентябрдаги ПҚ-2036-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низомнинг 80-бандида прокуратура органлари ходимларининг меҳнат низолари Бош прокурор томонидан кўриб чиқилиши белгиланганлиги боис шундай йўл туттган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин, нима бўлганда ҳам судлар бундай тоифадаги низоларни ҳал қилишда айнан қайси қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича ягона ёндошувга эришишлари лозим бўлади.

Фикримизча ҳарбий хизматчиларни ишга тикилаш билан боғлиқ ишларни кўришдаги суд амалиётидаги тури хил ёндошувларга амалдаги қонун ҳужжатларимиздаги ҳолатлар ҳам йўл очиб берган. Масалан, ЖПКнинг 303-моддаси асосида реабилитация қилинганларнинг бузилган ҳукуқлари тикланиши борасида қонун чиқарувчи томонидан ҳар хил ёндошилган.

ЖПК 313-моддасига мувофиқ реабилитация қилинган ҳарбий хизматчиларнинг хизматига оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкий ҳукуқларни тикилаш, уларга етказилган мулкий заарнинг ўрнини қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш ушбу бобда белгиланган қоидаларга мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Мудофаа вазири, Ички ишлар вазири, Президенти, Давлат хавфсизлик хизмати ва Миллий гвардияси томонидан белгиланган тартибида амалга оширилиши белгилаб кўйилган.

Давлат хавфсизлик хизмати ва прокуратура органлари ходимларини реабилитация асосида ишга тикилаш масалалари судга тааллуқли эмас. Ички ишлар органлари, Давлат божхона хизмати ва Миллий гвардия хизмати хизматчиларининг меҳнат низолари эса судга тааллуқли масала ҳисобланади, аммо қайси судга тааллуқли деган саволга қонун ҳужжатларимизда жавоб йўқ.

Меҳнат кодексининг 111-моддасида, меҳнат шартномаси файриқонуний равишда бекор қилинган ёки ходим файриқонуний равишида бошқа ишга ўтказилган ҳолларда, у иш берувчининг ўзи, суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан аввалги ишига тикланиши лозим деб белгиланган. Аммо бундай тоифадаги ишларни фуқаролик ишлари бўйича судлар кўрас экан, уларнинг Меҳнат кодекси нормалариними ёки реабилитация қилинган шахсларнинг ҳукуқларини тикилашга оид Жиноят-процессуал кодекси нормаларини қўллаши лозимлиги тўғрисида ҳам аниқ кўрсатма йўқ.

Реабилитация қилинган шахсларнинг меҳнат ҳукуқларини тикилаш оқлов ҳукми чиқарган суд, шунингдек прокурор ёки терговчи томонидан ҳал этилиши, уларнинг бу ҳақдаги қарори иш берувчи томонидан бажарилмаган ҳолатларда мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати устидан шикоят бериш тартибида ҳал этилиши амалдаги қонун талабларига мувофиқ бўлади.

Яна бир масала. ЖПКнинг 310-моддасида қонунга хилоф равища ҳукм қилингани, қонунга хилоф равища тиббий муассасага жойлаштирилган, эҳтиёт чораси тарикасида қонунга хилоф равища қамоқца олингани ёки уй қамогига жойлаштирилган, қонунга хилоф равища ушлаб турилган туфайли ишдан (лавозимидан) озод қилинган ёки ишда айланувчи, судланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилиниши муносабати билан лавозимидан қонунга хилоф равища четлаштирилган шахс олдин ишлаган ишига корхона, муассаса, ташкилот тугатилган ёки қонунда назарда тутилган бошқа асосларга кўра уни олдинги ишлаб турган ишига (лавозими) тикилаш имкониятини бермаган тақдирда унга аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилиши лозим, деб кўрсатилган. Бироқ, қонунда оқланган шахснинг илгари ишлаган ташкилоти тугатилганда уни ишга тикилаш масаласи қандай тартибида амалга оширилиши, қолаверса бу вазифани суд қайси органга юклаши лозимлиги назарда тутилмаган. Шу сабабли корхона, муассаса, ташкилот тугатилган ёки қонунда назарда тутилган бошқа асосларга кўра шахсни олдинги ишлаб турган ишига (лавозими) тикилаш имконияти бўлмаса унга аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилишини кафолатлашга қаратилган механизм ишлаб чиқилиши ва зудлик билан амалга жорий этилиши лозим, акс ҳолда мазкур норма “ўлик” норма бўлиб тураверади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида суднинг айблов ҳукми билан ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо тайинланган ва реабилитация қилинган шахслар учун ҳарбий ёки маҳсус унвонларни қайтариб бериш асослари ва тартиби назарда тутилмаган. Бизнингча реабилитация этилган шахснинг бошқа ҳукуқларини тикилаш баробарида, агарда суднинг айблов ҳукми билан ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо қўлланилган бўлса, бундай ҳарбий ёки маҳсус унвонлар унга қайтариб берилиши билан боғлиқ масала ҳам ҳал этилиши лозим.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бунгунги кунда биринчи навбатда реабилитация қилинган шахслар, айниқса реабилитация қилинган ҳарбий хизматчиларни ишга тикилаш билан боғлиқ суд амалиётини бир хиллаштириш мақсадида аввало мазкур соҳадаги қонун ҳужжатларини унификациялаш, шу билан бир қаторда Олий суднинг тегишли Пленум қарорини ишлаб чиқиш лозим. Бундан ташқари мазкур муносабатларнинг кенг қамровилиги ва ўзига хослигидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасининг “Реабилитация қилинган шахсларнинг ҳукуқларини тикилаш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, қабул қилиш лозим.



Шахноза АЛМОСОВА,
ТДЮУ ўқитувчisi

“КУЛРАНГ БОЗОР” – ХАЛҚАРО САВДОНИНГ ЖУМБОҚЛИ ҲОДИСАСИ

Параллел импорт халқаро савдонинг энг мураккаб ва жумбоқли ҳодисаларидан биридир, чунки бир томондан халқаро савдода товарларнинг эркин ҳаракати муаммоси ва иккинчи томондан, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ўртасидаги мураккаб ўзаро таъсирни кузатиш мумкин. Товар ишилаб чиқарувчилар турли ҳудудлар ўртасида товарлар нархларидағи фарқни сақлаб қолиш ва интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун халқаро савдода умумий тўсиқларни доимий равишда талаб қиласалар, истеъмолчилар, жаҳон ҳамжамияти тўсиқларсиз халқаро савдога тобора кўпроқ ўтаётган бир пайтда, бундай фарқларни батамом ортиқча деб ҳисоблайдилар.

Параллел импорт ёки “кулранг бозор” тушунчаси тобора муҳим ҳодисага айланиб бормоқда. “Қора бозор”лардаги қалбаки маҳсулотлардан фарқли ўлароқ, “кулранг бозор” маҳсулотлари одатда, товар белгиси (муаллифлик ҳуқуқи ёки патент) ҳимояси остида сотиладиган асл товарларни интеллектуал мулк эгаларининг рухсатисиз бир ҳудуддан бошқасига қонуний тарзда олиб киришдан иборат.

Шуни таъкидлаш керак-ки, параллел импорт ҳақида на Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясида, на бошқа интеллектуал мулк ҳуқуқларини тартибга солувчи ёки божхона назорати бўйича халқаро шартномаларда сўз юритилади. Интеллектуал мулк соҳасидаги энг муҳим ҳужжат 1994 йилги ГАТТ/ЖСТ келишуви пакети ичida тузилган “Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдога оид жиҳатлар тўғрисида”ги битим – ТРИПС интеллектуал мулк ҳуқуқларининг барча жиҳатларини қамраб олган шартнома бўлгани сабабли параллел импорт масаласини ҳам ўз ичига олади.

Параллел импорт ҳодисаси ҳуқуқлар тугаси (инглиз тилида – *exhaustion*) доктринасининг табиий натижасидир. “Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг тугаси” деганда – ҳуқуқ эгалари муҳофаза қилинган товарларни қайта сотиш устидан назорат қилиш ҳуқуқини йўқотади. “Ҳуқуқлар тугаси принципи” мазмуни шундаки, патентлар (ёки муаллифлик ҳуқуқлари ёки товар белгилари) билан ҳимояланган маҳсулот сотилганда, интеллектуал мулк эгаси ушбу маҳсулотга бўлган мулкий ҳуқуқларидан воз кечганлиги учун адолатли ҳақ олади. Шундай қилиб, бу ҳуқуқлар биринчи сотув вақтида “тутатилади”¹.

ТРИПСнинг 6-моддаси ЖСТга аъзо мамлакатларга миллий, минтақавий ёки халқаро даражада ҳуқуқларни тутатиш тартибларини ташлашда эркинлик беради. Яъни, ТРИПС келишуви аъзо давлатларга интеллектуал мулк ҳуқуқларининг “тугаси” бўйича ўз қонунлари ва қоидаларини яратиш ҳамда амалиётда қўллаш имконини тақдим этади.

АННОТАЦИЯ:

уибу мақолада параллел импорт тушунчасига берилган турли олимларнинг таърифлари, унинг иқтисодий аҳамияти, шу билан бирга, давлатлар томонидан унинг ҳуқуқий тартибга солиниши масалалари муҳокама қилинган. Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг тугаси (*exhaustion*) режимининг аҳамияти, унинг халқаро шартномаларда акс эттирилиши ҳамда Ўзбекистон Республикасида параллел импорт ва ҳуқуқлар тугаси тартиби билан бөглиқ муаммолар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: параллел импорт, ҳуқуқлар тугаси тартиби, ТРИПС битими, нархлар ўртасидаги фарқ, товарларнинг эркин ҳаракати, интеллектуал мулк обьектлари ҳуқуқий муҳофазаси.

АННОТАЦИЯ:

в данной статье рассматриваются определения различных ученых, данные понятия параллельного импорта, его экономическое значение, а также вопросы его правового регулирования государствами. Отмечено значение режима исчерпания прав интеллектуальной собственности, его отражение в международных договорах и проблемы, связанные с порядком параллельного ввоза и исчерпания прав в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: параллельный импорт, исчерпание прав, Соглашение ТРИПС, ценовая дискриминация, свободное перемещение товаров, правовая охрана объектов интеллектуальной собственности.

Бирок, интеллектуал мулк ҳуқуқлари билан ҳимояланган товарларнинг маълум бир аъзо давлатга ҳуқуқ эгаси рухсатисиз олиб кирилишининг олдини ҳуқуқ эгаси судга мурожаат қилиш орқали олиши мумкин ёки мумкин эмаслиги масаласи аъзо давлат қонунларига боғлик. Агар аъзо давлат интеллектуал мулк ҳуқуқларининг миллий равиша тугатилиши тартибини қабул қилган бўлса, ҳуқуқ эгаси ёки унинг қонуний вакили параллел импортнинг олдини олиши мумкин. Масалан, АҚШ миллий ҳуқуқлар тугаши тизимини кўллаган ҳолда, параллел импорт бўйича қаттиқ назорат олиб боради. Ҳалқаро ҳуқуқлар тугаши тартибини танлаган давлатларда бўлса, параллел импортни тўхтатиб бўлмайди. Чунки, ҳимояланган товар дунёнинг исталган нуқтасида “биринчи марта” сотилганда ҳуқуқ эгасининг интеллектуал мулк ҳуқуқлари тугайди, буни Ҳиндистон амалиёти мисолида кўриш мумкин. Минтақавий ҳуқуқлар тугаши тартибининг энг ёрқин мисоли сифатида Европа Иттифоқидаги “exhaustion” тизимини келтириш мумкин, унга кўра, Европа Иттифоқи мамлакатларига иттифоқ ташқарисидан параллел импорт тақиқланади, лекин Иттифоқ ичida рухсат этилади.

Ўзбекистонда ушбу ҳодиса билан боғлик вазиятга эътибор қаратадиган бўлсан, параллел импорт тушунчаси миллий қонунчилигимизда ўз аксини топмаганлиги, шу билан бирга, бу соҳада давлатимизнинг тажрибасини ёритиб берувчи илмий изланишлар йўқлиги кўзга ташланади. Муаммонинг қонунчилика ифодаланиши ҳақида гап кетганда Фуқаролик кодексининг 1107¹-моддасида ва “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқкан жой номлари тўғрисида”ги қонуннинг 26-моддасида мутлақ ҳуқуқлар тугаши тартиби мавжуд бўлиб, унда “Ушбу товар белгисидан фуқаролик муомласига бевосита товар белгиси эгаси томонидан ёки унинг розилиги билан қонуний равища киритилган товарларга нисбатан бошқа шахслар томонидан фойдаланиш товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши ҳисобланмайди” – деб бевосита келтирилган. Аммо, модда матни тўғридан-тўғри параллел импортга ишора қилмайди. Шунингдек, амалдаги Божхона кодексининг 56-боби айнан интеллектуал мулк обьектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга бағишлиган бўлса-да, бу кодекс ҳам параллел импорт масаласини тартибга солмайди (гарчи 2019 йил 17 августда муҳокамага қўйилган янги Божхона кодекси таҳрири параллел импорт тушунчасига таъриф ва божхона органлари ўз ваколатлари доирасида Божхона реестрига киритилган интеллектуал мулк обьектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини кўришда параллел импортни истисно қилишлари ҳақида бевосита келтирилган бўлса-да, амалдаги

божхона қонунчилиги параллел импорт феноменини ўзида акс эттирмайди).

Параллел импорт билан боғлик яна бир муаммо – ҳуқуқлар тугаши тартибининг аниқ белгиланмаганлиги ва бу ваколатли органлар фаолиятида маълум бир қийинчиликларга сабаб бўлаётганилигидир.

Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлиш арафасида турган давлат сифатида ТРИПСнинг нормаларини ўз қонунчилигига татбиқ этиш билан боғлик жараёнларда параллел импорт масалаларини ҳам инобатга олиши ва қонунларимиздаги интеллектуал мулк обьектларининг божхона назорати билан боғлик моддаларида ушбу тушунчани киритиши бўйича маҳаллий судларга тушунтиришлар бериш мақсадга мувофиқдир².

Ҳар хил турдаги ҳуқуқлар тугаши тартибларидан келиб чиқадиган фойда ва ҳаражатларни таъкидлаган ҳолда, кўпчилик олимлар фақат ҳалқаро даражадаги ҳуқуқлар тугаши тартиби ЖСТнинг кўп томонлама савдо тизими руҳи, қоидалари ва мақсадларига тўла мос келади ва шунинг учун ЖСТнинг барча мамлакатларига мажбурият сифатида юкланиши кераклигини таъкидлайдилар. Улар параллел импорт бўйича чекловлар савдодаги нотариф тўсиклар (NTB – non-tariff barriers) шаклларидан бири деб ҳисоблашади. Чунки, уларнинг фикрига кўра, юқори даражадаги интеллектуал мулк ҳуқуқлари товарларнинг эркин ҳаракатини назарда тутивчи ЖСТ мақсадларига зид³. Ҳуқуқлар тугаши доктринасиз асл патент (ёки муаллифлик ҳуқуки ёки товар белгиси) эгаси интеллектуал мулк ҳуқуқларини ўзида мужассам этган товар ёки хизматни “сотиш”, “бошқа шахсга ўтказиш” ёки “фойдаланиш” устидан доимий назоратни амалга оширади ва шу билан бундай товар ёки хизматни сотиб олган харидорга уни қайта сотиш ёки ҳатто ундан “эркин фойдаланиш”га тўскинлик қилади, чунки бундай “қайта сотиш” ёки “эркин фойдаланиш” ҳуқуқ эгасининг мутлақ ҳуқуқларига таъсир қиласи.

Аммо, бошқа томондан параллел импорт интеллектуал мулк обьектлари муҳофазаси учун





айрим таҳдидларни тұғдиради. Чunksи, параллел импорт ҳуқық әгасининг рухсатисиз маҳсулотларни олиб кириш имконини берар экан, бу орқали асл товарлар контрафакт товарлар билан адаштириб юборилиши, муваллифлик объектлари сохта вариантыннинг мамлакатлар ҳудудига кириб келиши эҳтимоли ошади. Бундан ташқари, Эдберт Селигшан Хорманинг фикрига кўра, параллел импорт амалиётлари маълум ҳудудлардаги товарлар лицензиатлар томонидан ушбу ҳудудлар бўйича лицензияга эга бўлган бошқа ҳудудларни олиб кирилишида юзага келади ва бутовар импорт қилинадиган ҳудудлардаги лицензиатлар учун аниқ йўқотишларга сабаб бўлади⁴.

Профессор Ф.Абботт параллел импортнинг жорий иқтисодий моделларида иккита асосий камчиликни кўрсатади. “Биринчидан, ҳалқаро контекстда параллел импорт бўйича эмпирик тадқиқотлар жуда кам ва кўп ҳолларда, жуда саёз. Ҳалқаро интеллектуал мулк савдоси соҳасини оқилона баҳолаш учун иқтисодчиларда етарли маълумот йўқ, чunksи импортчилар параллел импорт тўғрисида ҳисобот бермайдилар, божхона органлари ҳам бу бўйича маълумотларни йигмайди. Иккинчидан, параллел импортга турли ёндошувларни моделлаштиришга уриниш бўйича тадқиқотлар ҳаддан ташқари содлаштирилган тахминларга асосланади. Шунинг учун, улар ҳақиқий дунёнинг адекват ҳолатини акс эттирмайди ва “қарор қабул қилиш учун восита сифатида” ишлатилмаслиги керак⁵”.

Параллел импорт ва фармацевтика маҳсулотларини олиш имконияти ўртасидаги муносабатлар кўп йиллар давомида интеллектуал мулк ҳуқуқлари ва давлат сиёсати мақсадлари атрофидаги мунозараларда марказий масала бўлиб келган. Сўнгги пайтларда, бутун дунё бўйлаб ривожланаётган мамлакатлар дуч келган ОИВ/ОИТС инқирози аҳоли саломатлиги соҳасида параллел импорт ўйнаши мумкин бўлган ролга эътиборни кучайтирди. Кўпгина кам ривожланган мамлакатлар сурункали АРВ (антиретровирус) дорилари танқислигига дуч келмоқда ва мавжуд дори-дармонларнинг ҳаддан ташқари қиммат нархлари билан курашилари керак. Натижада, ривожла-

наётган мамлакатлардаги миллионлаб одамлар АРВ терапияси ёки дунёда кенг тарқалган касалликлар учун бошқа мухим дори воситаларидан фойдалана олмайди⁶.

2020 йилда интеллектуал мулк ҳуқуқларининг иқтисодий таҳлили бўйича илмий изланишлар олиб борган Фарбий Хиндистон университети доктори Брайн Кхан томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, иқтисодий нуқтаи назардан, параллел импорт рақобатбардош бозорларни яратиш учун яхши, чunksи у монопол дори воситаларининг нархларини мувозанат даражасида тенгглаштиради⁷.

Параллел импортнинг қонунийлиги ЖСТга аъзо давлатлар ўртасида қизғин сиёсий мунозараларга сабаб бўлаётгани ажабланарли ҳол эмас. Чunksи, ТРИПС келишувининг 6-моддасида кўзда тутилган ва Доҳа декларациясининг 5(д)-бандида мустаҳкамланган мослашувчанликлар ривожланаётган мамлакатларга аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш ва дори воситаларидан фойдаланишини рағбатлантириш учун муайян ҳуқуқлар тугаши режимларини қўллаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳам ривожланаётган давлатлардан бири сифатида ушбу ҳодисага бефарқ бўлмаслиги лозим. Параллел импорт қонунчилигимизда аниқ ўз ифодасини топмоғи, давлат органлари ва судлар бу бўйича ягона позицияни ўзларида шакллантиришлари талаб этилади. Параллел импорт феномени орқасида ётган ютуқлар (иқтисодий, ҳалқ фаровонлиги, товарларнинг эркин ҳаракати) ҳамда камчиликларнинг (интеллектуал мулк әгаларининг мутлақ ҳуқуқларига бўладиган таҳдидлар) Ўзбекистон шароитида ўрганиб чиқилиши долзарб саналади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Rai, Rajnish Kumar & Jagannathan, Srinath. ‘Parallel Imports and Unparallel Laws: Does the WTO Need to Harmonize the Parallel Import Law?’. Journal of World Trade 46, no. 3 (2012): 657–694.
- Алмосова, Ш. ТРИПС битими нормаларини Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк қонунчилигига имплементация қилиш муаммолари //Юрист ахборотномаси. – 2020. – Т. 1. – №. 3. – С. 63-71.
- Bonadio, E. (2011). Parallel Imports in a Global Market: Should a Generalised International Exhaustion be the Next Step?. European Intellectual Property Review, 33(3), pp. 153-161.
- Horman, Edbert. (2021). The Exclusive Rights of Licensees in Parallel Import Practices. Juridika. 36. 57. 10.20473/ydk.v36i1.19378.
- Frederick M. Abbott, First Report (Final) to the Committee on International Trade Law of the International Law Association on the Subject of Parallel Importation, 1 J. Int'l. Econ. L. 607, 632 (1998).
- McKeith, Sarah. (2014). Pharmaceutical Patents in Developing Nations: Parallel Importation and the Doctrine of Exhaustion. African Journal of Legal Studies. 6. 287-314. 10.1163/17087384-12342030.
- <https://aiadr.world/2020/03/01/parallel-import-dilution-of-benefits-for-intellectual-property-owners/>.

ОДИЛ СУДЛОВ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада одил судлов тизимида коррупция ҳолатларининг олдини олишни янада такомиллаштириш истиқболлари ўрганилган, суд фаолиятида коррупциянинг олдини олиш чораларини яхшилаши юзасидан таклифлар берилган.

Таянч иборалар: коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш тизими, суд фаолияти, суд ҳокимиятининг мустақиллиги, суд этикаси, манфатлар тўқнашуви.

АННОТАЦИЯ:

в данной статье изучены перспективы совершенствования системы предотвращения коррупционных проявлений в области правосудия, детально рассмотрены и сформулированы предложения по оптимизации мер противодействия коррупции в судебной деятельности.

Ключевые слова: система предотвращения коррупционных проявлений, судебная деятельность, независимость судебной власти, судебная этика, конфликт интересов.

Суд тизимидағи коррупция – жаҳоннинг кўплаб давлатлари жиҳдий муаммосидир. Бу глобал иллатнинг ҳуқуқ соҳаси вакиллари орасида мавжуд бўлиши ниҳоятда ташвиши омил ва бу ҳолат давлатдаги ҳуқуқ устуворлиги, демократия, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш тизимиға зарба беради. Суд ҳокимияти коррупцияга қарши курашда ҳал қилувчи ўрин эгаллаши ва мазкур вазифани самарали таъминлаш учун унинг ўзи коррупциядан холи бўлиши, суд тизими вакиллари бўлган судьялар эса виждонли ва ҳалол бўлиши шартлиги талаби БМТ Коррупцияга қарши кураш Конвенциясининг 11-моддасидан ўрин олган.

Мамлакатимизда ҳам судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, малакали кадрларни танлаш, судьялик касбига тайёрлаш ва тайинлаш тизимини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармони билан тасдиқланган “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси”нинг VI-йўналишида коррупция муаммоси умумбашарий муаммо сифатида эътироф этилиб, Стратегиянинг 84-мақсади айнан “Коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш”¹ деб белгиланган. Мазкур мақсад доирасида коррупцияга қарши курашишга замонавий ахборот ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, коррупцияга қарши курашиш амалиётида тизимли превентив чораларни кучайтириш вазифалари алоҳида таъкидланган.

Айнан ана шу вазифалар нуқтаи назаридан одил судлов тизимида коррупциянинг олдини олиш мақсадида қуидаги чораларни босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиш зарур:

Қонунчиликни коррупцияга мойиллик нуқтаи назаридан хатловдан ўтказиш ва тегиши равишда такомиллаштириш.

Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигига эришиш учун коррупцияга йўл очувчи нормаларни бартараф этиш, тўғридан-тўғри ишловчи қонунларни қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга. “Судлар тўғрисида”ги қонунда судьяларни давлат мукофоти билан тақдирлаш мезонлари ва уни амалга ошириш тартибини белгилаш, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаси тўғрисида”ги қонунининг 22-моддасидаги “ҳалоллик”, “холислик”, “адолатлилик”, “лаёқатлилик” каби мезонларнинг аниқ механизmlарини белгилаш, ушбу мезонлар асосида судьяликка номзодларни баҳолаш ва тайинлашнинг аниқ ва шаффоф тартибини жорий қилиш таклиф этилади.

Тегиши қонунчилик ва Одоб-аҳлоқ кодексида Судьялар (суд аппарати ходимлари) учун таъқиқ ва чекловларнинг аниқ рўйхати ва мезонларини ишлаб чиқиш ва буларга риоя қилиниши устидан назорат.



“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида ва Судьялар одоб-аҳлоқ кодексида муайян таъқиқ ва чекловлар тушунчаси ва аниқ мезонларини белгилаш ҳамда мазкур қоидаларга судьялар, суд аппарати ходимлари томонидан риоя этилиши устидан Судьялар олий кенгашининг тегишли бўлинмаси мониторинг олиб бориши мақсадга мувофиқ. Бу билан Судьялар олий кенгashi мониторинг натижасида олинган маълумотларни умумлаштириб, таҳлил қилган ҳолда судьялар томонидан айнан қандай коррупциявий ҳолатларга кўпроқ йўл кўйилаётганини таҳлил қилиш асосида реал коррупциявий омиллар ва хавф-хатарларни аниқлаб боради ҳамда мазкур таҳлиллар асосида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан аниқ чоралар кўриш имконига эга бўлади.

Судьялар фаолиятида манфаатлар тўқнашувиning олдини олиш ва тартибга солиш.

Судьялар ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида ва касбий фаолиятидан ташқари муносабатларда ҳар қандай манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига йўл кўйиши мумкин эмас. Ўз касбий вазифасини амалга ошириш мобайнида судья ҳар қандай ён босиш, бир ёқламаликка йўл кўйиш каби ўзининг холислигини шубҳа остига кўядиган вазиятлардан йироқ бўлиши шарт. Иш кўриш вақтида манфаатлар тўқнашуви вазияти юзага келган ҳолатларда судья ўзини-ўзи рад қилиши ва бу ҳақда процесс иштирокчиларини хабардор килиши шарт. Шу нуқтаи назардан ЖПК, ФПК, ИПК ва маъмурӣ тартиб-таомиллар қонунчилигига манфаатлар тўқнашуви ҳолатида судьянинг рад килиниши процессуал асосини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шунингдек, судья томонидан манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига йўл кўйилишининг олдини олиш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги қонунда ва Судьялар одоб-аҳлоқ кодексида судьялик фаолиятида манфаатлар тўқнашуви тушунчаси (шу жумладан, қариндошлиқ алоқалари) ва судьянинг нокасбий муносабатларда манфаатлар тўқнашуви тушунчаларини белгилаши зарур.

Мамлакатимиз қонунчилигига судьянинг шахсий манфаатдорлиги тушунчаси, унинг яқин қариндошлари ва оила аъзолари рўйхати белгиланмаган. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари, хусусан, Россияда “Россия Федерациясида судьялар мақоми тўғрисида”ги Федерал қонуннинг 3-моддасига кўра, судьянинг шахсий манфаатдорлиги деганда “судьянинг шахсан ўзи, оила аъзолари ёки унинг молиявий ёки бошқа мажбуриятлар билан бовлиқ бўлган ўзга шахслар учун хизмат вазифаларини амалга ошириш даврида моддий кўринишдаги даромад ёки бошқа ноконуний манфаатдорлик олиш имконияти” тушунилиши, 5-моддасига эса судьянинг яқин қариндошлари рўйхати белгиланган². Юқоридагиларга кўра, “Судлар тўғрисида”ги қонунни “Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш” номли янги боб билан тўлдириб, унда суд тизимида манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш, унинг тушунча ва механизмларини аниқ белгилаш, судьянинг яқин қариндошлари рўйхатига турмуш ўртоги, ота-онаси, фарзандлари, тугишган ака-ука ва опа-сингиллари, бува ва бувилари, набиралари, шунингдек

турмуш ўртогининг ота-онаси, тугишган ака-ука ва опа-сингилларини киритиш таклиф этилади.

Шунингдек, судьялар дахлизилигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекциясига судьялар томонидан содир этилган коррупция ҳолатларини (манфаатлар тўқнашуви) аниқлаш мақсадида адвокатлар, прокурорлар, ИИБ терговчилари ва бошқа давлат органларининг ходимлари ўртасида аноним шаклда ижтимоий сўровлар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш шакли сифатида одил судлов очиқлигини янада тизимли таъминлаш.

Фуқароларнинг суд фаолияти ҳақида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш хукуқини таъминлаш орқали судларда коррупциянинг олдини олиш даражасини ошириш мақсадга мувофиқ. Бунда ахборотни суд тизими расмий сайтларида “Коррупциянинг олдини олиш чоралари” деб номланган бўлим очиб, мазкур бўлимда тизимли равища:

- коррупциянинг олдини олиш соҳасидаги норматив-хукуқий ва бошқа хужжатларни;
- судьялар ва суд аппарати ходимларининг даромадлари, харажатлари, эгаликдаги мол-мулки ва мулкий тусдаги мажбуриятлари тўғрисида маълумотларни³;
- касбий (хизмат) одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя этиши ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини тартибга солиш бўйича фаолияти;
- коррупциянинг олдини олиш бўйича хужжатлар намуналари ва уларни тўлдириши тартиблари ҳамда услубий кўрсатмалар (тушунтиришилар);
- судларнинг коррупцияга қарши курашига оид фаолиятига тегишли ҳисоботлар, обзорлар ва статистик маълумотларни жойлаштириш зарур⁴.

Судьялар ва суд аппарати ходимларининг даромадлари, харажатлари, эгаликдаги мол-мулки ва мулкий тусдаги мажбуриятлари тўғрисида маълумот (декларация) берилиши.

Судья, суд аппарати ходимлари ва уларнинг яқин қариндошлари харажатлари, эгаликдаги мол-мулки ва мулкий тусдаги мажбуриятлари тўғрисида маълумот (**декларация**) тақдим этилишини жорий қилиш чора-тадбирлари одил судлов тизимида коррупциянинг олдини олишга оид самарали восита ҳисобланади. Бунда судьялик лавозимига номзодлар томонидан ҳам мол-мулки ва даромадлари ҳақида декларация тақдим этиш тартибини жорий қилиш ҳалол судьялар корпусини шакллантириш имкониятини бир неча баробарга оширади.

Коррупцияга қарши кураш конвенциясида ҳар бир иштирокчи давлат мансабдор шахснинг қасддан ноконуний бойлик ортириши, яъни унинг қонуний даромадларидан ортиқча бўлган, уларнинг манбаини асослаб бериш имконияти мавжуд бўлмаган тарзда активларининг ортиши жиноят деб этилиши ва жиноий жазога сазовор бўлиши бўйича чораларни кўриши белгиланган⁵. Декларацияда ҳақиқатга зид маълумотлар тақдим этган ҳамда ноконуний бойлик ортириш ҳолатларига йўл кўйган судьяларни тегишли юридик жавобгарликка тортиш тартибини жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, қонунчиликка судья судьялик ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ равища жисмоний ва юридик шахслардан ҳар қандай совғалар (пуллик ёки бошқа мукофотлар, ссудалар, хизматлар, ҳордиқ чиқаришга ва дам олишга оид тўловлар, транспорт харажатлари) олишни тақиқловчи нормаларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ.

Судья томонидан хизмат сафарлари ва расмий тадбирлар давомида олинган совғалар тегишли далолатнома асосида судья фаолият юритаётган суд органи ҳисобига ёки давлат бюджетига ўтказилишини кўзда тутувчи механизм жорий этиш зарур. Бинобарин, судъянинг ҳар қандай кўринишдаги ва миқдордаги совға олиши унинг обўсига путур етказади, одил судловнинг шубҳа остида қолишига сабаб бўлади деб, баҳоланиши лозим.

Хорижий давлатлар тажрибасига назар ташласак, совгапарнинг минимал ўйл кўйиладиган миқдори – АҚШда 20 долларни, Францияда 35 еврони, Буюк Британияда 140 фунтни, Россия Федерациясида 3 000 рублини ташкил этади, Канадада мансабдор шахсларнинг пул кўринишдаги совғалар қабул қилиши қатъян тақиқланган. Сингапурда эса мансабдор шахсларнинг гонорар, қимматли қозовлар каби тўловларни олиши ман этилган⁶.

Шунингдек қонунчиликка судья ўз хизмат мақомидан фуқаролик-хукукий муносабатларда шахсий имтиёзлар олиш учун фойдаланиши тақиқига оид қоида киритилиши мақсадга мувофиқ. Судья турли давлат органлари ва маҳаллий бошқарув органларига шахсий масалаларда мурожаат қилишда ўз судьялик мақомидан фойдаланиши, одил судловни амалга оширишга оид ўз вазифаларни бажаргани учун давлат бюджетидан ташқари манбалардан мукофотлар олишга йўл қўйилиши мумкин эмас. Хусусан, судья унга хизмат тобелигига бўлган ёки унинг юритувида бўлган ишлар бўйича суд процеслари иштирокчилари бўлган шахслар билан молиявий мажбуриятларни вужудга келтирувчи битимлар тузишга йўл қўйиласлиги зарур.

Хизмат маълумотларидан ва давлат мулкидан фойдаланиши. Судья тегишли равища хизмат маълумотлари деб топилган маълумотларни ошкор қилиши ёки улардан судьялик ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиши мумкин эмас. ОАВда суд фаолиятини ёритиш жараённинг судья эҳтиёткорлик билан йўл тувиши, ҳали тугал суд қарори қабул қилинмаган ишлар мазмунига оид шарҳлар бермаслиги лозим. Судъянинг хизмат фаолияти учун мўлжалланган моддий-техник, молиявий ва ахборот тъминотидан судьялик ваколатларини амалга оширишдан бошқа мақсадларда фойдаланиши тақиқланиши шарт.

Судъяларнинг коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан ваколатларини кенгайтириш.

Суд амалиёти кўрсатишича, судълар томонидан суд ишлари кўрилаётган жараёнда, хусусан, оммавий низолар кўрилишида мансабдор шахслар томонидан кўплаб коррупциявий ҳолатлар (манфаатлар тўқнашуви) аниқланади ва бундай вазиятларга юридик баҳо берилиб, тегишли жазо чоралари қўлланилади. Лекин бундай коррупциявий ҳолатлар ҳеч қачон қайд қилиниб, умумлаштирилиб борилмайди. Бу эса маз-

кур ҳолатларга нисбатан давлат ва жамиятнинг муносабати сустлигидан далолат беради.

Шу нуқтаи назардан судъялар (асосан, маъмурий судлар судъялари) томонидан иш кўриш давомида коррупциявий ҳолатлар аниқланганда ҳар бир ҳолат юзасидан Коррупцияга қарши курашиб агентлигига манзилли ва аниқ хабар бериш тизимини йўлга кўйиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, судъялар томонидан иш кўриш давомида коррупциявий ҳолатлар аниқланганда, мансабдор шахснинг ҳаракатига юридик баҳо беришдан ташқари судья томонидан хукукий таъсир чорасини (интизомий жазо) қўллаш ваколатини ҳам мустаҳкамлаш зарур.

Судъялар томонидан иш кўриш давомида аниқланган коррупциявий ҳолатлар юзасидан умумлашма маълумотлардан иборат хабарнома тайёрланиб, Судъялар олий кенгашига тақдим этиш механизми ҳам жорий этиш зарур. Судъялар олий кенгаши ўз ўрнида бу каби коррупциявий ҳолатларнинг бартарап этилган-етилмаганлиги юзасидан мониторинг ўтказиш орқали бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлик олиб бориши мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтиш керак-ки, коррупция давлат ва жамият ривожига раҳна солувчи асосий таҳдид бўлиб, айнан одил судлов тизимида бу умумбашарий муаммога қарши кенг кўламли ёндошув зарур. Шу нуқтаи назардан ҳам халқаро институтлар давлат сиёсатининг коррупцияга қарши кураш, унинг олдини олиш ва хукуқ устуворлигини мустаҳкамлаш вазифаси марказига айнан судъялар мустақиллигини қўйишга чақиради. Зоро, айнан одил судлов тизимидағи коррупция судлар мустақиллиги ва холислиги принципини йўққа чиқаради, шахснинг адолатли суд муҳокамасига бўлган хукуқини бузади, одил судловни самарали ва таъсирчан амалга оширишга тўқсинглик қилади, энг муҳими, бутун одил судлов тизимиға бўлган ишончга путур етказади.

Обиджон ПРИМОВ,

Жамоат хавфисизлиги университети
мустақил изланувчуси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 31.03.2022 йилдаги 7/32-1/480-сонли хатига Олий суднинг 07.04.2022 йилдаги 07/13-4384-114-сонли хати.
2. Alternative dispute resolution practitioners' guide. Center for Democracy and Governance Bureau for Global Programs, Field Support, and Research U.S. Agency for International Development Washington, D.C. 20523-3100. March 1998.
3. К.Е.Гафнер. Медиация как социо-коммуникативная технология конфликт разрешения // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата социологических наук. Санкт-Петербург 2019. -С. 3.
4. <https://www.ilo.org/dyn/natlex/docs/ELECTRONIC/95605/112623/F1190466852/MYS95605.pdf>.
5. Act on Mediation in Labour Disputes. https://www.ilo.org/dyn/natlex/natlex4.detail?p_lang=&p_isn=59887.
6. 504-модданинг олтичи кисми 2021 йил 21 апрелдаги ЎРК-683-сонли қонун таҳририда Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.
7. Қонун ҳуҷжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2019 й., 10/19/3113/2422-сон; 02.04.2019 й., 10/19/3113-1/2866-сон; 01.06.2019 й., 10/19/3113-2/3227-сон, 10.10.2019 й., 10/19/3113-3/3897-сон; 10.01.2020 й., 10/20/3113-4/0043-сон, 02.05.2020 й., 10/20/3113-5/0602-сон; 01.04.2021 й., 10/21/3113-6/0266-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.07.2021 й., 10/21/3313/0724-сон, 05.11.2021 й., 10/21/3113-7/1026-сон. <https://lex.uz/ru/docs/4138215>.
8. https://www.familylaw.co.uk/news_and_comment/elaine-richardson-wins-resolution%27s-john-cornwell-award.



Шерзод НОРБОЕВ,

Жамоат хавфсизлиги университети
мустақил изланувчуси

АУТСОРСИНГ ШАРТНОМАСИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ



Шерзод НОРБОЕВ,

Жамоат хавфсизлиги университети
мустақил изланувчуси

АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада аутсорсинг шартномасининг вужудга келиши тарихи ва тараққиёт босқичлари ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: аутсорсинг, аутсорсинг шартномаси, аутсорсер, меҳнат тақсимоти, инсон капитали, пудрат шартномаси, меҳнат шартномаси.

АННОТАЦИЯ:

в данной статье описывается история договора аутсорсинга и этапы развития на основе опыта развитых стран.

Ключевые слова: аутсорсинг, договор аутсорсинга, аутсорсер, разделение труда, человеческий капитал, договор подряда, трудовой договор.

ANNOTATION:

this article includes the history of the outsourcing contract and the stages of development based on the experience of developed countries

Key words: outsourcing, outsourcing contract, outsource, division of labor, human capital, powder contract, labor contract

Мамлакатимизда бозор муносабатлари шаклланиб бориши жараёнида бир неча йиллар олдин хўжалик юритиши соҳасида “аутсорсинг” атамаси қўлланила бошланди. “Аутсорсинг” (“outsourcing”) атамаси инглизча “outside resource using” – “ташқи ресурслардан фойдаланиш” маъноларини беради. Бу – рақобатда устунликка эга бўлишига имкон берувчи хўжалик юритишнинг замонавий ва муваффақиятли моделларидан бири бўлиб ҳисобланади. Халқаро бизнес амалиётида ушбу атама ташкилий қарорлар кетма-кетлигини белгилайди, яъни ташкилот томонидан илгари мустақил равишда амалга оширилган баъзи функциялар ёки фаолиятни ташқи ташкилотга ёки одатда айтиладигандек, “учинчи шахсга” ўтказишдир.

Аутсорсингга “XX асрнинг буюк ҳодисаси”, 80-йилларнинг охиридан бошлаб эса “сўнгги ўн йиллардаги энг катта бизнес кашфиёт” деб қарала бошланди. XX асрда бу тушунча бизнес амалиётига кирди ва ҳақиқатан ҳам кенг тарқалди¹. Ҳозирги вақтда ривожланган хорижий мамлакатларда штатдаги ходимларни таъминлашдан кўра аутсорсинг хизматларидан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, Беларусда – 30%, Европада – 86%, АҚШда – 92%, энг юқори кўрсаткич эса – Исройлда бўлиб, 96% ни ташкил этади².

Хусусий Фарб компанияларида “аутсорсинг” атамаси биринчи бўлиб 1963 йилда EDS³ менежерлари томонидан “хизматларнинг мижоз ва керакли соҳадаги мутахассис ўртасидаги шартнома муносабатларининг маҳсус турини” ифодалаш учун киритилган. Айнан EDS компанияси томонидан илгари сурилган концепция доирасида аутсорсингнинг мақсади биринчи бўлиб ахборот технологиялари, харидлар ва таъминот, хизмат кўрсатиш, молия ва кадрлар билан таъминлаш соҳасида муайян функцияларни бажариш самарадорлигини ошириш деб белгиланди⁴.

Аутсорсинг хизматлари бозорининг кенг ривожланиши, шунингдек, ўтган асрнинг 80-90 йилларида хизмат кўрсатиш соҳасида якка тартибдаги тадбиркорликнинг гуллаб-яшнаши билан ҳам боғлиқ эди. Чекланган молиявий бюджетга эга бўлган, ходимлари сони 10-15 кишидан кўп бўлмаган ҳамда пулни тежашга доимо интиладиган ўрта ва кичик компанияларда бизнеснинг турли соҳаларида кўнкима ва маҳсус билимларнинг етишмаслиги молиявий, бухгалтерия ва шунга ўхшаш хизматларни кўрсатадиган юқори даражада ихтисослашган кўплаб компанияларнинг пайдо бўлишига ёрдам берди. Натижада асосий бўлмаган фаолият турларининг аутсорсинг компанияларига ўтказилиши мавжуд талабларни қондирди ва тадбиркорларнинг бунёдкорлик ишларига бўш вақтини кўпайтириб, ҳаражатларининг камайишига олиб келди⁵.



Хозирги вақтда аутсорсингга XXI аср бошларидан ривожланган учта иқтисодий марказ, АҚШ, Япония ва Европа ўртасидаги кескин рақобат шароитида юқори самарали ва рақобатбардош компанияларни яратишнинг замонавий методологияси сифатида қаралмоқда⁶.

Рақобат аутсорсингнинг "озиқлантирувчи воситаси", асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Аутсорсинг тушунчаси учта асосий тамойилга асосланади: ҳар ким ўз иши билан шуғулланиши ва фақат унга эътибор қаратиши керак; ўзига тегишли бўлган ва иккинчи даражали ҳисобланган вазифаларни ҳал қилиш уларни яхшироқ ҳал қиласидаган шахсга топширилиши керак ва ишни бундай тақсимлаш буюртмачининг пулини тежайди ва ижроига (аутсорсерга) даромад келтиради.

Аутсорсингни ривожлантиришнинг зарурий шартларидан бири бу жуда юқори даражадаги профессионаллик бўлиб, на буюртмачи ва на ижрои (аутсорсер) иш бажарилмай қолиши мумкин деган фикрга эга бўлмаслиги лозим. Аутсорсер ўз ишининг концепциясини аник ва иккиланишсиз баён қилиши ҳамда ўз фаолиятининг барча харажатларини аниқ билиши керак.

Компаниялар аутсорсерга харажатларни камайтириш, иш ва хизматлар сифатини ошириш, ишлаб чиқариш концентрацияси ва мослашувчанликни ошириш, компанияни қайта қуриш ва шу билан боғлиқ ўзгаришлар юзасидан мурожаат қилиши мумкин.

Кўпинча бошқа вазифалар, хусусан: компаниянинг асосий фаолиятига эътиборни ошириш, дунё миқёсидаги хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш, хавфнинг бир қисмини бошқа компанияга ўтказиш, ресурсларни бошқа мақсадлар учун бўшатиш, асосий капитал фондини бўшатиш, пул оқимини таъминлаш, компаниянинг ўзида мавжуд бўлмаган ресурслардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш, мавжуд вазиятни назорат қилиш⁷ ҳам белгиланиши мумкин.

Агар компания фаолияти билан боғлиқ айrim масалаларни ҳал қилиш учун ихтисослашган компания хизматлари ва ресурсларини жалб қилишни аутсорсинг деб атасак, шу нуқтаи назардан қараганда аутсорсингнинг биринчи тажрибаси XX аср бошлариданда Буюк Британия ва АҚШдаги юридик фирмаларнинг хизматлари кўринишида пайдо бўлган деб ҳисоблаш мумкин. Қонунчилиги прецедент ҳукуқига асосланган мамлакатларда ҳукуқий масалалар тарихан юқори малакали ва тажрибали мутахассисларга топширилган. Тадбиркорлик низоларини судда ҳал қилишда мустақил адвокатлик фирмалари зарур функция ва масъулиятни ўз зиммаларига олганлар. Вақт ўтиши билан уларнинг кўпчилиги бизнес консалтинг амалиётини кенг жорий этган ҳолда хизматлар кўламини кенгайтириб борган.

Экспертларнинг фикрга кўра, XX аср бошларига келиб иқтисодий ривожланган мамлакатларда бундай компанияларнинг умумий айланмаси йилига тахминан 50 миллиард долларни ташкил этган. Энг ии-

рик ва энг машҳур аутсорсинг компаниялари – аудит ва консалтинг компаниялари "Катта бешлик" бўлиб уларга KPMG, Deloitte&Touch, Andersen Worldwide, Price water house Coopers, Ernst&Young кирган ва улар менежмент, ахборот технологиялари, солик, аудит, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, аудиторлик фаолияти, ҳукуқий ёрдам ва бошқа соҳаларда аутсорсинг хизматларини таклиф қилишган⁸.

XX асрнинг 60-йилларида Фарбда инсон капитали деб аталадиган назария пайдо бўлди. Бу аутсорсинг шартномасининг пайдо бўлишига бошқача ёндошишга, ишлаб чиқариш жараёнида инсон ресурсларининг роли ҳақидаги қарашларни ўзгартиришга имкон берди. Шунингдек, инсон капиталини яратиш ва кўпайтиришн қайта тақсимлади⁹.

Кўпчилик иқтисодчилар фикрига кўра, инсон капитали назариясига мувофиқ одамлар ўзларига инвестиция киритиб, имкониятларини кенгайтиришлари, давлат эса инсон капиталини бойитиш учун маблағ сарфлаб, миллий даромадни кўпайтириши мумкин. Бундай инвестицияларнинг самарадорлиги сарф қилинган маблағларнинг меҳнат унумдорлиги ортиши ва иш ҳақи кўпайши орқали қопланишида ўз ифодасини топади¹⁰.

Професор Қ.Х.Абдураҳмоновнинг фикрича, "Инсон капиталининг аҳамияти табиий ресурслар, моддий бойлик ва воситаларга қараганда юқорироқдир"¹¹.

Инсон капитали – бу ходим таълим олиш (мактаб, коллеж, лицей, институт, университет, касбий тайёргарлик ва малака ошириш курслари) ҳамда меҳнат фаолияти жараёнида эгаллайдиган билимлар ва меҳнат кўникмаларидир. Инсон капитали жисмоний капитал каби ишлаб чиқариш жараёниларининг натижаси бўлиб, у ҳам жамиятнинг янги товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш имкониятларини оширади¹².


*Жар қимки дилозорди,
жаёти оху зорди.
Жим бирор ғилини си-
там-ла тилди,
У ўз буяқудин ярадор
қилди.*

**Фаридуддин
АТТОР**

* * *

*...адолат, түжаббат,
жис қимда кўпроқ бўл-
са, — ӯша одам олим,
ӯша одам оқилди.*

АБАЙ



Инсон капитали ва “оддий” капитал ўртаси-даги ўхшашликни тўлиқ деб ҳисоблаш мумкин эмас:

биринчидан, замонавий жамиятда шахс дастгоҳ ёки акциялар пакетидан фарқли ўлароқ сотиб олиши ва сотиш предмети бўла олмайди;

иккинчидан, инсон капитали бозорда ҳам, бозордан ташқари соҳаларда ҳам фаолият са-марадорлигини оширишига қодир ва ундан оли-надиган даромад ҳам пул, ҳам пулсиз кўринишда бўлиши мумкин. Натижада, инсонга инвестиция киритиши ишлаб чиқаришига инвестиция киритишидан фойдалари ёки бўлиши мумкин. Шу билан бирга, инсон капитали асосан жисмоний капиталга ўхшаб кетади: “у узоқ вақт фойдаланилиши мумкин; таъмиrlаши ва техник хизмат кўрсатиши харажатларини талаб қиласди; у ҳатто жисмонан эскирмасдан туриб ҳам маънан эскириб қолиши мумкин”¹³.

Гап инсон капитали ҳақида кетаётгандиги сабабли, унинг эгаси бўлган шахс бундай капитални ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш ҳуқуқига эга деган холосага келиш мумкин. Инсон капитали гоясининг яратувчи-ларидан бири бўлган Т.Шульцнинг ҳисоблашича, инсонга инвестиция киритишининг асосий натижалари одамларда меҳнат қобилиятининг ортиши, уларнинг жамиятда самарали бунёдкорлик фаолиятини амалга ошириши, саломат бўлиши ва ҳоказоларда ўз ифодасини топади¹⁴.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги назария анъанавий меҳнат шартномасига мурожаат қилмасдан туриб, ишчиларни ёллаш имконини берувчи турли соҳалардаги мутахассисларни ишга жалб қилишининг ноанъанавий шаклларини ривожлантиришнинг бошланғич нуқталаридан бирига айланди. Натижада, меҳнатдан фойдаланиш ва ходимларни бошқаришнинг амалий фаолиятида тегишли анъанавий меҳнат шартномаси шартларидан фарқ қилувчи ишчиларни ёллашнинг барча шаклларини ўз ичига олган “пудрат асосидаги меҳнат” тушунчаси пайдо бўлди.

Шундай қилиб, меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг анъанавий бандлик моделига тубдан зид бўлган янги меҳнат шакллари пайдо бўлди, бу “битта корхона – битта иш берувчи” тамоили асосида қурилган муносабатларни назарда тутади. Улар “пудрат шартлари асосида ишлаш” номини олди, чунки бу янги муносабатларда албатта фуқаролик-ҳуқуқий шартнома мавжуд бўлади¹⁵.

Халқаро меҳнат ташкилоти экспертлари пудрат шартлари асосида ишлаш меҳнат тизимлари уч томонлама ёки икки томонлама бўлиши мумкинлигига эътибор қаратади. Биринчи ҳолатда, тарафлар сифатида доимий равишда ёлланган ишчилар ва фойдаланувчи корхоналар иштирок этадилар.

Пудрат асосида ишлаш шакллари жуда хилма-хил. Хусусан, компания ўзининг асосий бўлмаган ҳар қандай функциясини ўз ходимлари ёрдамида ушбу функ-

цияни бажарадиган ташки компанияга ўтказадиган ҳар қандай шартнома ҳақида гапириш мумкин. Бу биноларни тозалаш, уни қўриқлаш, кир ювиш, овқатланиш, IT хизматини кўрсатиш ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Бундай хизматларга жалб этилаётган компания ўз низоми ва мақсадларига мувофиқ бундай хизматларни кўрсатувчи ихтисослаштирилган ташкилот ҳисобланади.

Халқаро амалиётда бу фаолият аутсорсинг (outsourcing) деб ном олди. Бунда икки компания ўртасида фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузилади. Ходимлар хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг штатларида бўлиб, хизмат кўрсатилувчи (хизматлардан фойдаланувчи) ташкилотга хизмат кўрсатиш (унинг биноларни тозалаш, уни қўриқлаш, компьютер тармоқлари билан жиҳозлаш ва бошқалар) орқали ўзларининг меҳнат функциясини бажарадилар.

Хулоса қилиб айтганда, хизмат кўрсатувчи корхонанинг ходимлари ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси тарафлари ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этмайдилар. Улар ўз иш берувчиси манфаатларини кўзлаб шартномада кўрсатилган хизматларни кўрсатиш ёки ишларни бажаришдан иборат бўлган меҳнат функциясини бажарадилар. Ходимлар ўз ишини ташкил этадиган, амалдаги меҳнат қонунчилигига ва тузилган меҳнат шартномаларида назарда тутилган барча ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажарадиган иш берувчи билан меҳнат муносабатларида бўлади. Шунга кўра, ходимлар ўз вазифаларини лозим даражада бажариш учун иш берувчи олдида жавобгар бўладилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аникин Б. А., Рудая И. Й. Аутсорсинг и аутстаффинг: высокие технологии менеджмента: Учеб. пособие. М.: ИНФРА-М, 2007. С. 5.
2. <https://kun.uz/13375754?>
3. Electronic Data System Corporation – 1962 йилда Далласда бизнесмен Росс Перро томонидан ташкил этилган энг дастлабки IT -аутсорсинг компанияси.
4. Қаранг: https://ru.wikipedia.org/wiki/Electronic_Data_Systems
5. Михайлов Д. М. Аутсорсинг. Новая система организации бизнеса: Учеб. пособие / Д. М. Михайлов. М.: КНОРУС, 2006. С. 17-18.
6. Михайлов Д. М. Аутсорсинг. Новая система организации бизнеса: Учеб. пособие / Д. М. Михайлов. М.: КНОРУС, 2006. С. 12.
7. Михайлов Д. М. Аутсорсинг. Новая система организации бизнеса: Учеб. пособие / Д. М. Михайлов. М.: КНОРУС, 2006. С. 20.
8. Аникин Б. А., Рудая И. Й. Аутсорсинг и аутстаффинг: высокие технологии менеджмента: Учеб. пособие. - М.: ИНФРА-М, 2007. -С. 5-6.
9. Коршунова Т. Ю. Правовое регулирование отношений, связанных с направлением работников для выполнения работ в других организациях (заемный труд) // Трудовое право. 2005. № 6. С. 7.
10. Инсон тараққиёти. Дарслик. И.Ф.д., проф. Қ.Х. Абдураҳмонов таҳрири остида . – Т.: Иқтисодиёт, 2013. 78-бет.
11. Абдураҳмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти. –Т.: Меҳнат, 2009. 182-бет.
12. Инсон тараққиёти. Дарслик. И.Ф.д., проф. Қ.Х. Абдураҳмонов таҳрири остида . – Т.: Иқтисодиёт, 2013. 32-бет.
13. Капелюшников Р. И. Теория человеческого капитала // <http://www.creativeco-nomy.ru/library/prd28.php>.
14. Shultz T. Human Capital, family planning and their effects on population growth // American Economic Review. -1994. -May. P.45.
15. Коршунова Т. Ю. Правовое регулирование отношений, связанных с направлением работников для выполнения работ в других организациях (заемный труд) // Трудовое право. — 2005. - № 6. - С. 9.

МУЛОҲАЗА



**Дилноза
ҚАНДАҲОРОВА,**
Бош прокуратура
Академияси
кафедра
үқитувчиси

ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИНГ ХҮҚУҚИЙ ТАБИАТИ



**Зафарбек
ТУРСУНОВ,**
Бош прокуратура
Академияси
кафедра камта
үқитувчиси

АННОТАЦИЯ:

мақолада фуқаролик – хўқуқий жавобгарлик натижасида келиб чиқадиган зарар, зарар шакллари ва мазмун-моҳияти, зарар етказишининг хўқуқий оқибатлари, қонун нормаларини бир хилда қўллаш бўйича амалий тақлифлар, зарар етказувчи бўлмаган ҳолатларда зарарни қоплашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда бу борада олимларнинг фикрлари ўрганилган.

Калит сўзлар: фуқаролик-хўқуқий жавобгарлик, зарар, зиён, ошиқча хавф манбалари, гайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик), шартнома, маънавий зарар.

Жамиятда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, хўқуқий онг ва тафаккурнинг ўсиб бориши замирида фуқароларнинг бузилган ҳўқуқларини тиклаш борасида судларга мурожаат қилиш кўлами ортиб бормоқда.

Гайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли етказилган зарарни ундириш билан боғлиқ низолар шулар жумласидандир.

Ушбу масалага чуқурроқ ёндошиш учун аввали фуқаролик-хўқуқий жавобгарлиги тушунчасига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Фуқаролик-хўқуқий жавобгарлиги юзага келиш асосига кўра, амалда мавжуд мажбуриятларни бажармаслиқда (шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган жавобгарлик) ва гайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) оқибатида келиб чиқкан жавобгарлиқда (деликт) ифодаланади.

Жавобгарликнинг ушбу шакллари орасидаги ўзаро фарқ шундаки, етказилган зарар биринчи ҳолатда шартномадан, иккинчи ҳолатда эса зарар етказувчи ва жабрланувчи ўзаро олдиндан шартномавий муносабатда бўлмагани ҳолда унинг шахсига ёки мулкига зарар етказишдан келиб чиқади.

Шунингдек, “шартномадан ташқари жавобгарлик шакллари ва ҳажмлари фақат қонун билан, шартнома мажбуриятининг шакллари ва миқдори эса ҳам қонун, ҳам тузилган шартноманинг шартлари билан белгиланади”.

Деликт жавобгарлик оқибатида мажбурият юзага келишининг асосий шарти, бу – зарарнинг мавжуд бўлишидир.

Фуқаролик кодексининг (кейинги матнларда ФК деб юритилади) 14-моддаси 2-қисми зарар тушунчасига бағишлиланган.

Бу ерда зарар дейилганда – шахснинг бузилган хўқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган ҳаражатлари, мол-мулкининг

йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Мазкур нормада зарар умумий тушунча сифатида келтирилиб, биз тўхталиб ўтаётган гайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) оқибатида етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ нормалар ФКнинг 985-1022 моддалари билан тартибга солинган.

Зарар тушунчасига ҳуқуқшунос олимлар томонидан турлича таъриф берилган. Масалан, Ю.К.Толстой “Зарар – бу мулкни йўқотиш ёки унга шикаст етказиш, фойда, даромадни йўқотиш, жабрланувчи меҳнат қилиш лаёқатининг йўқолиши ёки чекланиши, боқувчисини йўқотиш, шахсни қайта тўлақонли ҳаёт тарзига қайтариш учун талаб этиладиган қўшимча ҳаражатлар қилиш, жисмоний ёки руҳий изтиробларда ифодаланади” деб қайд этса, Е.М.Михайленко “зарар деганда, кўп ҳолларда қоида тариқасида инсон ва фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига жисмоний ва руҳий изтироблар етказиш – маънавий зарарда ифодаланган салбий оқибатлар (негативные по-следствие) тушунилади”, – деб таъриф беришган.

Назаримизда, биринчи фикр гайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) етказилган зарар тушунчасини тўлароқ очиб берганлигини эътироф этган ҳолда жавобгарликнинг ушбу шаклида, шартномавий жавобгарлиқкка нисбатан мажбуриятлар доираси кенгроқлигини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Сабаби, фуқаролик қонун ҳужжатларида гайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) оқибатида жабрланувчига нафақат ФКнинг 14-моддаси 2-қисмида кўрсатилган ҳақиқий зарар ҳамда бой берилган фойда, балки маънавий зарар ундирилиши ҳам кўзда тутилган.

ФК 14-моддасининг рус тилидаги матнида, шартномавий ва файриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) мажбуриятлардан келиб чиқадиган зарар (убытка) тўғрисида, “Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар”ни ўзида акс эттирган 57-бобда эса, фақат файриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) оқибатида жабрланувчига етказилган зарар (вред)ни ундириш ҳақида гап кетмоқда. Бирок, ўзбек тилидаги матнида “зарар” тушунчаси умумий ҳолда ишлатилган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, амалдаги Жиноят-процессуал кодексида жиноят оқибатида жабрланувчи, фуқаровий даъвогарга етказилган зарарни ундириш билан боғлиқ барча бандларда “зиён” атамаси қўлланилиб, бу эса ўз навбатида моддий ҳуқук меъёри саналган Фуқаролик кодекси ва Жиноят-процессуал кодексида бир хил мазмундаги атаманинг икки хил номда талқин қилинишига олиб келган.

Шунга кўра, қонун нормаларидағи ушбу атамаларни бирластириш “зарар” ва “зиён” тушунчаларини ўз ўрнида қўллаш, амалиётда қонунни тўғри қўллаш билан боғлиқ турли хил муаммоларни бартараф этишга хизмат қиласди.

Назаримизда, ФК 57-бобининг номланиши ва ушбу бобдаги барча нормалардаги “зарар” атамасини “зиён” тушунчасига ўзгартириш мақсадга мувофиқ.

Файриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) оқибатида жабрланувчига етказилган маънавий зарарни ундирилиш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Фкниң 1021-моддасига асосан, маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар:

Фуқаронинг ҳаёти ва соглигига ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса;

фуқарога уни қонунга хилоф тарзда ҳукм қилиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоқقا олишини ёки муносиб

хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олиши қонунга хилоф тарзда қўллаш, ноқонуний тарзда маъмурӣ жазо қўллаш ва ушлаб туриши натижасида етказилган бўлса;

ор-номус, қадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиши туфайли етказилган бўлса қопланади.

Файриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) оқибатида зарар етказашининг объектлари сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин:

фуқарога тугилган вактидан бўён ва қонунга мувофиқ тегишли бўлган номоддий манфаатлари (ҳаёти, соглиги, шахснинг қадр-қиммати, ишчанлик обрў-эътибори, шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги, шахсий ва оиласвий сири);

шахсий номулкий ҳуқуқлари (ўз номидан фойдаланиш ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа номулкий ҳуқуқларнинг интеллектуал фаолият натижаларини қонулларга кўра ҳуқуқий муҳофаза қилиш);

мулкий ҳуқуқлари (ўй-жой дахлсизлиги, мулк ҳуқуқи ва бошқалар)нинг бузилиши.

Миллий қонунчилигимиз маънавий зарарниң фақат жисмоний шахсларгагина ундирилишини назарда тутади.

Қонунчилигимизда зарар етказганлик учун жавобгарликнинг умумий асосларини белгилашда, қоида тариқасида фуқаронинг мулки ёки шахсига, юридик шахснинг мулкига етказилган зарарни, зарар етказган шахснинг ўзидан тўлиқ ҳажмда ундириш белгиланган.

Зарарни қоплаш мажбурияти бошқа шахсга, фақатгина қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳоллардагина юклатилиши мумкин.

Мисол учун, ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган бола томонидан етказилган зарарни унинг ота-онаси (фарзандликка олувчилари), васийлари тўлайдилар. Борди-ю, васийликка муҳтоҷ кичик ўшдаги бола тегишли тарбиялаш-даволаш муассасасида, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасасида ёки қонунга кўра васийси ҳисобланадиган бошқа шунга ўхшаш муассасада турган бўлса ва ушбу муассаса зарар уларнинг назоратни амалга оширишдаги айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар жавобгар бўладилар.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар етказилган зарар учун умумий асосларда мустақил жавобгар бўладилар (ФК 994-модда).

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганнинг зарарни қоплаш учун етарли мол-мулки ёки бошқа даромад манбалари



бўлмаган тақдирда, зарар тўлигича ёки унинг етишмаган қисми вояга етмаганнинг ота-онаси (фарзандликка олувчилари) ёки васийси томонидан, агар улар зарар ўзларининг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, тўла ниши лозим.

Ходим томонидан (хизмат, лавозим) мажбуриятларини бажариб турган вақтида жабрланувчига етказилган зарар ҳам зарар етказувчи томонидан эмас, балки иш берувчи юридик ёки жисмоний шахс томонидан қопланади. (ФК 989-модда).

Агар ходимнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган зарар корхонанинг фаолияти билан боғлиқ бўлмаса, зарарни қоплаш мажбурияти у фаолият юритаётган корхонага юкланиши мумкин эмас. (Мисол учун, ходим иш вақтида бошқа шахсни ҳақорат қилганлиги оқибатида жабрланувчига етказилган маънавий зарар учун ўзи жавобгар бўлади).

Хуроса қилиб айтганда зарар ундирилиши учун зарар етказувчи ёки қонунда зарарни тўлаш мажбурияти юклатилган шахснинг айби бўлиши талаб этилади.

Қонун жавобгарликнинг бошқа шаклларидан фарқли ўлароқ, зарар етказувчи ёки бошқа шахснинг айби бўлмаган тақдирда ҳам зарарни қоплаш мажбуриятини назарда тутади.

Бунда биринчи навбатда фаолияти тева рак-атрофдагиларга ошиқча хавф туғдирадиган фуқаролар юридик шахслар (транспорт ташкилотлари, саноат корхоналари, қурилишлар ва, транспорт воситаларининг эгалари ва бошқалар) нинг ошиқча хавф манбаи етказган зарар учун жавобгарлигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Бундай фаолият билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахслар, ошиқча хавф манбаи етказган зарарни, агар зарар бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки жабрланувчининг қасддан қилган ҳаракати оқибатида юзага келганини исботлай олмасалар, тўлашлари шарт.

Қонун давлат органлари, маҳаллий ўзини-ӯзи бошқариш органларининг фуқаролар ва юридик шахсларга етказган зарарининг давлат томонидан қопланишини ҳам назарда тутади.

Қайд этиш лозимки, қонунга хилоф тарзда ҳукм этиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ёки муносаб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф кўллаш, қамоқ тариқасидаги маъмурӣ жазони қонунга хилоф тарзда бериш натижасида фуқарога етказилган зарар давлат томонидан тўла ҳажмда қопланади (ФК 991-моддаси).

Шартномавий мажбуриятлар каби, файриқонуйи ҳаракат (ҳаракатсизлик) оқибати-



да етказилган зарар учун жавобгарлик ҳам фақат зарар етказувчининг қонунга зид ҳаракатлари оқибатида юзага келади.

Қонун доирасида ҳаракат қилганда етказилган зарар учун жавобгарлик фақат Қонунда белгиланган айрим ҳолларда юзага келиши мумкин.

Мисол учун, зарурий мудофаа ҳолатида етказилган зарар, агар бунда мудофаа чегарасидан чиқилмаган бўлса, тўланмайди.

Агар файриқонуйи тажовуздан ҳимояланиш пайтида ҳимояланувчи учинчи шахсга зарар етказган бўлса, бу зарар тажовуз қилган шахс томонидан тўланиши лозим.

Шахсга унинг жиноий ҳаракатларининг пайни қирқиши ёхуд уни ушлаш ва тегишли органларга олиб бориш сабабли етказилган зарар тўланмайди (ФК 987-модда).

Бироқ, зарурий мудофаа ҳолатидан четга чиқиб, зарар етказилса, бунда ҳаракат файриқонуйи деб топилиши ва етказилган зарар айбор шахсадан ундирилиши мумкин.

Шу қоида охириги зарурат ҳолатида зарар етказганлик учун ҳам татбиқ этилади (ФК 988- модда).

Юқорида тўхталиб ўтилган ҳуқуқбузарлик ва жиноий қилмиш оқибатида жабрланувчига етказилган зарарларни ундириш билан боғлиқ қонун нормаларини тўғри кўллаш, суд қарорларининг қонуний ва адолатли қабул қилиниши ортидан, мазкур тоифадаги низоларнинг суд томонидан қўрилишида ягона суд амалиётига эришилишига ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини суд орқали ишончли ҳимоя қилинишига хизмат қиласи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.Б.Зокиров. Фуқаролик ҳуқуқи (дарслик). 1-кисм, қайта ишланган ва тўлдирилган 5-нашр.Т:ТДЮИ нашириёти, 2009. 545-бет.
2. "Гражданское право". Учебник.В3.Т.3.-4-е изд.,перераб.Г75 и доп. / Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.-М..ТК Велби, Изд-во "Проспект", 2004.-784 с. ISBN 5-98032-163-2 стр.8.
3. Е.М.Михайленко "Гражданское право". Общая часть: учебник и практикум для среднего профессионального образования/Е.М.Михайленко.-2-е изд., перераб. И доп.-Москва. издательство "Юрайт", 2020.-413 с.-(профессиональное образование).-Текст непосредственный. ISBN 978-534-13804-7 стр.
4. И.А.Зенин, Гражданское право: учебник для вузов.-2-е изд., перераб. И доп.-М.:Высшее образование, Юрайт-Издат, 2009.-616с.- (Основы наук) ст 609.



Алишер ОЛЛАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви
академияси мустақил
тадқиқотчиси

СЕНАТ ВА МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ МУНОСАБАТЛАРИ ХАЛҚАРО ТАЖРИБА МИСОЛИДА

Хорижий мамлакатларда давлат ҳокимияти олий ва маҳаллий вакиллик органларининг ўзаро муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш масаласи федератив ва унитар давлатларда турлича тартибга солинган. Федератив давлатларда федерация субъектларининг қонунчилик органи билан марказий қонунчилик органи ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик фаолияти маҳсус тартибга солинган. Жумладан, алоҳида қонун қабул қилинган ёки парламент юқори палатасида маҳсус қўмита ёки комиссия фаолият юритади.

АҚШда кенг қамровли номарказлаштиришнинг мавжудлиги сабабли парламент юқори палатаси — Сенатнинг штатлардаги маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари билан ўзаро ҳамкорлиги фаолиятида маҳаллий ҳокимият органларининг марказий ҳокимиятдан деярли мустақиллигини кузатишимиз мумкин. Бу ҳолат, энг аввало, АҚШ давлат тузилишининг федерализм характеристида эканлиги билан боғлиқдир¹.

Бугунги кунда АҚШнинг кўпчилик штатларида маҳаллий ҳокимиятнинг Кенгаш — Мэр шакли амал қиласди. Маҳаллий ҳокимият вакиллик органи — Кенгаш деб аталиб, мамлакатнинг айrim штатларида умумхалқ сайлови орқали 4-5 йилга шакллантириладиган орган ҳисобланади. Кенгашга халқ томонидан 4-5 йилга сайланадиган Мэр бошчилик қиласди².

Шунингдек, АҚШда Кенгаш — Менежер шаклидаги маҳаллий ҳокимият тизими ҳам амал қиласди. Бунда муниципал Кенгаш шартнома асосида менежерни ёллайди ва менежер муниципал Кенгаш мажлисларига раислик қиласди, маҳаллий бошқарув аппаратига раҳбарликни амалга оширади³. Муниципал вакилликнинг АҚШдаги ушбу модели бугунги кунда самарали фаолият юритмоқда, дейиш мумкин. Чунки, ушбу модельда маҳаллий ҳокимият вакиллик органига алоҳида раҳбар бошчилик қиласди ҳамда маҳаллий ҳукуматдан мустақил фаолият юритади. Асосийси, АҚШнинг деярли барча штатларида муниципал ҳукумат ва му-

ниципал Кенгаш ваколатлари алоҳида белгиланган. Натижада, бу орқали маҳаллий ҳокимият вакиллик органи депутатлари мавқеи ва таъсири ошишига эришилади. Бу эса ўз навбатида ҳудудлардан сайланган сенаторлар корпуси орқали Сенатга ҳам ўз иродасини ўтказишга олиб келади.

Бизнингча, айнан ушбу моделнинг ижобий жиҳатларини мамлакатимиздаги маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятига кўллаш, яъни маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига алоҳида раис бошчилик қилишини қонунчиликка киритиш мақсадга мувофиқдир.

АҚШда муниципал Кенгаш ва парламент юқори палатаси — Сенат ўртасидаги ўзаро муносабатлар бўйича алоҳида қонун мавжуд эмас. Чунки, муниципал бирликлар деярли мустақил ҳуқуқий мақомга эга ҳисобланади. Марказий бюджетдан муниципал бюджетни молиялаштириш, қонун ҳужжатларининг бир-бирига мослигини таъминлаш ва бошқа шу каби ҳолатларда фаол ўзаро ҳамкорлик кўзга ташланади.

Австралия ва Канада каби давлатларда ҳам муниципал Кенгашларнинг Кенгаш — Мэр (губернатор) шакли амал қиласди. Аммо, Австралияда муниципал Кенгаш АҚШ ва Канада давлатлари тизимига нисбатан марказлашган характеристга эга. Австралия Қонунчилигида штат губернатори шаҳар ва граф мэрларини истефога чиқариши мумкинлиги белгиланган⁴.

Россия Федерацияси — федератив давлат, мамлакат парламенти икки палатадан иборат бўлиб, парламент юқори палатаси — Сенат ҳудудий вакилликни ифодалайди. Россия Федерацияси 1993 йилдаги Конституциясининг 95-моддаси мазмунига кўра, субъектларидан тенг миқдорда иккитадан вакил юбориш орқали шакллантирилиб, унинг биттаси давлат ҳокимияти вакиллик органидан, яна биттаси ҳокимиятнинг ижроия органи вакилларидир⁵. Мазкур ҳуқуқий норма юқори палатанинг ижроия ҳокимияти билан қонунчилик ҳокимияти ўртасидаги ўзаро мувоззанат мавжудлигини билдиради. Шунингдек, бу ерда энг асосийси, юқори палатанинг ҳудудий манфаатлар ифодачиси эканлигига ургу берилган. Россия Феде-



рацияси давлат түзилишида федерализм элементлари бўлганлиги билан парламент юқори палатаси — Сенатда худудий масалаларни ўрганишга қаратилган маҳсус кўмита ёки комиссия мавжуд эмас.

Қозогистон Республикаси — унитар давлат, мамлакатда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари — “Маслиҳат” деб номланиб, Маслиҳатга сайланган депутатлар ўз орасидан парламент юқори палатаси— Сенатга сенаторларни сайлади. Сенат — худудий вакиллик органи ҳисобланади⁶.

Бугунги кунда Қозогистон Республикасида ҳокимият вакиллик органлари воситасида худудий вакиллик функциясидан самарали фойдаланиш бўйича амалиётда бирмунча ижобий ҳолатларни кузатишимиз мумкин: биринчидан, Қозогистон Республикаси парламенти юқори палатаси — Сенатда худудий ривожлантириш ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш масалалари бўйича алоҳида, доимий равишда ишловчи кўмита фаолият юритади⁷; иккинчидан, акимлар (ҳокимлар) фаолиятини Маслиҳат томонидан назорат қилишнинг самарали механизми мавжуд; учинчидан, ҳозирда мамлакатда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари — Маслиҳатга қонунчилик ташаббуси хукуқини бериш бўйича фикрлар⁸ илгари суримоқда; тўртинчидан, ҳозирги кунда Маслиҳатга худудий сайлов комиссиялари таркибини тасдиқлаш бўйича ваколатларини бериш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Умуман олганда, ҳозирда Қозогистонда парламент юқори палатасининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари билан ўзаро муносабатлари бўйича маҳсус қонун мавжуд эмас. Аммо, юқоридаги ижобий ҳолатлар ва ушбу ҳамкорлик фаолиятини кучайтириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатда худудий вакиллик функциясидан фойдаланиш механизми босқичма-босқич ривожланиб бораётганлигини кўрсатади.

Хукуқшунос С.О.Ўрзобеовнинг фикрича “Олий Мажлис Сенатининг худудий вакиллик палатаси, минтақавий муаммоларнинг марказий миёсда ечимини белгилаб берувчи орган эканлигини инобатга олиб, юқори палатада доимий ишлайдиган сенаторлар орасидан минтақавий муаммолар бўйича комиссия тузиш бугунги кундаги муҳим масалалардан бири эканлигини эътироф этиш лозим. Хорижий мамлакатларда шунга ўхшаш тажрибанинг ҳам мавжудлигини қайд этиш зарур. Жумладан, Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Республика Кенгаши таркибида ҳам шундай комиссия тузилиши билан боғлиқ норма палатанинг Регламентида мустаҳкамланган. Хусусан, Республика Кенгаши Регламентининг 39-моддасига асосан, минтақавий сиёсат ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш бўйича доимий комиссиянинг ваколатларига депутатлар маҳаллий Кенгашларининг қонунчиликка номувофиқ бўлган қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги масалани Республика Кенгаши мажлисида кўриб чиқиш учун хулоса тайёрлаш, депутатлар маҳаллий Кенгашлари томонидан қонунчилик талабларини мунтазам ёки кўпол равишда бузиш ҳолатида



ва қонунда белгиланган бошқа ҳолатларда уларни тарқатиб юбориш ҳақидаги масалани Республика Кенгаши мажлисида кўриб чиқиш учун хулоса тайёрлаш, Республика бюджети лойиҳасининг тегишли бўлимлари юзасидан ва минтақавий сиёсат ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш масалаларига тегишли бошқа қонун лойиҳалари юзасидан хулосалар тайёрлаш каби масалалар киради. Агарда ушбу масала миллий қонунчилик даражасида ўз ечимини топадиган бўлса, биринчидан, минтақалар билан Олий Мажлис Сенатида доимий асосда ишловчи сенаторларнинг узвий алоқада бўлиши таъминланади; иккинчидан, минтақавий муаммоларни ўрганиш ва уларни мазкур комиссия мажлисида муҳокама қилиш, шунингдек мазкур муаммоларни қонунчилик ва тегишли қарор қабул қилиш воситасида ҳал этиш имконияти пайдо бўлади; учинчидан, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир дастурларнинг ижро этилишига оид маҳаллий Кенгашлар фаолияти ва уларнинг ҳисботини ушбу Комиссия мажлисида кўриб чиқиш механизмини йўлга кўйиш воситасида мазкур тизимнинг самарали ишлашига замин яратилади”⁹.

Демак, давлат-хукукий амалиётида ривожланган давлатлар парламентаризмининг бой тажрибасидан унумли фойдаланиб, мамлакатимиз Конституциявий тузумида ҳалқ ҳокимиятчилиги, ҳокимият ваколатларини тақсимлаш принципларига монанд давлат ҳокимияти вакиллик органлари тизимини босқичма-босқич такомиллаштириб бориш зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <http://vasilieva.narod.ru>. Старцев Я.Ю. Курс лекций “Государственное и муниципальное управление в зарубежных странах”.
2. <http://ru.wikipedia.org>. Соотношение законодательства федерации и штатов.
3. <http://vasilieva.narod.ru>. Старцев Я.Ю. Курс лекций “Государственное и муниципальное управление в зарубежных странах”.
4. <http://vasilieva.narod.ru>. Старцев Я.Ю. Курс лекций “Государственное и муниципальное управление в зарубежных странах”.
5. Конституция Российской Федерации. – Ростов на Дону.: Феникс. 2008. Ст. 29.
6. Вестник КАСУ №3 – 2005. Авторы: Айтказинов Е.Б., Нарбино娃 М.М. Проблемы взаимоотношений местных представительных органов власти с другими органами государственной власти.
7. Вестник КАСУ №3 – 2005. Авторы: Айтказинов Е.Б., Нарбинова М.М. Проблемы взаимоотношений местных представительных органов власти с другими органами государственной власти.
8. Ўша жойда.
9. С.О.Ўрзобеев. Олий Мажлис Сенати кўмита ва комиссиялари фаолиятини ташкил этишининг хукукий асослари. Юридик фанлар номзоди дисс. – Тошкент, 2010. 117-118 бетлар.



ODILLIK MEZONI

Севархон МАРИПОВА,Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар
малакасини ошириш марказы кафедра мудири

ОИЛАВИЙ НИЗОЛАРДА МЕДИАЦИЯ

Статистик маълумотларга қараганды мамлакатимизда фуқаролик судлари томонидан даръво тартибида 2020 йилда жами 194 548 фуқаролик иши кўриб чиқилиб, шундан атаги 122 таси медиатив келишув тузиш йўли билан якунланган, 2021 йилда кўриб чиқилган 351 275 ишдан 1 051 таси медиатив келишув тузилганини сабабли кўрмасдан қолдирилган. 2020 йилда иқтисодий судлар томонидан 104 327 иқтисодий иш кўриб чиқилган бўлса, шундан 435 таси, 2021 йилда кўриб чиқилган 175 443 иқтисодий ишдан 2 013 таси медиатив келишув тузилганини боис кўрмасдан қолдирилган.¹ Бундан кўриниб турибдики, медиатив келишув тузиш тартиб-таомили бир йилда 9,7 барабарга ортган ва бу албатта ушбу институтнинг фуқаролик процесси шитирокчилари томонидан ижобий эътироф этилганини англатади.

Бу борада хорижий мамлакатлар тажрибаси сифатида Шри-Ланка Медиация жараёнларида (Mediation Boards in Sri Lanka) даставвал 30 кун давомида низоларнинг 61 фоизи ҳал этилган бўлса, кейинчалик медиациянинг афзалликларидан келиб чиқиб, ушбу муддатни 90 кунга узайтирилиши 94 фоиз низоларнинг ўз ечимини топганинини ва бу Шри-Ланка судларида иш ҳажмининг 6 йил давомида 50 фоизга камайишига олиб келганини² эътироф этишнинг ўзи кифоя.

Медиация — низолашаётган тарафларнинг муаммони ўзлари учун мақбул ва самаралироқ усулда ҳал этиш йўлидир. Унинг ижтимоий ютуқлари масаласида тадқиқот олиб борган К.Е. Гафнер медиациянинг афзалликлари ҳакида "...суд тартибидан фарқли равишда тарафлар медиация жараёнида ўзларининг ижобий фаоллигини намоён эта оладилар ва бу ҳолат уларнинг ҳар иккисига ҳам бир вақтда фойда келтириши билан характерланади" мазмундаги қарашни илгари суради³.

Фуқаролик ва оиласвий муносабатларга оид низоларнинг медиация тартиб-таомили асосида ҳал этилиши ўз ўринда фуқаролик суд ишларини юритишда судьялар иш ҳажмининг сезиларли даражада камайишига олиб келади. Хорижий давлатларнинг ушбу соҳадаги норматив хуқуқий-хужжатларида жумладан, Малайзия медиация актида⁴, Финландия медиация тўғрисидаги актида⁵ (Act on Mediation in Labour Disputes) медиация фуқаролик хуқуқий муносабатлар ва оиласвий муносабатлардан келиб чиқсан низоларни ҳал этишда қўлланилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, мазкур тартиб бир неча давлатларнинг медиация тартиб-таомилини тартибга солишга қартилган қонунчилигига ҳам ўз аксини топган.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак-ки мамлакатимизда медиация институтини ривожлантириш юзасидан бир қатор ташкилий хуқуқий ислоҳотлар амалга оширилаётган бўлсада, қонунчилиқда фуқаролик ва оиласвий муносабатларда медиатив келишувига эришиш имкониятини чекловчи нормалар мавжуд. Мисол учун қарздор ундирувчига ўз қарзлари эвазига ўзига тегишли автомототранспорт воситасини ҳада қилиш орқали медиатив келишуви тузсалар ва бу ке-

АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада фуқаролик-хуқуқий, шунингдек оиласвий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга медиация тартиб-таомилини қўллашнинг алоҳида тартиблари, ўзига хос процессуал хусусиятлари, унинг низони суд тартибида ҳал этишдаги афзалликлари ва бу борадаги хорижий давлатлар тажрибаси, миллий қонунчилиқда мавжуд бўшлиқлар ва уларни такомиллаштириши масалалалари ўрин олган.

Калит сўзлар: фуқаролик хуқуқий-оиласвий хуқуқий муносабат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарши органлари, медиация, медиатор, медиатив келишув, медиация тарафлари, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув, медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишув, маҳфийлик принципи, давлат божи.

АННОТАЦИЯ:

В данной статье рассматриваются особенности применения медиации к спорам, возникающим из гражданско-правовых и семейного права, особенности процессуального характера, преимущества разрешения спора в судебном порядке и опыт зарубежных стран в этом отношении, пробелы в национальном законодательстве и пути их совершенствования.

Ключевые слова: гражданско-правовые семейные правоотношения, органы самоуправления граждан, медиация, медиатор, медиативное соглашение, стороны медиации, соглашение об осуществлении медиации, соглашение об использовании медиации, принцип конфиденциальности, государственная пошлина.

лишувни Фуқаролик кодексининг 504-моддаси олтинчи қисми⁶ талабларига мувофиқ нотариал тасдиқлатиши зарурлигидан келиб чиқиб мазкур медиатив келишувни тасдиқлаш учун нотариусни медиатор сифатида жалб этсалар, нотариуслар ушбу ҳолатда медиатор сифатида иштирок этишлари ва медиатив келишувни нотариал тасдиқлашлари мумкин эмас. Бунга сабаб, Адлия вазирининг 2019 йил 4 январда 3113-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган "Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги⁷ Йўриқноманинг 145¹-банди иккинчи қисмида нотариус фақат нотариуслар томонидан амалга оширилган нотариал ҳаракатлар юзасидан келиб чиққан низолар бўйича медиатор вазифасини бажариши белгилаб қўйилган.

Бизнингча келгусида шундай муаммоларнинг олдини олиш мақсадида юқорида келтирилган йўриқноманинг 145¹-банди иккинчи қисмини бекор қилиш мақсадга мувофиқ.

Оилавий низоларни медиация тартиб таомили асосида ҳал этишнинг энг муҳим жиҳатларидан бири тарафларга барча соҳаларда енгиллик бериш билан бирга судлар иш ҳажмининг камайишига олиб келади.

Хукуқшунос, адвокат ҳамда оилавий масалалар бўйича халқаро медиатор Элейн Ричардсоннинг таъкидлашича "Аслида, оилавий судларда ўтирган судьялар одамларни ўзларининг келишмовчиликларини суддан узокда ҳал қилишга ундайдилар ва бунинг учун медиациядан фойдаланишни қўллаб-кувватлайдилар"⁸.

Хорижий тажриба таҳлили асосида шуни айтиш мумкин-ки, мамлакатимизда оилавий медиациянинг ривожланиши туфайли нафақат тарафларнинг ортиқча вақт ва сарф харажатларининг олди олинади, балки судьялар иш ҳажмининг камайиши натижасида давлат бюджетининг сезиларли даражада иқтисод қилинишига эришлади. Шу ўринда мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексининг ишларни суд муҳокамасига тайёрлаш вазифалари деб номланган 201-моддаси иккинчи қисми иккинчи хатбошисига "Низони медиация тартиб-таомили асосида кўриб чиқиши тарафларга таклиф этади ва тарафларнинг розилиги асосида бу ҳақида ажрим чиқарди" мазмундаги тўлдиришни киритиш мақсадга мувофиқ.

Келгусида оилавий низолар юзасидан фуқаролар йигини раислари (оқсоқоллари)нинг бу борадаги ваколатлари ҳамда уларнинг фуқаролар йигини ҳудудида янада масъуллигини ошириш мақсадида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 14-моддаси биринчи қисмига йигирманчи хатбоши сифатида "фуқаролар йигини ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаролар оилавий ва мулкий хукуқларига доир тузилган медиатив келишувларни тасдиқлайди" мазмундаги тўлдириш киритиш таклиф этилади.

Оилавий низоларнинг ичида энг кенг тарқалгани ва мураккаби бу никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлардир. Ажралиш – бу жуда стрессли ва тарафларни хиссий жиҳатдан зўриқтирадиган жараён бўлиб, афсуски, ажралишни танлаган кўплаб жуфтликлар ажралиш жа-

раёнини юмшатишда медиациянинг роли ва аҳамиятини эътиборсиз қолдирадилар, бунинг натижаси эса оғир асоратлар, адоват ва узоқ давом этадиган ажралиш жарайёнига олиб келиши мумкин.

Мамлакатимиз Оила кодексининг 40-моддасида никоҳдан суд тартибида ажратиш тартиби белгилangan бўлиб, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар суд томонидан Фуқаролик процессуал кодексида даъво ишларини ҳал қилиш учун белгилangan тартибида кўриб чиқилади. Бунда суд ишнинг кўрилишини кейинга қолдириб, эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат тайинлашга ҳақли. Суд эр-хотинга ярашиш учун муҳлат тайинлаб, ишнинг кўрилишини кейинга қолдирган тақдирда, эр-хотиннинг бирга яшаш жойидаги яраштириш комиссиясини, агар улар бирга яшамаётган бўлса, ҳар бирининг яшаш жойидаги яраштириш комиссиясини эр-хотинни яраштириш бўйича тегишли чоралар кўриш учун уч кундан кечитирмасдан ёзма равишда хабардор қилиши керак.

Бизнингча, оилавий муносабатларда ажримлар сонини сунъий равишда камайтиришдан кўра, низолашаётган тарафларга бир-бирларини тушунишлари учун имкон бериш, бунда низо предметига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган учинчи шахснинг медиатор хизматидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу эса тарафларга ўз хато ва камчилекларини англаб этишларига, низога сабаб бўлган ҳолатларни тез ва иккала тараф учун ҳам мақбул бўлган ечим орқали ҳал этиш имконини беради.

Хулоса қиласиган бўлсак, бу борада қонунчиликка маълум меъёрларни ҳам киритиш зарур. Хусусан, Оила кодексининг 40-моддаси иккинчи қисмини "Суд ишнинг кўрилишини кейинга қолдириб, эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат тайинлаш ва бу муддат давомида мажбурий медиация тартиб-таомилини қўллашга ҳақли" мазмунидаги жумла билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Адлия вазирлигининг 31.03.2022 йилдаги 7/32-1/480-сонли хатга Олий суднинг 07.04.2022 йилдаги 07/13-4384-114-сонли хати.
2. Alternative dispute resolution practitioners' guide. Center for Democracy and Governance Bureau for Global Programs, Field Support, and Research U.S. Agency for International Development Washington, D.C. 20523-3100. March 1998.
3. К.Е.Гафнер. Медиация как социо-коммуникативная технология конфликтразрешения // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата социологических наук. Санкт-Петербург 2019. – С. 3.
4. <https://www.ilo.org/dyn/natlex/docs/ELECTRONIC/95605/112623/F1190466852/MYS95605.pdf>.
5. Act on Mediation in Labour Disputes. https://www.ilo.org/dyn/natlex/natlex4.detail?p_lang=&p_isn=59887.
6. 504-моддаси олтинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли қонуни таҳририда – Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.
7. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллӣ базаси, 05.01.2019 й., 10/19/3113/2422-сон; 02.04.2019 й., 10/19/3113-1/2866-сон; 01.06.2019 й., 10/19/3113-2/3227-сон, 10.10.2019 й., 10/19/3113-3/3897-сон; 10.01.2020 й., 10/20/3113-4/0043-сон, 02.05.2020 й., 10/20/3113-5/0602-сон; 01.04.2021 й., 10/21/3113-6/0266-сон; Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси, 28.07.2021 й., 10/21/3313/0724-сон, 05.11.2021 й., 10/21/3113-7/1026-сон. <https://lex.uz/ru/docs/4138215>.
8. https://www.familylaw.co.uk/news_and_comment/elaine-richardson-wins-resolution%27s-john-cornwell-award.



Аслиддин НУРИДУЛЛАЕВ,
Жамоат хавфсизлиги университети доценти, ю.ф.н.

ИЖАРА ШАРТНОМАСИНинг ҲУҚУҚИЙ БЕЛГИЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ



АННОТАЦИЯ:

Уишибу мақолада корхонани ижарага бериш шартномасининг ҳуқуқий белгилари таҳлил қилиниб, ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: корхона, кўчмас мулк, ижара, ижара ҳақи, тарафлар, шартнома, мулкий мажмуа.

АННОТАЦИЯ:

в данной статье анализируются правовые признаки договора аренды предприятия и выделяются его специфические особенности.

Ключевые слова: предприятия, недвижимое имущество, аренда, арендная плата, стороны, договор, имущественный комплекс.

ABSTRACT:

this article analyzes the legal features of an enterprise lease agreement and highlights its specific features.

Keywords: enterprises, real estate, rent, rent, parties, contract, property complex.

Фуқаролик кодексида корхонани ижарага бериш шартномаси ижара шартномасининг алоҳида бир тури сифатида ифодаланган. Корхона бутун бир ҳолатда мулкий комплекс сифатида кўчмас мулк деб тан олинса-да, қонунчиликда корхоналарга нисбатан бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси тўғрисидаги нормалар қўлланилмайди, балки Фуқаролик кодексида корхона ижарасига алоҳида (ЎзР ФК 34-боб 4) параграф бағишиланган. Бу шу нарса билан боғлиқ-ки, корхона ижараси ижарага оловчига фақатгина бино ёки иншоотни ижарага бериши назарда туттмайди, балки ишлаб чиқаришнинг мoddий асосларига боғлиқ бўлган ижарага берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари топширилишини ҳам назарда тутади¹.

Юридик адабиётларда корхонани ижарага бериш шартномасини ҳуқуқий тартибида солишнинг ўзига хос хусусияти сифатида ушбу шартнома билан тартибида солинадиган муносабатларга нисбатан субсидиар тартибида бино ва иншоотларни ижарага беришга бағишиланган нормалар қўлланилиши, агарда бундай нормалар бўлмаса ФКнинг мулк ижараси тўғрисидаги умумий қоидалари қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилади.

Корхонани ижарага бериш шартномаси тушунчаси ФК 579-моддасида берилган бўлиб, унга кўра, ижарага берувчи ижарага оловчига вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун мулкий комплекс сифатида бутун корхонани ёки унинг бир қисмини ҳақ эвазига бериш мажбуриятини олади, ижарага берувчи бошқа шахсларга ўтказиши мумкин бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно².

Юқоридаги таърифга кўра, корхона ижарага оловчига вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун топширилади, ваҳоланки умумий қоид бўйича мулкдор эгалик қилиш ҳуқуқини бермасдан фақатгина фойдаланишга топшириши мумкин. Бироқ, ижарага берувчи корхонага эгалик қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қола олмайди, корхонани ижарага оловчига эса расмий эгалик қилувчи сифатида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ашёвий-ҳуқуқий даъво киритиши мумкин (ФК 232-модда).

Ҳуқуқшунос олим С.Бобоқулов таъкидлаганидек, “корхонани ижарага бериш шартномаси натижасида ижарага берувчидан ижарага оловчига мулк ҳуқуқининг фақат икки элементи, эгалик қилиш ва фойдаланишгина ўтади. Тасарруф қилиш эса мулкдор кўлида сақланиб қолади”³.

Мулкдорнинг мулк ҳуқуқи доирасида ўз мол-мулкига нисбатан эгалик қилиши ва ундан фойдаланиш ваколатларини бошқа шахсга шартнома асосида бериши натижасида ижара муносабатлари вужудга келади⁴. Корхонани ижарага бериш шартномасининг ўзига хос хусусияти унинг алоҳида предмети бўлмиш – корхона билан боғлиқ.

Корхонани ижарага бериш шартномаси мулк ижараси шартномасининг алоҳида тури бўлиб, бу – шартнома предметининг иккита ўзига хос хусусиятга эга бўлган обьектни ўз ичига олиши билан ифодаланади. Булар:

- тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун корхонанинг ягона мулкий мажмуа сифатида ижарага берилиши⁵;

- ижарага берувчининг ижарага оловчи ихтиёрига корхонани топширишига қаратилган ҳаракати ҳамда ижарага оловчининг

Ижара
шартно-
маси



корхонани қабул қилиб олиш, ижарага берилган мулкдан лозим даражада фойдаланиши, ижаара ҳақини ўз вақтида тўлаш ва ижаара муддати тугаганидан кейин ижарага олинган мулкий мажмуани ижарага берувчига қайтаришига қарашларидир⁶.

Фуқаролик кодексининг 579-моддаси 1-қисмига мувофик, ижарага мулкий комплекс сифатида бутун корхона ёки унинг бир қисми топширилади. Ушбу норма таҳлилидан келиб чиқадиган бўлсак, корхонани ижарага бериш шартномасининг предмети нафақат бутун корхона, балки унинг бир қисми ҳам бўлиши мумкин. Бу ерда ҳақли савол туғилади: корхонанинг бир қисми корхонани ижарага бериш шартномасининг предмети бўлиши мумкин-ки?

Бизнинг фикримизча, корхонани ижарага бериш шартномасининг предметини аниқ белгилаш учун Фуқаролик кодексининг 85-моддаси қоидаларидан келиб чиқиш керак. Ҳуқуқий адабиётларда фуқаролик муомаласи, хусусан ижаранинг обьекти сифатида корхонага берилган таърифлар ФК 85-моддасидаги қоидаларига мос бўлиб, одатда корхона тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган мулкий комплекс сифатида эътироф этилади⁷.

Бу борада мутахассислар турлича фикр билдирадилар. В.Н.Табашниковга кўра:

биринчидан, корхона – мулкий мажмуа бўлиб, муайян бир фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган мол-мулк йигиндисидир;

иккинчидан, корхона – фақат тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган мулкий мажмуа;

учинчидан, корхона бир бутун ҳолатда кўчмас мулк ҳисобланади⁸.

Ҳ.Рахмонқуловнинг фикрича, корхона дегандан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланиладиган муайян мол-мулк мажмуи ифода этилади (биринчи белги). Бу мажмуага корхона фаолияти учун мўлжалланган барча мол-мулк йигиндиси киради (иккинчи белги)⁹.

Т.Л.Левшина эса корхона тўртта ўзига хос белгига эгалигини таъкидлайди:

— корхонани муайян бир фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган мол-мулк йигиндисидан иборат мулкий мажмуа ҳисоблайди (биринчи белги);

— бу мажмуа тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланилади деб ҳисоблайди (иккинчи белги). Муаллиф юқоридагилар билан бирга қўйидаги белгиларни ҳам келтириб ўтади:

— корхонани сотии шартномаси амалга ошириш ганде корхонанинг олдинги эгаси томонидан амалга оширилаётган тадбиркорлик фаолияти тугатилмайди, чунки унинг обьекти ҳисобланган мулкий мажмуа “амалда фаолият юритаётган” бўлади (учинчи белги);

— юридик шахснинг мулкий мажмуаси (яъни, корхона) тасарруф этилганда, мазкур юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатидаги фаолияти тугатилмайди (тўртинчи белги)¹⁰.

И.В.Елисеев корхонага “кўчмас мулк деб тан олинидиган ва ўз фаолиятини амалга ошириш учун тад-

биркорга тегишли бўлган ягона ва мураккаб мулкий мажмуа”, деб таъриф берса У.Қ.Хажиев, “корхона – бу моддий ва номоддий неъматларни ўз ичига олувчи, муайян соҳада тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган, эксплуатация қилинадиган (амалда фаолият кўрсата оладиган) мураккаб ва ягона мулкий мажмуа” эканлигини таъкидлайди.

Юқорида олимлар билдирган фикр ва мулоҳазаларни таҳлил қилиб, корхонани ижарага бериш шартномасининг предмети фаолият юритиб турган мулкий мажмуа қўринишидаги бутун корхона ёки унинг бошқа қисмларидан мустақил фаолият юрита оладиган бир қисми бўлиши мумкин. Корхонанинг мустақил фаолият юрита олмайдиган бир қисми корхонани ижарага бериш шартномасининг предмети бўла олмайди, балки бошқа шартномалар (масалан, кўчмас мулк ижараси шартномаси, бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси) нинг предмети бўлиши мумкин деган хulosага келдик.

Мисол учун, Ўзбекистонда 2010 йилдан бўён фаолият юритиб келаётган “Makro” супермаркетлар тармоғи 103 та супермаркетни ўз ичига олади¹¹. “Makro” супермаркетлар тармоғи бир бутун корхона сифатида корхонани ижарага бериш шартномасининг предмети бўла олади. Шунингдек, унинг таркибига кирувчи алоҳида бир супермаркет корхонани ижарага бериш шартномасининг предмети сифатида корхонанинг бир қисми бўла олади. Чунки, “Makro” супермаркетлар тармоғига кирувчи алоҳида бир супермаркет мустақил фаолият юрита олади.

Яна бир мисол. “Urganch Carpet Service” хусусий корхонаси гилам маҳсулотларини ювиш, тозалаш каби хизмат турларини кўрсатиб келмоқда¹². “Urganch Carpet Service” бир бутун корхона сифатида корхонани ижарага бериш шартномасининг предмети бўлиши мумкин. Бироқ, унинг гилам ювиш цехи ёки қутиши цехи алоҳида корхонанинг бир қисми сифатида корхонани ижарага бериш шартномасининг предмети бўла олмайди. Чунки, мазкур корхонанинг алоҳида бир цехи мустақил фаолият юрита олмайди.

Демак, юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, корхонани ижарага бериш шартномасига қуидагича таъриф беришни лозим топдик: “Корхонани ижарага бериш шартномаси деб ижарага берувчи ижарага олувчига вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун мулкий комплекс сифатида бутун корхонани ёки унинг мустақил фаолият юрита оладиган бир қисмини ҳақ эвазига бериш мажбуриятини олади, ижарага берувчи бошқа шахсларга ўтказиши мумкин бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно”.

Шу асосда, Фуқаролик кодекси 579-моддасининг 1-қисмини қуидаги таҳрирда бериш мақсадга мувофик: “Корхонани ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун мулкий комплекс сифатида бутун корхонани ёки унинг мустақил фаолият юрита оладиган бир қисмини ҳақ эвазига бериш мажбуриятини олади, ижарага берувчи бошқа шахсларга ўтказиши мумкин бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно.”

Ижарага берилаётган мулкий комплекснинг муракаб таркибий тузилиши ушбу шартноманинг асосий хусусиятларини белгилаб беради. Мулкий комплексларнинг таркиби борасида таҳлилчилар турли қарашларни ўртага ташлайдилар.

Д.Г.Ахрарова корхона таркибига киравчи элементларни икки гурухга ажратиб, кўйидагиларни тъкидлайди: “Мулкнинг бундай тури ҳисобланган корхона муракаб хусусиятга эга бўлиб, ашёвий ва мажбурий алоҳида элементлардан иборат. Мажбурий элемент ўзида идеал обьектга бўлган ҳукуқни ҳам ифодалайди.”¹³

Е.Н.Васильева корхонани ижарага бериш шартномасининг мазмунидан келиб чиқиб, унинг элементларини кўйидаги уч гурухга ажратади:

- биринчи элемент ашёларни топшириш тўғрисидаги шартлар ҳисобланади: ер участкалари, бино, иншот, асбоб-ускуналар, корхона асосий воситалари таркибига киравчи бошқа нарсалар, шунингдек, ижарага берувчига мулк ҳукуқи ёки оператив бошқариш ҳукуқи асосида тегишли бўлган айланма воситалар (хом ашё заҳиралари, ёқилги, материаллар ва бошқалар);

- иккинчи элемент ижарага берилаётган корхонага тегишли бўлган мулкий ҳукуқ ва қарзларни топшириш ҳақидаги шартлар ҳисобланади;

- учинчи элемент сифатида муаллиф томонидан алоҳида турдаги мулкий ҳукуқлар – мутлоқ ҳукуқлар комплексини топшириш тартибини белгилаб берувчи шартлар киритилади¹⁴.

Корхонани ижарага бериш шартномасининг мажмуавий хусусияти уни аралаш шартномалар туркумига киритиш имконини беради. Бундай шартнома тарафлари ўртасидаги муносабатларга (агар тарафларнинг келишувидан ёки аралаш шартноманинг моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса) элементлари аралаш бўлган шартномалар тўғрисидаги қоидалар қўлланилади (ФК 354-моддаси 3-қисми).

Юқорида тъкидланганидек, корхонани ижарага бериш шартномаси асосида вужудга келадиган муносабатларни мулк ижараси шартномасининг бошқа турларидан келиб чиқадиган муносабатларидан фарқловчи қатор белгилари мавжуд¹⁵.

Корхона турли мол-мулк мажмуасидан иборат бўлганлиги сабабли, тарафлар ўртасида вужудга келадиган бу хилдаги муносабатлар Фуқаролик кодекси, “Ижара тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар билан бир қаторда бевосита “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонун нормалари асосида ҳал қилинади.

Корхонани ижарага бериш шартномасидан келиб чиқадиган муносабатларнинг асосий белгиларидан яна бири шуки, ишлаб чиқариш жараёни давомида тўла истеъмол қилинадиган ишлаб чиқариш фондлари (жамғармалари)нинг қисми ҳисобланган айланма фондлар (жамғармалар)ни¹⁶ асосий фондга кўшиб топшириш алоҳида бошқа шартлар асосида амалга оширилади.

Корхонани ижарага бериш шартномаси консенсузал битим ҳисобланади.

Консенсузал шартномаларда ҳукуқ ва мажбуриятлар тарафларнинг келишувлари асосида қонун талаб

қилган шаклда расмийлаштирганлари заҳоти тузилган ҳисобланади ва тарафларда ҳукуқ ва мажбуриятларини вужудга келтиради¹⁷.

Корхонани ижарага бериш шартномаси ҳар қандай шартнома каби икки тарафлама битим ҳисобланади, чунки шартнома тузиш учун икки тараф келишиб хоҳиш билдириган бўлиши керак (ФК 102-модда).

Корхона ижарага олувчига топширилган пайтдан бошлаб унда ижарага олинган мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳукуқи, шунингдек ижара ҳақини тўлаш мажбурияти вужудга келади.

Ижарага олувчининг ижара ҳақини тўлаш бўйича ҳаракати ижарага берувчининг мулкий комплекс сифатида корхонани вақтинча фойдаланиш учун топшириш ҳаракатига эквивалент ҳисобланади. Шундай қилиб, корхонани ижарага бериш шартномаси ҳақ эвазига тузиладиган шартнома ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Витрянский В.В. Договор купли-продажи и его отдельные виды. –М.: Статут, 1999. –С. 264.
2. <https://lex.uz/docs/180552>.
3. Fugarolik huquqi. Q.II / M. Abdusalomov, X. Azizov, B.Axmadjonov va boshq.; O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi, Toshkent Davlat yuridik instituti. -Toshkent: Adolat, 2007. 171-бет.
4. Шокиров Б.М. Уй-жой ижараси шартномавий муносабатларнинг ҳукуқий тартибга солиниши. Юрид.фан.номз.дисс... автореф. –Т., 2011. –Б. 14.
5. Ҳажиев У.Қ. Фуқаролик муомаласи обьекти сифатида корхона тушунчаси ва узига хос хусусиятлари // Ж. Фалсафа ва ҳукуқ. -2012. № 3. 75-бет.
6. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга вторая: Договоры о передаче имущества.-М.: “Статут”, 2000.-С.539-541.
7. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарх. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. –Т.: “Vektor-Press”, 2010. –Б. 260; Раҳмонкулов Ҳ. Фуқаролик ҳукукининг обьектлари. Ўқув кўлланма-Т.: ТДҶИ, 2009.-Б. 26; Рўзиев Р.Ж., Топилдиев В.Р., Чориев М.Ш. Мол-мулк тасаррӯф этишга қартилган шартномалар. –Т.: ЎзР ФА Фалсафа ва ҳукуқ институти, 2010. –Б. 68; Раҳмонкулов Ҳ. Олди-сотди шартномаси-Т.: Адолат, 2000. –Б. 138-141; Раҳмонкулов Ҳ. Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. / Масъул муҳаррирлар: Мир-Ақбар Раҳмонкулов, Исоимл Анортов; I-жилд. -Т.: “Иқтисодиёт ва ҳукуқ дунёси”, 1997. –Б. 229; Балабанов И.Т. Операции с недвижимостью в России. –М., 1996. –С. 18; Витрянский В.В. Договор купли-продажи и его отдельные виды. –М.: Статут, 1999. –С. 265; Российской гражданское право: Учебник / Под.ред. З.Г.Крыловой, Э.П.Гаврилова. –М., 1999. –С.52.
8. Қаранг: Табашников В.Н. Предприятие как объект гражданских прав // Ж. Законодательство, 1998. -№ 9. –С. 12-14.
9. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарх. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. –Т.: “Vektor-Press”, 2010. –Б. 260.
10. Қаранг: Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации, чати первой (постатейный) / Отв.ред. О.Н.Садиков. –М., 1997. –С. 281-282.
11. <https://makromarket.uz/pages/o-nas#>.
12. <http://ecochistka.uz/2016/03/22/>.
13. Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарх: Профессионал шарҳлар. Т. 2. / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. -Тошкент: Baktria press, 2013. 353-354 бетлар.
14. Комментарий к ГК РФ: в Зт. Т.2: Комментарий к ГК РФ (части второй) / Под.ред. Т.Е.Абовой и А.Ю.Кабалкина; Институт государства и права РАН. –М.: Юрайт-Издат, 2004. –С. 337-338.
15. Қаранг: Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. II жилд. /Биринчи китоб/. -Т.: “Иқтисодиёт ва ҳукуқ дунёси”, 1998. –Б.339-341.
16. Қаранг: Краткий экономический словарь. /Под. ред. Ю. А. Белика и др. –2-е изд., доп. –М.: Политиздат, 1989. -С.193.
17. Fugarolik huquqi: Darslik. I qism/ Mualliflar jamoasi -T.: TDYU nashriyoti, 2016.-290-бет.



**Навбаҳор
ТУРСУНОВА,**
Жомбой туманлар-
аро иқтисодий
судининг раиси

ЕРГА ОИД МУНОСАБАТЛАРДА ШАФФОФЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

Ер муносабатлари барча даврларда ҳам муаммоли бўлиб келган ҳамда ўзининг сиёсий тусга эга бўлган жиҳатлари билан давлат сиёсатининг бирламчи масалаларидан ҳисобланган. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида баён этилганидек, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш, ер муносабатларини тартибга солиш ва соҳада қонунчиликни мустаҳкамлашдан иборат.

Кейинги йилларда ер билан боғлиқ муносабатларни самарали тартибга солиш, ерларни муҳофаза қилишни тақомиллаштириш, ерга оид низоларнинг олдини олиш, бу борада фуқароларнинг ҳуқук ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни тақомиллаштириш, ер соҳасидаги ҳуқуқ-бузарликлар учун жавобгарликни кучайтиришга оид муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Жумладан, 2021 йил 16 августда “Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзgartиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-708-сонли қонун қабул қилинди.

Қонун билан Ер кодексининг бир қатор моддаларига ўзgartиш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур қонунга кўра, юридик шахслар Ер кодексига ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ доимий фойдаланиш ҳамда ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлиши, шунингдек, чет эллик фуқаролар ва юридик шахслар, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ер участкаларига факат ижара ҳуқуқи асосида эга бўлиши мумкинлиги, юридик ва жисмоний шахслар қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган, ўзига доимий фойдаланиш (эгалик қилиш) ёки мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда хусусийлаштиришга ҳакли эканлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари хусусийлаштирилганда, қонунчиликда белгиланган тартибда юзага келиши бўйича ўзgartiriш ва қўшимчалар киритилган.

Ушбу қонун билан, ер участкаларини юридик шахсларга давлат ва жамоат эҳтиёjlари учун доимий фойдаланишга бериш ҳуқуқи асосида вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими эгалиги белгиланиб, бундай ваколат туман (шаҳар) ҳокimларидан олиб ташлангандиги назарда тутилган.

Амалдаги қонунчиликка ва ер кодексининг 23-моддасига мувофиқ, ер участкаларини мулк қилиб бериш (реализация қилиш), доимий фойдаланиш ва ижарага бериш орқали ер ажратиш тариқасида амалга оширилади.

Ер участкаларини мулк қилиб бериш (реализация қилиш) – қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ якка тар-

тибда уй-жой қуриш ҳамда уй-жойни ободонлаштириш, тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун электрон онлайн-аукцион воситасида, доимий фойдаланишга бериш – Ер кодексининг 20-моддасида назарда тутилган ҳолларда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан, ижарага бериш – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан, шунингдек электрон онлайн-аукцион воситасида амалга оширилади.

Шу билан бирга, эгаликдаги, фойдаланишдаги, ижарадаги ва мулк қилиб берилган ер участкасини бериш (реализация қилиш) Ер кодексида белгиланган тартибда фақат шу ер участкаси белгиланган тартибда олиб қўйилганидан (сошиб олинганидан) ва давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин амалга оширилади.

Берилган ер участкасининг чегаралари Давлат солик қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси томонидан ер участкасида бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатлар берилгунинг қадар мазкур ер участкасида эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга киришиш тақиқланади.

Бундан ташқари, Ер кодексининг 24-моддасига мувофиқ, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкалари жисмоний ва юридик шахсларга вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг очиқ электрон танлов натижаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори билан ижара ҳуқуқи асосида берилади. Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари эса жисмоний ва юридик шахсларга электрон онлайн-аукционда ижара ҳуқуқи асосида берилади.

Ер участкаларини ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви билан, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса, суднинг ҳал қилув қарори билан амалга оширилади.

Мазкур қонун билан мулкдорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши билан биргаликда ер ажратиш масалалари туман (шаҳар) ҳокимларидан олиниб ерларни очиқ аукцион орқали сотиш амалга ошириладиган тартиб ўрнатилди ва қонуннинг қабул қилиниши ерга оид ислоҳотларнинг янада тақомиллашишига ҳамда қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олишга, шу билан бирга, айrim норматив ҳужжатлардаги бўшликларни тўлдиришга, ер участкаларини ажратишнинг барча учун тенг, шаффоф ва бозор тамойилларида асосланган тартибини жорий этиш, ерга оид мулкий ва ҳуқуқий муносабатлarda барқарорликни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш ҳамда ер эгаларининг мулкий ҳуқуқларини кафолатлашга хизмат қиласи.



Сарвар СОЛИЕВ,
Зангюта
туманларо
иқтисодий суди-
нинг раиси

СОГЛОМЛАШТИРИШ ТАОМИЛЛАРИНИ ҚҮЛЛАШ РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ

Корхона корпоратив ва ишлаб чиқариш муносабатларининг амалдаги иқтисодий ислоҳотлар жараёнидан орқада қолиши натижасида банкротлик ҳолатига тушиб қолади. Тўловга қобилиятсиз корхоналарни тугатиб юбориш қийин эмас, аммо ушбу корхоналарда иш билан таъминланган фуқаролар иш ўрнини йўқотади, шартлашувчи субъектлар ўртасида низолар, улар фаолиятига салбий таъсир ва бошқа шу каби кўплаб ижтимоий ҳамда иқтисодий масалалар келиб чиқади.

Банкротлик муносабатларини тартибга солувчи “Банкротлик тўғрисида”ги қонун 2003 йил янги таҳрирда қабул қилинган бўлиб, унда иқтисодиёт тармоқлари ривожланиши натижасида вужудга келаётган янги муносабатларни тартибга солувчи механизmlар акс эттирилмаган эди.

Қонуннинг номи ҳамда матнида “банкротлик” атасининг кенг қўлланилганлиги, мазкур ҳужжатнинг корхонани банкрот деб топиш ва уни тугатишига қаратилганлигини англатар эди.

Жорий йилнинг 13 апрелидан қонуний кучга кирган “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни иқтисодий ночор ахволга тушиб қолган корхоналарга ўз фаолиятини қайта ташкил этиш ва тўлов қобилиятини тиклашга имкон бериш орқали иқтисодиётга таъсир ўтказади.

“Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши иқтисодий жиҳатдан танг ахволга келган тадбиркорлик субъектларини тугатиб юбориш эмас, балки уларни молиявий соғломлаштириш, шу билан бирга соҳада вужудга келаётган янги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Эътиборлиси, қонуннинг номи ва матнидаги “тўловга қобилиятсизлик” тушунчасини ушбу қонуннинг мазмунан иқтисодий ночор ҳолатга тушган корхоналар фаолиятини тиклашга йўналтирилаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бу нарса дунё тажрибасидан ўтган. Хусусан, бу каби қонунлар Германияда “Иқтисодий тўловга қобилиятсизлик”, Қозогистонда “Реабилитация ва банкротлик”, Японияда “Корпоратив қайта ташкил этиш, фуқаролик реабилитацияси ва банкротлик” деб номланишини кўришимиз мумкин.

Хўш, бу қонунни ишлаб чиқиш учун яна қандай заруратлар мавжуд эди?

Маълумки, тўлов қобилиятини тиклаш имконияти бўлган корхоналарда корпоратив ва ишлаб чиқариш муносабатлари тубдан ўзгарида, иқтисодиёт соҳасида “ишлаб чиқариши қайтадан тикланган ҳамда янгидан тетиклашган субъектлар” фаолият юрита бошлайди.

Афсуски, иқтисодий ночор ва тўловга қобилиятсизлик масалаларини тартибга солувчи “Банкротлик тўғрисида”ги қонун моҳиятан корхонани банкрот деб топиш ва уни тугатишига қаратилган бўлиб, унда корхонага нисбатан соғломлаштириш таомилларини қўллашни рағбатлантирувчи нормалар мавжуд эмас эди.

Статистик таҳлилларга эътибор қаратсан, 2020-2021 йилларда жами 15 745 та корхона банкрот деб топилган бўлиб, улардан 2 фоизининг фаолияти тикланган, 80 фоизи тугатилган, 18 фоизи бўйича тугатиш жараёни давом этмоқда.

Энди эса қонун билан корхонага нисбатан соғломлаштириш таомилларини қўллашни рағбатлантириш мақсадида тўловга қобилиятсизлик вақтинчалик ва доимий турларга ажратилмокда.

Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ вақтинча тўловга қобилиятсизлик аломатлари дейилганда тегишли мажбуриятларнинг юзага келган санадан эътиборан уч ой ичида қарздор томонидан бажарилмаганлиги, шаҳар жойларидағи ҳамда унга тенглаштирилган худудлардаги корхоналар томонидан эса олти ой ичида бажарилмаганлиги тушунилади. Судга ариза бериш санасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида, агарда ариза йилнинг биринчи чорагида берилган бўлса, ўтган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қўйматидан ошиб кетган бўлса доимий тўловга қобилиятсизлик тушунилиши мумкин.

Бунга қадар амалда бўлган қонун талабига кўра, корхона тегишли тўлов мажбуриятларини қарздорлик юзага келган кундан эътиборан уч ой ичида бажармаса ва унга нисбатан билдирилаётган талаблар базавий ҳисоблаш миқдорининг камида уч юз барвари, яъни 81 000 000 сўмни ташкил этса, унга нисбатан тугатиш таомили қўлланилар эди.

Эндиликда корхонага нисбатан соғломлаштириш таомилларини қўллашни рағбатлантириш мақсадида мазкур жараёнда жорий солиқ тўловларини тұхтатиб туриш, тижорат банклари ва молия институтларидан кредитларни жалб этиш, қарздорлик қисман қопланганда корхона фаолиятини кредиторлар розилиги билан тиклаш бўйича нормалар киритилди.

Шунингдек қонун билан қарздорга корхонани соғломлаштириш ёки тугатиш таомилларини қўллашни эркин танлаш ҳуқуқи берилмоқда. Хусусан, қонуннинг 7-моддасида қарздор пул мажбуриятларини бажармаганлиги муносабати билан унга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига қарздорнинг ўзи ва кредитор эга эканлиги, қарздор ва кредитор тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги аризада қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ёхуд тугатишга

АДОЛАТ МЕЗОНИ ПОЙДЕВОРИ

доир иш юритиш тартиб-таомилларини кўллаш зарурлигини кўрсатиши мумкинлиги белгиланди. Бундан кўриш мумкинки, қарздор кредиторлик қарзи миқдоридан қатъи назар ўзини тўловга қобилиятысиз деб ҳисоблаган пайтдан бошлаб унга нисбатан соғломлаштириш таомилини кўллаш бўйича судга мурожаат қилиш ҳамда ўз фаолиятини тиклаш имконига эга бўлади.

Юқоридагилар билан бир қаторда, қонун билан амалиётда узоқ муддатдан бери муаммо бўлиб келаётган айрим масалалар ҳам хукуқий жиҳатдан тартибга солинди.

Хусусан, суд бошқарувчисининг хукуқлари бирмунча кенгайтирилди, жумладан суд бошқарувчиларига давлат хизматлари агентлиги орқали кўрсатиладиган давлат хизматларидан ҳақ тўламасдан фойдаланиш, қарздорнинг мулки, ҳисоб вараклари ва депозитлари ҳақида давлат органларидан бепул маълумот олиш хукуки берилди.

Амалиётга татбиқ этиш назарда тутилган жуда муҳим жиҳатлардан яна бири жисмоний шахсни тўловга қобилиятысиз деб топиш институтининг жорий этилиши бўлди, деб айтиш мумкин. Негаки жисмоний шахсни тўловга қобилиятысиз деб топиш институтининг АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатларида, Япония ва Россияда самарали қўлланилиб келаётганини кўришимиз мумкин.

Қонунга жисмоний шахснинг тўловга қобилиятысизлигини тартибга солувчи 14-боб киритилиб, қонуннинг 194-моддасида агар ушбу бобда бошқача қонунда назарда тутилмаган бўлса, жисмоний шахснинг тўловга қобилиятысизлиги билан боғлиқ муносабатларга нисбатан ушбу қонун 1, 2, 3, 5, 6 ва 7-బобларининг тегишли қондалари қўлланилиши алоҳида белгилаб қўйилди.

Қонунда қарздор жисмоний шахснинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) соликлар ҳамда йифимлар бўйича ўз мажбуриятини тўлиқ ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўлов мажбуриятлари юзага келган кундан эътиборан уч ой ичida қарздор жисмоний шахс томонидан бажарилмаган ҳамда қарздор жисмоний шахсга нисбатан талаблар базавий ҳисоблаш миқдорининг камида икки юз баробарини ташкил этса, қарздор жисмоний шахснинг тўловга қобилиятысизлиги аломатлари ҳисобланиши назарда тутилди.

Жисмоний шахсни тўловга қобилиятысиз деб топиш учун кредиторлик қарзи суд қарори, нотариал тасдиқланган битим, нотариус ижро хати, қарздор тан олганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда алимент ундириш тўғрисидаги талаб асосида вужудга келган бўлиши лозимлиги белгилаб қўйилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса сифатида айтиш мумкин-ки, қонуннинг амалга киритилиши тўловга қобилиятысизлик ҳолатидаги корхоналарга нисбатан соғломлаштириш таомилларини қўллаш орқали уларнинг фаолиятини тиклаш ва мамлакатимизнинг ҳалқаро рейтингларда тўловга қобилиятысизлик индикаторидаги ўрнини ошириш имконини беради.

Мамлакатимизда Президентимиз ташабbusи билан "Инсон қадри учун" тамойили асосида ҳалқимиз фаровонлиги йўлида кенг кўламли ислоҳотлар олиб бориляпти. Бу ислоҳотлар миллий давлатчилигимиз пойдеворини мустаҳкамлаб, оиласлар фаровонлиги, қонун устуворлиги, инсон хукуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларига хизмат қиляпти.

Судьялар олий кенгашининг ташкил қилиниши натижасида судяларни танлаш, қайта тайёрлаш механизми йўлга қўйилди. Президентнинг судьяларни тайинлаш билан боғлиқ ваколатларининг бир қисми Судьялар олий кенгаси зиммасига ўтказиб берилганлиги бу янги тузилмага бўлган ишонч ва масъулиятидир.

Суд ислоҳотларининг яна бир муҳим жиҳати, "Судлар тўғрисида"ги қонунда назарда тутилган ва узоқ йиллардан бўён ечимини кутиб келган маъмурӣ судларнинг ўз фаолиятини бошлашлари бўлди.

Судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш амалиётiga чек қўйилгани ҳам Президентимиз томонидан бир қатор аниқ мисоллар асосида келтириб ўтилган тизимдаги қонун бузилиш ва коррупция ҳолатларининг олдини олишда муҳим қадам бўлди. Бу, ўз навбатида, инсон хукуқларини ҳимоя қилишнинг ишончли механизмидир.

Шунингдек, ўтган даврда қонунчилигимизга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ давлат бошқаруви ва маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлари, жумладан, ҳокимлар, прокурор ва ички ишлар органлари раҳбарларининг маҳаллий Кенгашлар олдида ҳисоб бериш амалиёти жорий этилди.

Юртбошимиз "Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди" деган фикрларининг маъносига судьялар эътиборини қаратар экан, адолат посбони саналадиган ушбу касб эгалари томонидан қабул қилинаётган ҳар бир қарорнинг қонуний ва адолатли бўлиши зарурлигини таъкидлайдилар. Бу борада суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, одил судлов фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик мұқаррарлигини сўзсиз таъминлаш лозимлиги ҳақида билдирилган фикрлар эса адолатни таъминлаш йўлидаги яна бир қатъий қадам бўлди. Ҳақиқатан, судья ўз қасамёдига содик қолиб фақат қонунга бўйсунган ва ўз вижданни олдида пок бўлган ҳолда иш кўриши керак. Суд ишига аралашув нафақат судьянинг қасамёди, Конституциямизнинг судьялар мустақиллиги, уларнинг факат қонунга бўйсуниши ҳақидаги бандларига ҳам зиддир.

Мухтасар қилиб айтганда, фуқаролар ўз хукуқ ва мажбуриятларини яхши биладиган, қонун ва амалдаги тартиб-қоидаларни, одил судлов органларини ҳурмат қиладиган жамиятда қонун устувор бўлади. Қонун устувор бўлган жойда эса адолат қарор топishi муқаррар.

Хуршид СОДИҚОВ,
жиноят ишлари бўйича
Олмазор туман суди судьяси.



Хотамжон МАТКАРИМОВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Чирчик туманлараро
судининг судьяси

ЯРАШТИРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИНГ СУД АМАЛИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Фуқаролик процессида яраштириш тартиб-таомиллари ни кенг жорий этиши низони ҳал қилишининг самарали воситаси ҳисобланади. Шу сабабли, фуқаролик процессуал қонунчилиги суд ва тарафларнинг ушбу институтдан фойдаланишлари учун максимал имкониятни яратишга интилади.

Фуқаролик ишларини келишув битими тузиш орқали тугатишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида 2019 йил 20 мартағи ЎРҚ-531-сон қонун билан Фуқаролик процессуал кодексига алоҳида 17-боб киритилиб, ушбу боб “Яраштириш тартиб-таомиллари” деб номланди.

Мазкур бобда келишув битими ёки медиатив келишувни тузиш тартиби, келишув битимининг мазмуни ва уни тасдиқлаш ёки тасдиқлашни рад этиш масалалари ёритилган.

Шу ўринда кейинги тўрт йиллик суд статистикасига назар ташлайдиган бўлсак, фуқаролик ишларини иш юритишдан тугатиш салмоғи йил сайин камайиб борганинг гувоҳи бўламиз.

Процессуал соҳада ярашувга олиб келадиган оқибатлар асосан иш юритишни тугатиш билан боғлиқ. Келишув битимини тасдиқловчи суднинг ажрими суд билан келишув битимини тузган шахслар ўртасидаги процессуал ҳуқуқий муносабатларни тугатади. Шундай қилиб, келишув битими бекор қилинадиган юридик факт қийматига ҳам эга.

Келишиш томонлар учун ҳам қулайдир: бу бизнесни юритиш вақтини ва молиявий харажатларни камайтиради, яхши муносабатларни сақлашга имкон беради ва эришилган келишувни ихтиёрий равишда бажаришга имкон беради. Мисол учун Кўшма Штатларда ишларнинг атиги 5% суд жараёнидан ўтади, қолган 95% ярашув процедуруларидан ўтиб тугалланади. Бошқа ривожланган мамлакатлар судлов тизимида ҳам худди шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Хозирги кунда юридик адабиётларда келишув битими ҳақида турли хил фикрлар билдирилган. Масалан, ҳукуқшунос олим Ш.Шораҳметовнинг фикрича, келишув битими суд мажлисида, суддан ташқари ва ижро босқичида ҳам тузилиши мумкин. Тарафлар келишув битимининг шартлари суд мажлиси баённомасига киритилади ва иккала тараф томонидан имзоланади¹.

Ҳукуқшунос олим М.Мамасиддиқовга кўра, тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларида ҳеч нарсани ўзгартирмайдиган келишув битими шуниси билан муҳимки, ҳуқук ва манфаатлар борасида низонинг мавжуд бўлмаслигига тарафлар ўзларининг саъй-ҳаракатлари билан суднинг кўмаги орқали эришадилар. Шунингдек, тарафларнинг ўзаро ҳуқук ва манфаатлари борасида ихтиёрий равишда келишувга эришишлари фуқаролик процесси тарбиявий аҳамиятининг самарали таъсир кўрсатишидан далолатdir².

Ҳукуқшунос олим Д.Хабибуллаев келишув битими тарафларнинг ўзаро келишиб, судда бу низо бўйича иш юритишни тугатиш хусусида ўз эркларини ифодалашидир, келишув битими даъвони тан олиш, даъводан воз кечишдан шуниси билан фарқланадики, бунда икки тараф ҳам иш юритишни тугатишга розиликларини билдирадилар, деб таъкидлаб ўтади³.

Келишув битимининг ўзига хос хусусиятлари шундаки, бу томонларнинг келишуви (ёки шартномаси) бўлиб, унда улар ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек, низони тугатиш шартлари ва тартибини мустақил равишда белгилайди.

Фуқаролик процессуал кодексига биноан келишув битими жараённинг барча босқичларида тузилиши мумкин. Энг мақбули — фуқаролик ишини судга тайёрлаш босқичида келишувга эришишдир.

Келишув битимининг афзалликлари орасида томонларнинг кўниқмаларини ривожлантириш мухим аҳамият касб этади. Суд келишув битимининг шартларини маъқуллаб, қонунийлигига кафолат беради, бошқаларнинг қонуний манфаатларини бузмаслигини текширади. Бундан ташқари, келишув битимини тузишда томонлар унинг бажарилиши кафолатларини оладилар,



чунки келишув битими суд қарори билан тасдиқланиши керак.

Келишув битимининг ҳуқуқий оқибатлари суд томонидан суд процесси бошланишида тушунтирилиши лозим. Судьянинг тарафларга келишув битими тузиш имконияти ва унинг афзаликлигини батафсил тушунтириши низони суд якунига қадар келишув битими билан якунлаш эҳтимолини кучайтиради.

Шу муносабат билан даъвогарнинг арз қилинган талаблардан воз кечишини қабул қилишда, шунингдек тарафлар ўртасидаги келишув битими тасдиқлашда суд уларга кўрсатилган асослар бўйича иш юритишни тугатиш оқибатларини тушунтириши ва бу суд мажлиси баённомасида ҳам, суднинг ажримида ҳам ёритилиши лозим.” — деб тушунтириш берилган⁴.

Бугун судьялар томонлар ўртасида бундай музокараларни олиб боришдан қўрқишида, сабаби иш суд мажлисида кўриб чиқилганидан сўнг суд қарорлари устидан шикоят қилиниши, судга нисбатан асоссиз эътиrozларга сабаб бўлиш эҳтимоли бор. Чунки, суднинг ҳаддан зиёд келиштиришга ҳаракат қилиши тарафларда унинг холислигига шубҳа йўғотиши мумкин.

Жаҳон амалиётида бу масала турли йўллар билан ҳал этилади. Масалан, Голландияда музокаралар олиб борувчи судья, агар томонлар музокаралар натижасида келишув битимига эришмаган бўлса, ишни моҳиятан кўриб чиқа олмайди. Кўшма Штатларда бу судгача низоларни ҳал қилиш йиғилиши деб номланади. Томонларнинг судьяга ёки мустақил шахсга мурожаат қилиш ҳуқуқи бор. Агар судья учрашув ўтказса, у ҳар бир томоннинг позицияси асослилиги, низони келишув йўли билан тугатишнинг афзаликлари тўғрисида ўз фикрларини билдиришга, шунингдек, томонларни муросага келишга ишонтиришга ҳақлидир. Агар томонлар келишув битимини тузса, суд томонидан тасдиқланади, мабодо улар ярашишдан бош тортса, иш суд мухокамаси босқичига ўтади.

Англашилади-ки, судьянинг мақсади томонларнинг келишув битимига эришишини таъминлашдан иборат. Бу борада айрим хорижий давлатларнинг ўз тажрибалари бор. Масалан, Буюк Британияда суд медиация жараёнида қатнашишдан бош тортган томонларга жарима солишига ваколатлидир. Францияда, ажрашиш ишларида ярашишга уриниш бўлмаса, суд қарори бекор қилиниши мумкин.

Словенияда низони ҳал қилиш учун восита-чига мурожаат қилинган тақдирда иш юритишни тўхтатиб туриш назарда тутилади.

Мамлакатимиз қонунчилигига бу борада Олий суд Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги “Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида”-ги 22-сонли қарорининг 12-бандида, “Суд ишни



кўришда ишнинг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқук ва мажбуриятларини ҳар томонлама тўлиқ ва холисона ўрганиб чиқиши мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг тегишли моддаларида баён этилган ҳаракатларни амалга ошириши зарур, хусусан, тарафлар ёки уларнинг вакилларини сұхбатга таклиф этиши, уларнинг мазкур даъвога оид барча далил ҳамда эътиrozларини ва ишни келишув битими йўли билан ҳал этиш имкониятларини ўрганиб чиқиши, зарур ҳолларда, тарафларга ишни судда кўрилаётган жараёнда ҳам келишув битими йўли билан тугатишни таклиф қилиши лозим.”⁵ — деб тушунтириш берилган.

Шундай қилиб, низоларни суд тартибида ҳал қилиш ва ярашириш фуқаролик ишлари бўйича одил судловни оптималластиришга имкон бериши билан бир қаторда суд жараёнлари иштирокчиларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини химоя қилишнинг муносиб шаклини танлаш учун ҳуқуқий имконият яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. -Тошкент, Адолат. 2001. -230 б; Шораҳметов Ш.Ш. Проблемы гражданского судопроизводства по защите прав и законы интересов граждан Республики Узбекистан // Автореф. дисс.док. юрид. наук.12.00.03 - Гражданское право. Предпринимательское право. Семейное право. Международное частное право. -Т.: 1996. -С. 56.; Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. -Тошкент: Адолат, 2010.
- Мамасидиков М.М. Мехнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Монография. -Тошкент, ТДЮИ. 2005. -113 б.
- Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг таъмиллари ва уларни суд амалиётида татбиқ этиш муаммолари. Юрид. фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Тошкент: ТДЮИ. 2007. -Б.104.
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 25.10.2019 йилдаги “Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция суднинг ажримлари тўғрисида”ги 19-сонли Қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 14.09.2001 йилдаги “Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 22-сонли қарори.

СУВДАН ФОЙДАЛАНИШДА ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

АННОТАЦИЯ:


мақолада сув ва сувдан фойдаланиши соҳасидаги қонун хужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари, прокурор назоратини ташкил этишининг зарурати ва ўзига хос хусусиятлари, унинг долзарбилиги, замонавий тенденциялари, миллий қонунчилигимиздаги муаммолар ва уларни ҳал этиш масалалари ўрин олган.

Калит сўзлар: прокурор, прокурор назоратини ташкил этиш, сув қонунчилиги, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот, замонавий тенденциялар, миллий қонунчилик, муаммолар ва уларнинг ечимлари.

АННОТАЦИЯ:

в статье освещены правовые основы прокурорского надзора за исполнением законодательства в области воды и водопользования, необходимость и специфика организация прокурорского надзора, его актуальность, его современные тенденции, проблемы в нашем отечественном законодательстве и пути их решения.

Ключевые слова: прокурор, организация прокурорского надзора, водное законодательство, законность, правоприменение, современные тенденции, национальное законодательство, проблемы и пути их решения.



Прокуратура органлари фаолиятининг муҳим ўёналишларидан бири бўлган қонунлар ижросини назорат қилиш бўйича прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган ҳар қандай иш, энг аввало, тўғри ташкил этилиши талаб этилади. Чунки, прокуратура тизими олдида турган ушбу вазифаларнинг барча даражадаги прокурорлар томонидан тўғри тушунилиши ва қўлланилиши прокурор назоратининг қонунийлигини таъминлашга ҳамда иш унуми ва натижадорлигининг ошишига имкон беради.

Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун хужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш деганда, прокуратура ходимларини танлаш, жойлаштириш, малакасини ошириш, уларнинг фаолиятини доимий равишда тартибга солиш, маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш учун зарур бўлган барча воситалар билан таъминлаш, прокуратура органлари фаолиятини таҳлил қилиш ва уни баҳолаш, ишларни режалаштириш, режалар бажарилишини назорат қилиш, белгиланган муддатларда юқори якуний натижаларга эришиш учун прокуратура ва бошқа органларнинг ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирадиган чора-тадбирлари мажмуи тушунилади.

Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун хужжатлари ижроси устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Аграр ва озиқовқат соҳаларини ривожлантиришга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси, Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлар прокуратураларининг тегишли бўлимлари ва жойлардаги прокурорлар томонидан амалга оширилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозим-ки, давлат вакиллик ва ижроия ҳокимияти, маҳаллий давлат ҳокимияти, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича маҳсус ваколатли давлат органлари ва бошқа давлат назорати идоралари, юридик шахслар, шунингдек фуқаролар ва оммавий ахборот воситалари ушбу соҳадаги қонун хужжатларининг ижроси устидан прокурор назорати ишларини ташкил этишининг асосий ахборот манбалари ҳисобланади.

Шунингдек, Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда идоравий мансуб ташкилотларининг статистик ҳисоботлари ҳам прокурор назоратини амалга оширишдаги муҳим маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Сув хўжалиги вазирлиги марказий идоралари худудлардаги сув объектларининг ҳолати ва асосий

ифлосланиш түгрисида умумий маълумотларга эга бўлади. Унинг худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари сув обьектлари, улардан фойдаланишнинг табиати, хусусиятлари ва усуллари, ифлосланиш турлари ва кўламлари, сув обьектлари ва уларни муҳофаза қилиш зоналари ифлосланишнинг асосий стационар манбалари, сув олиш обьектларининг ҳолати ва уларни муҳофаза қилиш түгрисида батафсилоқ маълумотларга эга бўладилар.

Юқоридаги органлардан:

- аниқланган сув қонунчилиги бузилиши, уларни бартараф этиши ва келгусида олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар;
- қонун ҳужжатларини бузганлик учун интизомий жавобгарликка тортилган мансабдор ва бошқа шахсларнинг сони;
- судларга сув тўгрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш натижасида етказилган зарарни қоплаш тўгрисида киритилган даъво аризаларнинг сони ва зарар миқдори;
- жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал қилиши учун хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган материаллар сони тўгрисидаги маълумотларни олиш мумкин.

Прокурор текширувига жалб қилинган маҳсус ваколатли давлат назорати органлари ва экология соҳасидаги мутахассислар томонидан қўйидаги саволларга аниқлик киритилиши керак:

- ташкилотлар (корхоналар) томонидан сув ҳавзаларига ташланадиган барча ифлослантирувчи моддалар назорат қилинадими ва ушбу моддаларнинг барчаси учун уларнинг рухсат этилган максимал концентрацияси учун стандартлар мавжуудми?
- сув ҳавзаларида қандай ифлослантирувчи моддалар мавжуудлиги, уларнинг сув ҳавзаларида концентрацияси меъёрдан ошган бўлса, ушбу зарарли моддалар одамларда касалликка, сув ҳайвонларининг ўлимига олиб келиши, атроф-муҳит обьектларига зарар етказилганлиги қайд этилганни, шунингдек, қандай касалликлар қайд этилган?
- сув ҳавзасига оқава сувларнинг оқизилиши натижасида инсон саломатлиги ва ҳайвонот дунёсига, шу жумладан балиқ ресурслари, ўсимлик дунёси, ўрмонлар ҳамда қишлоқ ҳужжатлари маҳсулотларига зарар етказилганлиги қайд этилганни, шунингдек, қандай санитария нормалари худудларда кузатилганни?
- сув ҳавзасига ташланадиган ифлослантирувчи моддалар таъсирнида одамларда касалликлар, заҳарланиш ва бошқа салбий ҳодисалар илгари ер усти сув ҳавзасининг сув олиш зонасидаги худудларда кузатилганни?
- оқава сувларни давлат назорати органлари томонидан рухсат этилган чегараларда до-

имий, узоқ муддат оқизиши инсон саломатлиги учун қандай хавф тугдириши мумкин?

- балиқларнинг оммавий нобуд бўлиши аввалроқ қайд этилганни, қаерда ва қандай сабабларга кўра, ушбу худудда сувдан фойдаланишнинг ўзиға хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда балиқлар нобуд бўлишининг бошқа сабаблари ҳам бўлиши мумкинми?

- қишлоқ ҳўжалиги ерларида оқава сувлар оқизиладиган ер усти сув ҳавзасидан сувориладиган ерларда етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини истеъмол қилишининг одамлар учун хавф даражаси қандай?

Прокурор ҳукуқбузарлик таркиби ва ҳукуқбузарни аниқлаш учун:

- корхоналардаги асбоб-ускуналар ва технологияларнинг, шунингдек тозалаши иншиотларининг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда қандай технологик жараёнлар сув обьектининг ифлосланишига олиб келиши ва муайян ҳолатда қайси корхоналар ифлосланишига сабаб бўлиши мумкинлиги;

- барча корхоналарда тозалаши иншиотлари мавжуудлиги ва уларнинг қайси бири тозалаш даражаси бўйича Ер усти сувларини муҳофаза қилиши қоидалари талабларига жавоб бермаслиги;

- сув ҳавзасидан сув олиш ва оқава сувларни оқизишида барча корхоналар назорат-ўлчаш асбоблари, шунингдек, сув олишида балиқларни ҳимоя қилиши воситалари билан жиҳозланганлиги;

- ишлаб чиқаришида сувнинг ифлосланишига олиб келиши мумкин бўлган технологик нормалар ва қоидаларнинг бузилишига қайси корхоналар томонидан ўйл кўйилаётганлиги;

- сувдан фойдаланувчилар томонидан сув ҳавзаларига оқава сувларни оқизиши чегарасидан, шунингдек улардаги ифлослантирувчи моддалар миқдоридан ошиб кетишига ўйл кўйилмадими, сувдан фойдаланувчилар томонидан уларни камайтиши бўйича қандай чоралар кўрилаётганлиги;

- муайян сув ҳавзасининг ифлосланишига олиб келиши мумкин бўлган баҳтсиз ҳодисалар ва фавқулодда вазиятлар қанчалик тез-тез ва қайси корхоналарда содир бўлаётганлиги;

- корхоналар фавқулодда вазиятлар тўгрисида давлат назорати органларини мунтазам равишда хабардор қилиши-қилмаслиги;

- сувдан фойдаланувчи корхоналарнинг ўз авария хизматлари ва фавқулодда вазиятларда ҳаракат режалари ёки профессионал авария хизматлари билан тузилган шартномалари мавжуудлиги;

- сув обьектини муҳофаза қилиши, шу жумладан оқава сувларни тозалаш, зарарсизлантириши ва бу бўйича тадбирларни амалга оширишида сувдан фойдаланувчилар ўртасида қандай санитария норма ва қоидалари бузилганлиги;

- қайси корхоналар ва қандай ҳажмларда ёмғир оқава сувларини сув ҳавзасига оқизади, барча корхоналар ёмғир сувини тозалаш ва ёмғир канализациясини таъминлаши имкониятiga эгалиги;
- барча корхоналарнинг сув обьектидан фойдаланишига берииш тұғрисидаги қарорлари ёки сувдан фойдаланиши шартномалари мавжудлиги;
- қарор шартларини қайси корхоналар бағармаётгәнлиги;
- барча корхоналар сувдан фойдаланғанлык учун тұловни үз вактида тұлаптими, агар тұланмаган бўлса, аввалги даврда сувдан фойдаланғанлык учун тұлов амалга оширилмаган тақдирда сув обьектини сувдан фойдаланишига берииш тұғрисида қарор чиқарилғанлиги;
- қарор чиқаришда ҳудудий органлар билан келишилган сувни муҳофаза қилиш табдирлари қайси корхоналар томонидан амалга оширилмаётгәнлиги ва унинг сабаблари;
- экологик ҳавфли корхоналар зарар етказғанлык учун жавобгарлик ҳавфини мажбурий сугурта қилишини амалга ошириши ҳақидаги саволларга аниқ жавоб олиши керак.

Шунингдек, сугориш тизимлари томонидан сув ҳавзасига етказилған заарни аниқлашда тизимлар сув таъминоти ва дренаж сувларини чиқарыш учун назорат-үлчаш ускуналари билан жиҳозланғанлиги, сув ҳавзасига қанча миқдорда тозаланмаган ва зарарсизлантирилмаган дренаж сувлари тұқилғанлиги ва нима сабабдан оқизилғанлиги, ифлосланишни локализация қилиш ёки сув ҳавзасига оқизувчи дренаж сувларидаги ифлослантирувчи моддалар мікдорини камайтириш учун қандай чоралар күрілғанлигини аниқлаш чоралари күриши лозим.

Сув ҳавзаси транспорт воситалари билан ифлосланған тақдирда сув ҳавзасига қандай зарар етказилғанлиги, охирги текшириув қаңон үтказилған ва сақлаш бўйича экологик талаблар қандай ҳисобга олинганини аниқлаш лозим бўлади.

Ичимлик суви таъминоти манбаи бўлган ероғи сув обьектларининг ифлосланиши тұғрисида сигнал олгандан сўнг:

- ифлосланишга олиб келиши мумкин бўлган сабабларни;
- қудукларни, санитария муҳофазаси зонасида жойлашган экологик ҳавфли обьектлар ва полигонлар, пестицидлар ва бошқа зарарли моддалар омборлари рўйхатини;
- ушбу корхоналарда баҳтсиз ҳодисалар содири бўлғанлиги ва қанчалик тез-тез содир бўлиши;
- Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва ероғи сувни мухофаза қилиши хизматлари томонидан қандай чоралар күрілғанлигини аниқлаши керак.

Юридик адабиётларда қонунчиликни мустаҳкамлашга, тартиббузарликнинг олдини олишга ҳеч қандай ёрдам бермайдыган текширишлар үтказиш ҳам одат тусига кирғанлиги танқид қилиниб, бундай текширишлар назорат органлари билан бир қаторда прокуратура ходимларининг ҳам вақти бесамар ўтишига сабаб бўлишини аниқ мисоллар билан асослаб берилган.

Сув обьектларини муҳофаза қилиш тұғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши тұғрисидаги хабарларни прокурорлар оммавий ахборот воситаларидан ҳам олишлари мумкин. Оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрлари, хабарлар ва эшилтиришларни ўрганаётганды прокурор сув тұғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини ўзида ифода этувчи содир этилган ёки тайёргарлик кўрилаётган ҳуқуқбузарликлар, сувдан фойдаланиш билан шуғулланувчи корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари билан алоқаларда мансабдор шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланған ваколатларни лозим даражада бажармаганлиги тұғрисидаги маълумотларни олиши мумкин.

Ахборот манбалари нафақат прокуратура, балки бошқа давлат органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тұғрисида”ги қонуни талабларидан келиб чиқиб, фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатларини қабул қилиш ҳамда ўрганиш жараёнида ҳам аниқланади.

Прокурор сув ва сувдан фойдаланиш тұғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилишда жамоатчиликнинг, айниқса жамоат ташкилотларининг имкониятлари ва салоҳиятидан фойдаланиши зарур. Сувдан фойдаланиш тұғрисидаги қонунлар ижросини текширишнинг аҳамияти ва заруратидан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, амалдаги “Прокуратура тұғрисида”ги қонунни 21-моддасининг биринчи қисмени кўйидаги таҳрирда баён этиш таклиф қилинади:

“Қонунлар ижросини текшириш қонунларнинг бузилаётгандығы тұғрисидаги аризалар, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлардаги хабарлар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолатда эканлигидан келиб чиқкан ҳолда қонунда белгиланған тартибида үтказилади.”

Шавкатжон РАХИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рахимов Ф.Х. Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тұғрисида”ги қонуннинг бажарилишини таъминлашда прокурор назорати // Қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назорати (илмий-амалий тўплам). -Тошкент, “Ўқитувчи”. 2000. - 13 бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тұғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/3336169>.



Абдурасул АБДУШЕРОЗОВ,
Тошкент давлат юридик университети магистри

АННОТАЦИЯ:

мақолада товар белгиси ва фирма номи билан боғлиқ низоларнинг турлари, фирма номларини рўйхатдан ўтказиш ва товар белгисига муҳофаза гувоҳномасини олишда вужудга келадиган айрим низо турларининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилиниб, қонунчиликдаги бўшлиқлар ҳамда низоларнинг ҳал этиш жараёнлари баён этилган. Индивидуаллаштириш воситаларини рўйхатдан ўтказиш босқичида пайдо бўладиган низоларнинг олдини олиш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган нормаларни амалда қўллаш механизmlарини ишлаб чиқиши ҳамда ушибу низолар юзасидан бериладиган шикоятларни кўриб чиқишнинг холислиги ва шаффоғлигини таъминлаш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: товар белгиси, фирма номи, таниқли фирма номи, индивидуаллаштириш воситалари, низоларни ҳал этиш, рўйхатдан ўтказиш, Интеллектуал мулк агентлиги, Адлия вазирлиги.

АННОТАЦИЯ:

в статье анализируются виды споров по товарным знакам и фирменным наименованиям, специфика отдельных видов споров, возникающих при регистрации фирменных наименований и получении свидетельства об охране товарных знаков, описываются пробелы в законодательстве и процессы разрешения споров. В целях предотвращение возникновения споров на этапе регистрации средств индивидуализации вносятся предложения по разработке механизмов реализации установленных законодательством норм и обеспечению беспристрастности и прозрачности рассмотрения жалоб по данным спорам.

Ключевые слова: товарный знак, фирменное наименование, известное фирменное наименование, средства индивидуализации, разрешение споров, регистрация, Агентство по интеллектуальной собственности, Министерство юстиции.

ЯНГИ БОСҚИЧ

ТОВАР БЕЛГИСИ ВА ФИРМА НОМИ БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Юртимиизда эркин бизнес муҳитини яна-да кучайтириши, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланмоқда. Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш истагини билдираётган шахслар кўлами ошишига ҳам ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Ўзбекистон бўйича 2021 йилда жами 102 804 (2020 йилда 95 311) янги корхона ва ташкилотлар ташкил этилган.¹

Фаолият кўрсатаётган корхоналар статистикасига эътибор қаратсан, 2001 йилда 118 749 та фирмалар фаолият олиб борган бўлса, 2022 йилга келиб, улар сони 528 929 тани ташкил этилган.²

Ҳар бир бизнес эгаси фирма номи билан бирга товар (хизмат кўрсатиш) белгисига ҳам эга бўлишни хоҳлади. Албатта, бизнесни са-марали юритишида, истеъмолчиларни жалб этишида айниқса, товар белгисининг ўз ўрни бор.

Индивидуаллаштириш воситалари, шу жумладан товар белгилари нафақат адолатли рақобатни таъминлашда, балки истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишда ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки, истеъмолчи ўзи билган ва синовдан ўтказган маҳсулотни (хизматни) олишни истайди. Бунда эса товар белгилари асосий фарқловчи вазифасини ба-жаради. Шу сабабли, товар белгилари тадбиркорлик фаолиятида энг кўп қўлланиладиган интеллектуал мулк обьекти ҳисобланади.

Манбаларга кўра, илк товар белгилари – савдо маркалари қадимги Миср давридаёқ мавжуд бўлган. Европада биринчи товар белгиси швейцариялик шоколад ишлаб чиқарувчи "Russ Suchard et Cie"га тегишли бўлиб, 1893 йилда амалга оширилган. Товар белгисининг биринчи марта ҳалқаро қайд этилиши ҳам швейцариялик соат фирмаси "Лонгинес" томонидан амалга оширилган. XIX аср охиirlарига бориб бир қанча давлатлар товар белгисини ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича қатор қонунларни қабул қила бошлади. Хусусан, 1857 йилда Францияда, 1874 йилда Пруссияда (кейинчалик 1896 йилда у Германия қонуни сифатида ўзгарилилган), 1894 йилда Буюк Британияда, 1870 йилда АҚШда товар белгилари тўғрисида қонунлар қабул қилинган.³

Тадбиркорлик ривожланиб бораётган даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

субъектларининг интеллектуал мулк обьектларига, хусусан фирма номи, товар белгисига нисбатан ҳуқуқлари муҳофазасини таъминлаш ҳар қандай ривожланган давлат учун янада муҳим вазифа ҳисобланади. Интеллектуал мулк обьектларининг самарали механизмлар орқали ҳимояланганлиги ушбу мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини оширади ҳамда унинг йирик инвесторлар олдида имижини мустаҳкамлайди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади ҳамда ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат товар белгиси гувоҳномаси ҳисобланади.

Париж конвенцияси (8-моддаси)га кўра фирма номи Конвенцияга аъзо барча мамлакатларда мажбурий талабнома ёки рўйхатдан ўтказилмасдан ва унинг товар белгисининг бир қисми эканлигидан қатъи назар, ҳимоя қилинишини белгилайди.⁴

Товар белгиси ва фирма номига оид низоларни иккита катта гурухга ажратиш мумкин.

Биринчи гурухга, фуқаролик муомаласи иштирокчиси ва давлат маъмурий органи ўртасида келиб чиқадиган маъмурий ва фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар бўйича низоларни киритиш мумкин:

- товар белгиси ва товар келиб чиқсан жой номини рўйхатдан ўтказишга талабномани кўриб чиқиш учун қабул қилишини рад этиш;
- товар белгиси ва товар келиб чиқсан жой номини рўйхатдан ўтказишни рад этиш билан боғлиқ;
- товар белгисидан фойдаланилмаганилиги сабабли унинг ҳуқуқий муҳофазасини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида келиб чиқадиган низолар амалиётда кўп учраб туради. Бундай низолар аксарият ҳолларда тадбиркорлик субъектлари томонидан ўзининг анча танилиб қолган товар белгисини рўйхатдан ўтказмоқчи бўлган вақтда келиб чиқади.

фирма номини рўйхатдан ўтказишни рад этиш;

- фирма номи ва товар белгисидан ноқонуний фойдаланганлиги учун жавобгарликка торттиши тўғрисида қарорлар билан боғлиқ низолар;

- монополияга қарши кураш органининг фирма номига мутлақ ҳуқуқни кўлга киритиши (фирмаларни кўшиб юбориш ва бошқалар) билан боғлиқ ҳаракатларни адолатсиз рақобат деб топиш тўғрисидаги қарорлари билан боғлиқ низолар;

- интеллектуал мулк бўйича масъуль идоранинг товар белгисини ҳуқуқий ҳимоя қилишини таъминлаш ёки тугатиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлари, қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар.

Иккинчи гурухга, фуқаролик муомаласи иштирокчилари ўртасида фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан, хусусан шартномавий ҳамда шартномадан ташқари вужудга келадиган муносабатларда келиб чиқадиган низоларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Булар жумласига:

- фирма номи ва товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқларни бузганлик тўғрисидаги низолар;

- товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқни ўтказиш (товар белгисини бегоналашириши) тўғрисидаги шартномаларни ва фирма номи ҳамда товар белгисидан фойдаланиши лицензия шартномаларини тузиши, ижро этиши, ўзгартириши ва бекор қилиши билан боғлиқ низолар киради.

Ҳар қандай белги товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилавермайди. Қонун ҳужжатларига кўра, товар белгиси муҳофазага лаёқатли бўлган тақдирдагина рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Товар белгисидан фойдаланилмаганилиги сабабли унинг ҳуқуқий муҳофазасини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида келиб чиқадиган низолар амалиётда кўп учраб туради. Бундай низолар аксарият ҳолларда тадбиркорлик субъектлари томонидан ўзининг анча танилиб қолган товар белгисини рўйхатдан ўтказмоқчи бўлган вақтда келиб чиқади.

“Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддаси 3,4-қисмларига кўра, товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши товар белгиси амал қилган охирги уч йил мобайнода ундан узлуксиз равишда фойдаланилмаганда, манфаатдор шахснинг аризасига биноан қабул қилинган суд қарори асосида муддатидан олдин тўлиқ ёки қисман тугатилиши мумкин.

*Агар қалича низо
бўлса одамда,
Мўжолур осоиш,
тартиб оламда.
Доз ҳумда тиниш сут
бўлса, барини —
Анитар иш тончи
спрка бир ғана.*

БЕДИЛ.



**Ушбу тоифадаги низоларни ҳал этишда
қўйидаги жиҳатларга эътибор қаратиласди:**

1. Баҳсли товар белгисидан фойдаланашида даъвогарнинг ҳақиқий ва асосли манфаатдорлиги мавжудлиги.
2. Жавобгар рўйхатга олинган товар белгисидан 3 йил давомида узлуксиз фойдаланмаётганлиги, шунингдек бундай фойдаланмаслик учун узрли сабабларнинг мавжуд ёки йўқлиги⁵.

Амалиётда товар белгилари билан бир қаторда фирма номлари ва улар билан боғлиқ чалкашликларга ҳам кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Қонун ҳужжатларида таниқли фирмадан номларини бошқа шахслар томонидан рўйхатдан ўтказиш имконияти истисно қилинган.

“Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, товар белгисига талабнома олинган санадан олдин ушбу номларга бўлган ҳукуқни кўлга киритган бошқа шахсларга тегишли бўлган таниқли фирмадан номларини тақорровчи белгилар билан бир хил товарлар белгилари товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилмайди.

Ушбу қоида маълум даражада фирмадан ҳукуқни тозиши мумкин эди. Аммо қонун чиқарувчи таниқли фирмадан номларини кўриб чиқишини ва рўйхатини тасдиқлаш механизми аниқланмаган, бу кўрсатилган нормани амалда кўллаш имкониятидан маҳрум қиласди⁶.

Товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ низолар дастлаб Адлия вазирлигининг Апелляция кенгаши томонидан кўриб чиқиласди. Кенгаш товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номларига нисбатан қабул қилинган қарорлар юзасидан апелляцияларни кўриб чиқади⁷.

Президентимизнинг 2019 йил 8 февралдаги ПҚ-4168-сон қарорида апелляцияларни кўриб чиқишнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, қарор қабул қилишда тор идоравий манфаатлар устунлигининг олдини олишни назарда тутувчи Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгаши тўғрисидаги низомнинг янгилangan лойиҳасини киритиш белгиланди.

Президентимизнинг 2019 йил 1 июлдаги ПҚ-4380-сон қарорида Адлия вазирлиги ҳузурида Ўзбекистон Республикаси адлия вазири раис ҳисобланадиган интеллектуал мулк обьектарининг ҳукуқий муҳофазаси билан боғлиқ бўлган апелляцияларни судгача кўриб чиқувчи Апелляция кенгаши ташкил этилиши, мазкур кенгаш таркибига интеллектуал мулк соҳасидаги мустақил олимлар ва мутахассислар кириши ҳамда Апелляция кенгашининг таркибида Адлия



вазирлиги ва Агентлик ходимлари сони Апелляция кенгashi аъзолари умумий сонининг ўттиз фоизидан ошмаслиги лозимлиги қатъий белгиланди⁸.

Умуман олганда индивидуаллаштириш воситаларида доир, фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг ҳусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар билан боғлиқ низолар бундай воситаларга бўлган ҳукуқига эгаликнинг ҳар қандай босқичида вужудга келиши мумкин. Бундай низолар индивидуаллаштириш воситаларини рўйхатдан ўтказиш босқичидан бошлаб пайдо бўлиши мумкин. Ушбу тоифадаги низоларни ўз вақтида, адолатли ва тўғри ҳал этиш тадбиркорлик субъектларининг келгуси фаолиятига замин яратади. Бунинг учун юқорида таъкидлаб ўтилган қонун ҳужжатларидағи тегишли бўшлиқларни тўлдириш, айрим нормаларни амалда кўллаш механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда апелляция шикоятларини кўриб чиқишнинг ҳолислиги ва шаффофлигини таъминлаш мухим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Интеллектуал мулк ҳукуки қонунчилигини такомиллаштириш: назария ва амалиёт муаммолари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Юристлар малакасини ошириш маркази. 178 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарҳ: Илмий шарҳлар. Т 3./Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Baktria press, 2013. 800 б.
3. <https://wipolex.wipo.int/ru/text/288517>.
4. Буклова Алёна Вячеславовна (2022). Особенности рассмотрения судом по интеллектуальным правам дел о досрочном прекращении правовой охраны товарного знака вследствие его неиспользования. Вопросы Российской юстиции, (17), 629-635.
5. Muhammad, Nasiruddeen, and Mokhinur Bakhramova. “The role and importance of odr in modern business society.” ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal 11.4 (2021): 1296-1304. <https://indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=11&issue=4&article=220>.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Фирма номлари тўғрисида”ги қонунининг 4-моддаси.
7. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 октябрдаги 856-сон қарори билан тасдикланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгаши тўғрисидаги” Низомнинг 5-банди.
8. Моҳинур Бахрамова. “Роль государственного суда в вопросах юрисдикции арбитража.” Review of law sciences 1.Спецвыпуск (2020). <https://cyberleninka.ru/article/n/rol-gosudarstvennogo-suda-v-voprosah-yurisdiktsii-arbitrazha>.



**Гулинур
МУРОДУЛЛАЕВА,**
Судьялар олий
мактаби таянч
докторанты

ODILLIK
MEZONI

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИ

АННОТАЦИЯ:

мазкур мақолада манфаатлар түқнашуви тушунчаси, давлат бошқарув тизимида коррупция ва манфаатлар түқнашувининг юзага келиш сабаблари ва шартлари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: коррупция, манфаатлар түқнашуви, шахсий манфаатдорлик.

Жамият манфаатларига хизмат қилиш ҳукумат ва давлат ташкилотларининг асосий вазифасидир. Фуқаролар давлат орғанлари мансабдор шахсларидан ўз хизмат вазифаларини ҳалол, адолатли ва холис бажарилишини кутишади. Ўз навбатида, жамият ҳам ҳукуматдан шахсий манфаатлари, ишибилармонлик ва бошқа алоқаларига муносаб шарт-шароит яратиб беришни кутади.

Давлат секторининг тез ўзгарувчан шароитида манфаатлар түқнашуви мавзуси ва уни ҳал этиш йўллари доимо долзарб бўлиб қолади. Ҳам давлат, ҳам хусусий сектор манфаатларининг түқнашуви дунёning кўплаб мамлакатларида жамоатчиликни ташвишга солмоқда.

Англо-саксон моделида манфаатлар түқнашуви деганда давлат хизматчисининг ёки сиёсий раҳбарнинг ўзи ёки “яқин 16 шахс” фойдасига қарор қабул қилиш имконияти бўлган ҳолат тушунилади. Ушбу модель қонунларда мустаҳкамланган ва вазиятлар кесимида ўзини тутиш қоидалари, хулқ-атвор стандартлари билан тавсифланган. Бу тизимда манфаатлар түқнашувининг олдини олишда асосий

эътибор ходимларнинг ҳаракатларини тартибга солиш, уларни ўқитиш ва маслаҳат беришга қаратилади¹.

Хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар түқнашувининг пайдо бўлиши бир қатор сабабларга боғлиқ бўлиши мумкин. Аввало, ушбу сабабларнинг барчаси мансабдор шахс томонидан давлат хизматидан ўтиш тартиби ва қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ. Бунга қонунчилик доирасидан четга чиқиши, ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик, хизмат хатти-ҳаракатларини, тақиқларни бузиш, қонунлар ва жамият манфаатларига риоя қилмаслик киради.

Шу билан бирга, манфаатлар түқнашуви юзага келиши учун бир қатор шартларни ҳам эслатиб ўтиш жоиз. Мисол тариқасида, ваколатларнинг ноаниклиги, давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланмаганлиги, давлат хизматидаги ваколатларнинг тақрорланиши, давлат идоралари фаолияти тўғрисида маълумотларнинг етишмаслиги ва ёпиқлиги, мотивация даражаси етарли эмаслиги, масалан, иш ҳақининг пастлиги, хизмат вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун реал жавобгарликнинг ўрнатилмаганлиги, давлат хизматчиларининг хизмат вазифаларини ижро этиш босқичида назоратнинг етарли даражада эмаслиги, хизмат одоб-ахлоқ ва ташкилот интизомига риоя қилмаслиги ва бошқа бир қанча сабабларни кўрсатишимиш мумкин.

Дарҳақиқат, давлат хизматчилари томонидан ушбу ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шартлари, уларнинг олдини олиш ва тегишли ҳуқуқий чораларни қўллаш билан боғлиқ ҳуқуқий муаммолар мажмуаси “манфаатлар түқнашуви” тушунчаси билан қамраб олинган.

Шунингдек, манфаатлар түқнашувининг келиб чиқишига фуқаролар ва давлат хизматчиларининг ахлоқий қарашлари, маънавий-руҳий муносабати ҳам сабаб бўлади. Ахлоқий қараш ва қадриятлар уларнинг сиёсий маданияти-



ни шакллантиришда муҳим асос ҳисобланади. Мазкур хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида У.Таджихонов ва А.Сайдовлар шундай фикр билдиради: "Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданияти ва ахлоқи ўртасидаги боғла-нишга эътибор бериш лозим. Шу муносабат билан, мансабдор шахсларда касбий ва сиёсий хислатлар билан бир қаторда ахлоқий фазилатларни ҳам шакллантириш мақсадга мувофиқдир"².

Манфаатлар тўқнашуви давлат хизматчи-сининг ўз шахсий манфаатларига эга бўлганда ҳамда ўз хизмат вазифаларини бажаришнинг холислиги ва объективлигига таъсир кўрсатиши учун етарли бўлса, уларни нотўғри сабабларга кўра, ноўрин асосда, кўпинча қонун талабларини бузган ҳолда амалга оширгандა пайдо бўлади, натижада давлат, жамият, ташкилотлар ва фуқароларга зарар етказиш шаклида салбий оқибатларнинг келиб чиқиши учун объектив дастлабки шартларни яратади.

Кўриб турганингиздек, манфаатлар тўқнашувининг сабаби давлат хизматчisinинг шахсий манфаатидир. Бу тўғридан-тўғри манфаатлар тўқнашувига таъсир қиласи. Шахсий манфаат – бу давлат хизматчилари учун нафақат ўзига, балки унинг оила аъзоларига, қариндошларига ва дўстларига ҳам тақдим этиладиган пул, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулк шаклида кўшимча даромад олиш имкониятидир. Шахсий манфаат нафақат тўғридан-тўғри, балки билвосита ҳам бўлиши мумкин.

Айрим гарб мутахассислари манфаатлар тўқнашуви юзага келишини бартараф этишда амал қилиш лозим бўлган чекловлар ўрнатилишини, масалан, ҳуқуқ тизимида ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва тергов қилиш жараёнида ҳуқуқшунослар ва ҳуқуқбузарлар ўртасида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлиб, бу борада давлат хизматчиси ўзининг муносиб хулқ-атвори билан ўрнатилган чеклов ва тақиқларга амал қилиб, шахсий манфаатдорликдан воз кечиши кераклигини айтиб ўтадилар³.

Манфаатлар тўқнашувининг барча ҳолатларида ҳокимият ваколатлари давлат хизматчилари томонидан шахсий мақсадларида фойдаланилади. Манфаатлар тўқнашувининг асосий натижаси – хизмат вазифаларини бажариш сифатининг пасайиши, жамоат манфаатларига эътибор бермаслик, давлат ва жамият манфаатларига зарар етказишdir. Шунинг учун давлат хизматидаги манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ёки уларни ҳал қилиш коррупцияга қарши курашишнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Давлат хизматидаги манфаатлар тўқнашувига бир томонлама жараён сифатида қаралиши-



нинг ўзи нотўғридир. Бунда асосан икки қарама-қарши томон иштирок этади. Маълумки, бу мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг моҳияти омиллар мажмусаси, сабаблар, шартлар, вазиятлар билан белгиланади.

Манфаат муаммосига нисбатан учинчи нуқтаи назар ҳам мавжуд: манфаатнинг объектив моҳиятини инкор қилмасдан, унинг тарафдорлари манфаатнинг субъектив моментини топишга ҳаракат килишади. А.Г. Зздравомисловнинг фикрига кўра, манфаатнинг субъектив томони "ҳар қандай фаолият, ҳар қандай ҳаракат ушбу субъектнинг у ёки бу манфаати билан белгиланади" тарзида ифодаланади⁴.

Бизнинг фикримизча, объектив ва субъектив омилларнинг бирикмаси манфаат моҳиятини тўлиқ акс эттиради.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкин-ки, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшиимчалар киритиш жумладан, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунда давлат органларининг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш талаблари бузилишига йўл қўйган ходимлари ва уларнинг раҳбарларига қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарлик (интизомий, маъмурий ёки жиноий) чоралари белгиланиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Цыбикова А. А., Формирование механизма управления конфликтами интересов на государственной гражданской службе. Диссертация, Москва-2011. С. 83-85.
- Хайтов Х.С., Коррупциянинг олдини олиш – давлатнинг муҳим вазифаси. –Т.: 2019. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. 11-сон. Б. 22.
- Valerie H. Bonham, Conflict of Interest and Financial Disclosure // Legal Issues in Clinical Research Principles and Practice of Clinical Research (Fourth Edition), 2018.
- Чуплюкин Л. Д. Природа и значение цели в советском праве. Казань, 1984. С. 18; Зздравомислов А. Г. Проблема интереса в современной социологической теории. Л., 1964. С. 7.



**Раиса
БЕКМУРАТОВА,**
Судьялар олий
мактаби
тингловчуси

ОДИЛ СУДЛОВГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР: ТУРЛАРИ ВА ТАСНИФЛАНИШИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада одил судловга қарши жиноятлар ва уларнинг турлари ҳақида фикр юритилади. Муаллиф тадқиқот жараёнида миллий қонунчилигимизда одил судловни таъминлашга қаратилган қонунлар ҳамда уларда ифодасини топган меъёрлар ва айнан одил судлов томонидан чекиниши ҳолатларига кимлар томонидан ўйлайтида қонун устуворлигини таъминлаш ўйлида одил судловга қарши жиноятларнинг жиодий тўсик эканлиги ҳақида мулоҳаза юритган.

Калит сўзлар: қонунчилик, одил судлов, тергов органи, нохолислик, тарихий илдиз, конституция, жиноят қонунчилиги.

Инсоният пайдо бўлғандан бўён ҳақ сўзга интилиб яшайди. Ўзи ва атрофида гапларнинг бирорлар зулмига учрамаслиги учун ҳаракат қиласди. Ибтидоий жамоа тузумидан шу кунгача кишилик жамиятининг барча кўринишларида қонунларни яратиш, мукаммаллаштириш, ижод қилиши ҳаракатлари бир зум бўлсада тўхтагани ўйқ. Буларнинг барчаси адолат, ҳақиқат тушунчаларининг инсоният қадар қадимиий эканлигидан далолатдир.

Мамлакатимизда инсон ҳақ-хукуқларини таъминлаш, ҳар бир кишининг дахлизлик хукукини мустаҳкамлаш ҳамда одил судловни амалга оширишнинг хукуқий асослари Конституциямиз ва қонунларимизда ўз аксини топган. Хусусан Конституциямизнинг 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинishi принципига асосланиши таъкидланган бўлса, 25-моддасида шахснинг эркинлик ва шахсий дахлизлик хукуқига эга эканлиги ва ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги баён қилинган. Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг

12-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мувофиқ одил судловни фақат суд амалга ошириши белгиланган.

Одил судлов тизимини мустаҳкамлашга бежизга алоҳида аҳамият қаратилмайди. Сабаби, инсоннинг хукуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлидаги асосий восита суд тизими саналади. Шу боис дунёнинг ривожланган давлатларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам одил судловнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётган бўлса-да ўз навбатида тизим олдида қатор муаммолар ҳам ўйқ эмас.

Тарихдан маълумки ислом фалсафаси асосида ривожланган шарқ тамаддунида инсон хукуқларига алоҳида эътибор қаратиб келинган. Бу нарсани миллатимиз давлатчилиги тарихи мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Танганинг икки томони бўлгани каби қанчалик адолатга интилмайлик уни ўйқа чиқарадиган тўсикларга ҳам шу қадар кўп дуч келамиз. Қонунларимизда ҳам одил судловнинг аҳамиятига қай даражада эътибор берилган бўлса унга қарши жиноятлар ва қарши кураш усулларига ҳам шу қадар эътибор қаратилган. Бир сўз билан айтганда одил судловга қарши жиноятни жамият ҳаётига тажовузга қиёслаш мумкин.

Хусусан, Жиноят кодексининг XVI боби, яъни 230- 241¹ моддалари тўлиғича одил судловга қарши жиноятлар учун жавобгарлик масалаларига бағишлиланган. Кўйида одил судловга қарши жиноятлар ва улар билан боғлиқ ҳолатларнинг кимлар томонидан ва нима мақсадда содир этилиши ва турларига тўхталиб ўтамиш.

Демак, жиноятни очиш ва тегишли тартибда жиноят процесси иштирокчиларининг жазога тортилиши одил судловнинг асосий вазифасидир. ЖКнинг одил судловга қарши жиноятлар бобидан англашилади-ки, бундай турдаги қонунбузарликлар бир неча хил кўринишларда рўй бериши мумкин экан. Энг ёмони жиноятларнинг аксарияти уни фош қилиб, қонунчиликни мустаҳкамлаши керак бўлган масъул шахслар томонидан содир этилишидир. Шунга кўра одил судловга қарши жиноятларнинг пайдо бўлиш субъектларини икки турга бўлиш мумкин:

*Ўзинига наштарни
кўрмасанги рабо,
Бошқаларга наиза
кўтарма асло.
Хусрав ДЕҲЛАВИЙ.*

* * *

*Адл маликакатга
бўлафкан меъмор,
Бошқа жеч бир нарса
эласдиғ даражор.
Абдураҳмон ЖОМИЙ.*

— жиноятни содир этганлар оддий кишилар, яъни гувоҳлар, воқеа шоҳидлари, бевосита жиноят жараёни иштирокчилари;

— сурештирувчи, терговчи, тергов ишларига бевосита масъул бўлган шахслар.

Жиноят кодексининг юқорида келтирилган бир неча моддаларида назарда тутилган жиноятлар биринчи тоифадаги, яъни оддий кишилар томонидан содир этилиши мумкин. Хукуқбузар суднинг қарорини бажармаслиги (232-модда), суд томонидан таъкик қўйилган кўчмас мулк, автомашина ёки бирон-бир маҳсулотдан ноқонуний фойдаланиши (233-модда), баъзи сабабларга кўра олиб борилаётган тергов-сурештирув жараёнларига ёки суд ишларининг боришига таъсири ўтказиши ҳаракат қилиши (236-модда) ёхуд тергов ёки суд жараёнида турли (моддий мафаатдорлик, қариндошлиқ, қўрқув ва қонунни яхши билмаслик) сабабларга кўра ёлғон хабар ёки гувоҳлик бериши мумкин (237-238-моддалар). Бундан ташқари, шахс ўзи хабардор бўлган жиноят тафсилотларини атайин яшириши мумкин (241-модда). Юқорида санаб ўтилган одил судловга қарши барча жиноятларнинг содир этилишида жиноят содир этаётган шахснинг хукуқий саводсизлигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Аммо, Жиноят процессуал кодекси XVI бобининг айрим моддаларида назарда тутилган жиноятлар хукуқий оқибатларининг оғирлиги ва жиноятни содир этган субъектларининг айрим хусусиятлари билан юқорида санаб ўтилганлардан фарқланади. Бу моддалар ҳам ЖКнинг одил судловга қарши жиноятлар бобидан ўрин олган. 230-модда айбсиз кишини жавобгарликка тортиш, 230¹-модда далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш), 230²-модда тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш, 231-модда адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш, 234-модда қонунга хилоф равиша ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш, 235-модда қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайринсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларни кўллаш, 239-модда сурештирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш, 240-модда жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши ва 241¹-модда жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш жиноятлари ва улар учун жавобгарлик белгиланган. Санаб ўтилган моддаларда назарда тутилган жиноятлар шуниси билан хатарлики, уларнинг барчасида жиноятни содир қилувчilar уни фош қилиши ва қонунчилик асосида чора кўришдан маанфатдор шахслар томонидан содир этилишидир.

Конституциямизнинг 26-моддасида “Жиноят содир этганлиқда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аникландмагунча у айбордor ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазиёққа дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас”лиги таъкидланган бўлиб бу мамлакатимиз худудида шахс ҳуққува эркинликларининг кафолатидир. Аммо одил судловга қарши қаратилган жи-

ноятлар Конституцияда назарда тутилган умуминсоний тамойилларга соя солади. Келинг ЖКнинг 230¹ моддаси, яъни далилларни сохталаштириш жиноятига қисқача тўхталиб ўттайлик. Шуни ёдда тутиш керак-ки, далилларни қалбакилаштиришда сурештирувчи, терговчи жиноят жавобгарликдан қочиб, деярли ҳар қандай жиноят ишини “йўқ қилиши” мумкин. Бунинг учун айбловнинг асосини ташкил этувчи далил манбаларини кўпол равиша сохталаштириш кифоя қиласди. Далилларни қалбакилаштиришдан кўзланган яна бир мақсад бу — жиноят содир этишда била туриб иштирок этмаган шахсни жиноят жавобгарликка тортишдир. Натижада, далилларни сохталаштириш терговга қадар текширув, сурештирув дастлабки тергов органлари ва суднинг нормал фаолиятига халақит беради, шахсни ноконуний жавобгарликка тортиш учун шароит яратади, бу эса жамият ҳаётига, одил судловга тажовуз демак. Сир эмас яқин-яқингача Ўзбекистон айнан юқорида санаб ўтилган ҳолатларнинг тез-тез содир бўлиши нуқтаи назаридан жаҳон ҳамжамиятининг танқиди нишонига айланиб келаётган эди. Ички ишлар, прокуратура ва судлов тизимида йиллар давомида илдиз отган ва мамлакат қонунчилигида одил судловга қарши жиноятлар сифатида эътироф этиладиган ҳолатларнинг олдини олиш учун ўтказилган ислоҳотлар самараси натижасида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари соҳасида дунё рейтингида бир неча погонага юқорилади.

Бу йўналишдаги устувор масалалар юзасидан 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш борасида стратегик аҳамиятга эга мухим қадамлар ташланди. 2 770 нафар кишига нисбатан оклов ҳукми чиқарилди, 3 434 нафар шахс суд залидан озод қилиниб, 5 958 фуқарога нисбатан асоссиз қўйилган моддалар айбловлардан чиқарилди ёки ўзгартирилди. Бу, шубҳасиз, суд-хукуқ соҳасида эришилган улкан ютуқлардан биридир. Демак, амалга оширилган ишларнинг ҳаммаси мамлакатимизда одил судловни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон. 2021.
2. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 4. Иктисадидат соҳасидаги жиноятлар. Экология соҳасидаги жиноятлар. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 529 бет.
3. Жиноят процесси (умумий қисм) З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. 181-б. (Criminal Procedure (General Part) Z.F. Under the general editorship of Inogomjanova. Tashkent: Yangi asr avlod. 2002. 181-p.)
4. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош ассамблеяси томонидан 1975 йил 6 декабрдаги “Барча шахсларни қийноқ ва бошқа шафқатсиз, гайринсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларидан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги декларацияси.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиши кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва кўшимча киритиш тўғрисида”ги ЎРК-617-сон қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2019. 65-м. / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллӣ базаси, 13.02.2021 й., 03/21/673/0112-сон; 18.02.2021 й., 03/21/675/0126-сон.



**Санжар
НИШАНОВ,**
Судьялар
олий мактаби
тингловчиси



ШАХСНИНГ ШИКОЯТ ҚИЛИШ ХҮҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ

АННОТАЦИЯ:

мақолада, фуқароларнинг мурожаатлари, шу жумладан иши судга қадар юритиш босқичида шикоят қилиш ҳуқуқининг моҳияти, ушбу институттунинг жиноят-процессуал қонунчилигидаги тарихий шаклланиши босқичлари таҳлил қилинган. Қонунчилликда жиноят процесси иштирокчиларининг шикоят қилиш ҳуқуқини тўлиқ таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий механизмларни шакллантириши зарурияти асослантирилган.

Калит сўзлар. жиноят процесси, иши судга қадар юритиш, жиноят процесси иштирокчиси, мурожаат, шикоят, мурожаатларни ҳал этиши.

Жиноят-процессуал кодексининг 27-моддасида жараён иштирокчиларининг процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга эканликлари, процесснинг исталган пайтида илтимоснома билдириш ва шикоят бериши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган бўлса ҳам мурожаат тақдим этиш муддатлари, уни кўриб чиқиши механизми аниқлаштирилмаганилиги амалиётда қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жумладан:

– жиноят процесси иштирокчилари томонидан берилиши мумкин бўлган шикоят, илтимоснома тушунчаларига аниқлик киритилмаган;

– иши судга қадар юритиш босқичида қилинган мурожаатларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқишига масъул мансабдор шахсларнинг доираси аниқлаштирилмаган;

– жиноят иши бўйича процесс иштирокчиси сифатида эътироф этилмаган шахсларнинг шикоят ва илтимосномаларини кўриб чиқиши тартибига аниқлик киритилмаган. Масалан, жиноят натижасида моддий ёки маънавий зарар кўрган, бироқ фуқаровий даъвогар тарикасида эътироф этилмаган шахслар ёки жиноят ишининг шахсга нисбатан бўлган бир қисми тугатилган ҳолларда, ўша шахс томонидан бериладиган шикоятлар шулар жумласидандир;

– мурожаатларни қабул қилиши, қайд этиши, кўриб чиқиши ва ҳал этиши билан бозлиқ ишлар ҳисобини юритиш тизими жорий этилмаган.

Шу сабабли, иши судга қадар юритиш босқичида берилган шикоят ва илтимосномалар бўйича аксариёт ҳолларда, “Сизнинг жиноят иши бўйича киритган мурожаатингиз иш ҳужжатларига қўшилганлигини маълум қилиб, натижаси бўйича дастлабки тергов якунида қўшимча хабардор қиласиз” деган мазмундаги жавоб хатлари юборилиб, шикоятлар акс этган мурожаат ҳужжатларининг асосий қисми жиноят иши бўйича назорат йиғма жилдларига бириктирилиб, архивга юборилмоқда.

Шу асосда, жиноят иши юзасидан мурожаат қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ муаммоларнинг келиб чиқиши сабаблари ва уларни бартараф этиш йўлларини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон худудида амалда бўлган жиноят-процессуал қонунчиликнинг тарихий ривожланиши босқичлари ўрганилганда бир қатор эътиборли жиҳатлар аниқланди. Жумладан, 1864 йилда Россия императори томонидан қабул қилинган Жиноят ишларини юритиш Уставининг 12-боби “Тергов ҳаракатлари устидан шикоят этиш тартиби” деб номланиб, 497-моддасида “Ҳар қандай шикоят тегишилича ушбу ножӯя ҳаракатни содир этган мансабдор шахсга топширилиши”, 498-моддасида “Берилган шикоят бўйича уни қабул қилиб олган шахсдан ташхат берилишини талаб қилиши мумкинлиги”, 499-моддасида “Топширилган ариза 3 кун муддат ичida тегишилигига қараб юборилиши зарурлиги” ҳамда 500-моддасида “Жиноят иши бўйича шикоятнинг келиб тушиши мазкур жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатларини тўхтатмаслиги” белгиланган¹. Юқоридагилардан кўринади-ки, ишнинг судга қадар босқичини олиб боришга масъул шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари ва қарорлари устидан қилинган шикоятларни кўриб чиқишининг ушбу тартиби, айни вактда амалда бўлган ЖПКга нисбатан мукаммал механизмлар асосида ишлаб чиқилган. Бу эса, жиноят ишларини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг иши судга қадар юритиш босқичида адолат ва қонунийлик принципига риоя этишини таъминлаш билан бирга, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишга хизмат қилган.


1922 йил 25 майда тасдиқланган ва Ўзбекистон худудида ҳам амалда бўлган РСФСР биринчи Жиноят-процессуал кодексининг XVIII боби “терговчининг ҳаракатларига шикоят” деб номланган ва 8 та моддадан иборат бўлган. 216-моддасида “Томонлар, гувоҳлар, эксперталар, таржимонлар, холислар, шахсий кафил ва айланувчиларга гаров берувчилар ҳамда бошқа манфаатдор томонлар ҳуқуқлари бузилган ёки чекланган тақдирда терговчининг ҳаракатлари устидан шикоят бериш ҳуқуқига эга. Шикоятлар

тергов идораси жойлашган ҳудуд бўйича фаолият юритилувчи суд идорасига тақдим этилади. Дастребаки тергов муддатларига риоя этишмаганлиги, тергов ҳаракатлари ёки айлов эълон қилиши ҳолатларининг чўзилиши, эҳтиёт чораси бўйича қилинган шикоятлар юзасидан шу ҳудудда фаолият юритаётган прокурор ёки судга мурожаат этилади” деб кўрсатилган². Кўриниб турибди-ки, ушбу тартибда шикоят қилиш субъектлари доирасига аниқлик киритилиб, мурожаат мазмунига қараб шикоятни йўналтириш белгиланган. Бу ҳолат ўз навбатида мурожаатларни тизимлаштириш ва уларни ҳал қилиш самарадорлигига хизмат қилган.

1926 йил 16 июня қабул қилинган ЎзССР жиноят-процессуал кодексининг 216-моддасида “Прокурор шикоятни 3 сутка мобайнида кўриб чиқиши зарур” деб кўрсатган ҳолда аввалги таҳрирда мавжуд бўлган “судья” сўзи чиқариб юборилган. Худди шу тартибда 217-модда “Шикоятни кўриб чиқиши жараёнида прокурор терговчидан тушунтириши беришни талаб қилиши мумкин, шунингдек мурожаатни юритувдаги жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқмасдан қонуний қарор қабул қилишининг имкони бўлмаган тақдирда терговчидан талаб этиб олиши мумкин” деб кўрсатган ҳолда яна “судья” сўзи ушбу моддадан ҳам чиқариб юборилган³. Бу эса вакт ўтиши билан суд органининг дастребаки тергов ҳаракатлари устидан холис бахо бериш институти сифатида таъсир доираси камайишига олиб келган. Бундан кўринади-ки, ушбу кодексда мазмунан жиноят иши билан боғлиқ мурожаатларни кўриб чиқишида прокурор ваколатларини кенгайтириш йўлидан борилган ва суд органининг ишни судга қадар юритиш босқичида жиноят иши тергов фаолияти юзасидан назорат функциясининг қисқаришига сабаб бўлган.

1929 йил 29 июндаги ЎзССР янги таҳрирдаги ЖПКдан “терговчи ҳаракатлари устидан шикоят қилиш”га доир боб олиб ташланиб, ишни судга қадар юритиш босқичида мурожаат этиш ҳуқуқи 2-бобдаги “Дастребаки терговнинг умумий масалалари”дан бири сифатида эътироф этиш билан кифояланилган⁴. Оқибатда, босқичма-босқич ишни судга қадар юритишида мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш институти жиноят-процессуал қонунчиликдан чиқиб кета бошлаган.

Мазкур тартиб 1983 йил 1 ноябрь куни янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон ССР ЖПКда ҳам XVII боб “Суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг ҳаракатлари устидан шикоят” номли боб билан чекланилиб, ушбу бобга “Мурожаат этиш тартиби” (194-модда), “Прокурор томонидан мурожаатни кўриб чиқиш тартиби” (195-модда) ҳамда “Дастребаки тергов олиб борувчи прокурорнинг ҳаракатлариша шикоят” (196-модда)лар деб номланган нормалар киритилган⁵. Аммо, ушбу қонунда мурожаатни тақдим этиш ва кўриб чиқиш муддати, тартиби ҳамда мурожаат муаллифига юбориладиган “жавоб хати” аниқлаштирилмаган.



Модомики, давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи – шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланар экан, жиноят иши бўйича мурожаат қилиш ҳуқуқининг тўлақонли таъминланмаслиги, фуқароларнинг конституцияий ҳуқуқлари чекланишига ҳамда қонуний манфаатлари-га жиддий зарар етказилишига олиб келиши мумкин.⁶

Шу асосда ҳамда юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, 1994 йил 22 сентябрь куни қабул қилинган Жиноят-процессуал кодексига “Илтимосномалар, шикоятлар ва уларни ҳал қилиш тартиби” номли маҳсус бобни киритиш ҳамда унда илтимосномалар, шикоятлар бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси, муддатлари, шунингдек уларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартибига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бу эса:

- ахолининг одил судловга бўлган ишончи ортишига;
- инсонларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши учун замин яратилишига;
- терговга қадар текширув, суриштирув ва дастребаки тергов органлари касбий маҳоратларининг ошишига ҳамда фуқароларнинг шикоят қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ ортиқча овора-гарчилукларнинг олди олинишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Устав уголовного судопроизводства. 20.11.1864 г. Санкт-Петербург. председательствующий в Государственном совете. князь Павел Гагарин // Труды комитета о судебных сборах, утвержденного при 2 отделении Собственно его императорского Величества канцелярии — С.Петербург: 1864. - 346 с. (<https://constitution.garant.ru/history/act1600-1918/3137/>).
2. Уголовно-процессуальный Кодекс РСФСР от 1922 года.
3. Уголовный процессуальный кодекс Узбекской ССР – Ташкент: Узбекистан, 1926.
4. Уголовно-процессуальный Кодекс УзРСФСР от 1929 года новой редакции.
5. Уголовно-процессуальный Кодекс УзРСФСР от 1983 года новой редакции.
6. О.В.Химичеева. О реализации свободы обжалования в уголовном судопроизводстве. Труды Академии управления МВД России. 2019. № 1 (49).



АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИГИЛИШИННИГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

Муниса МАХСУДОВА,

Судьялар олий мактаби тингловчи-
си, мустақил изланувчи

АННОТАЦИЯ:

ушбу мақолада юридик шахснинг бошқарув органлари тушунчаси, хусусан, жамият умумий йигилиши фаолиятининг қонун нормалари билан тартибга солиниши ва уни тақомиллаштириши масалалари илмий таҳлил қилинганд, натижаси юзасидан тегишли таклиф, фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

Таянч сўзлар: юридик шахснинг бошқарув органлари, бошқарув органларининг ҳуқуқиий табиати, таъсисчилар, умумий йигилиши тушунчаси.

АННОТАЦИЯ:

в данной статье проводится научный анализ понятия органов управления юридического лица, регулирования и совершенствования деятельности общего собрания общества, а также приводятся соответствующие предложения, мнения и комментарии.

Ключевые слова: управляющие органы юридического лица, правовая природа органов управления, учредители, понятие общего собрания.

ANNOTATION:

this article provides a scientific analysis of the concept of governing bodies of a legal entity, regulation and improvement of the activities of the general meeting of the company, as well as relevant proposals, opinions and comments.

Keywords: governing bodies of a legal entity, the legal nature of the governing bodies, founders, the concept of a general meeting.

Фуқаролик кодексига асосан ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувидага алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади¹.

Бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив муносабатларнинг ривожланишида корпоратив бошқарувнинг ҳам муҳим ўрни бор. Корпорация ўз эркини ифода этиш, бизнесни ташкил этиш ва уни назорат қилиш учун ўзининг ички органларига эга бўлиши керак. Бундай ички бошқарув “корпоратив бошқарув” дейилади².

Авваломбор юридик шахснинг бошқарув органлари тушунчasi ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак.

Фуқаролик ҳуқуқи фанида юридик шахс бошқарув органининг моҳијати юзасидан анча илмий баҳс-мунозаралар бўлиб келган. Бу масалага оид турли нуқтаи-назарлар орасида икки хил қараш устунлик қиласди³:

Жумладан, ҳуқуқшунос олимлар А.О.Гордон, И.В.Шерешевский, П.И.Стучка, Д.М.Чечот, Д.И.Степановлар юридик шахснинг бошқарув органларига ушбу юридик шахснинг вакили сифатида қарашади ҳамда улар қонунчилик ва устав асосида иш олиб боришлари, шу сабабли улар ваколатнома ёки ишончномага муҳтоҷ бўлмасликлари тўғрисидаги назарияни илгари суришади⁴.

Бошқа бир гурӯҳ олимларнинг фикрича эса, бошқарув органлари корпорациянинг мустақил субъекти бўлмаганлиги сабабли юридик шахснинг вакили бўла олмайди.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкин-ки, агар юридик шахснинг бошқарув органи ҳуқуқнинг мустақил субъекти бўлмаса, демак у юридик шахснинг вакили ҳам ҳисобланмайди. Қонунчиликка кўра вакил – бу мустақил ҳуқуқ субъекти бўлиб, ваколат берувчи номидан муайян ҳаракатларни амалга оширишга ваколатли шахсадир.

Фуқаролик кодексининг 45-моддаси юридик шахс органларига багишланган бўлиб, унда юридик шахс қонунчиликка ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ иш олиб борадиган ўз органлари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиши ва ўз зиммасига фуқаролик бурчларини олиши, юридик шахс органларини тайинлаш ёки сайлаш тартиби қонунчилик ва таъсис ҳужжатлари билан белгиланиши, қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик шахс ўз иштирокчилари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиши ва фуқаролик бурчларини ўз зиммасига олиши мумкинлиги, шунингдек қонунга ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс номидан иш олиб борадиган шахс ўзи вакили бўлган юридик шахс манфаатлари йўлида ҳалол ва оқилона иш олиб бориши кераклиги, у юридик шахс муассислари (иштирокчилари, аъзолари) талаби билан, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, юридик шахсга етказган заарини тўлаши шартлиги белгиланган. Мазкур моддада ҳам бошқарув органига юридик шахс номидан иш олиб борадиган вакил деб таъриф берилган.

Бирок, фикримизча, бошқарув органига юридик шахснинг вакили сифатида қарашимиз нотўғри. Чунки, ваколатли вакиллик айнан ишончномага асосан иш олиб боради ҳамда улар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг мустақил субъектидир. Бошқарув органлари эса ҳуқуқнинг мустақил субъекти ҳисобланмасдан, балки, юридик шахснинг ҳуқуқ ва

эркинликларини амалга оширувчи унинг таркибий қисми-ни ташкил қиласди. Айнан корпоратив бошқарув органлари хуқуқ субъекти сифатида юридик шахснинг хоҳиш-иродасини ифодалайди, шакллантиради ва мазкур органларнинг ҳатти-харакати юридик шахснинг ҳатти-харакати ҳисобланади.

Цивилист олим С.Д.Могилевский юридик шахс органининг күйидаги мухим белгиларини ажратиб кўрсатган:

1. Юридик шахснинг органи юридик шахснинг бир ёки бир нечта жисмоний шахслари томонидан бошқарадиган мудайян институционаллашган қисмидир.

2. Юридик шахснинг органи қонун ва таъсис хужжатларида белгиланган тартибда тузилади.

3. Юридик шахснинг органи мудайян ваколатларга эга бўлиб, уларни амалга ошириши ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.

4. Юридик шахснинг иродаси ва хоҳишини ифодалаш юридик шахс органларининг қонун билан белгиланган маҳсус актларини қабул қилиши орқали расмийлаштирилади⁵.

Юқоридаги таҳлиллар асосида шундай холосага келиш мумкин-ки, юридик шахс бошқарув органлари – юридик шахси бошқаришда иштирок этадиган бир ёки бир неча шахслардан иборат юридик шахснинг таркибий қисмидир. Бошқарув органлари таъсис хужжатларида белгиланган тартибда ва тегишлича умумий йигилиш, кузатув кенгаши, ижро органи ва тафтиш комиссиясидан иборат бўлиши мумкин ҳамда юридик шахс номидан иш олиб боради ва компаниянинг хоҳиш-иродасини ифодалайди. Ўз навбатида юридик шахс ҳам мазкур органлари орқали мудайян фуқаролик хуқуқ ва бурчларга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунида устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан хуқуқларини тасдиқловчи мудайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти акциядорлик жамияти деб, жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасини имзолаган юридик ва жисмоний шахслар жамиятнинг муассислари (муассиси) деб эътироф этилиши, акциядорларнинг умумий йигилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи жамиятнинг бошқарув органлари ҳисобланиши акс этган⁶.

Юридик шахс, аникроғи корпорация номидан унинг таъсисчилари ва бошқарув органлари ҳаракат қиласди. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунларида юридик шахс (корпорация) органлари тушунчасига аниқ таъриф берилмаган.

Маълумки, корпоратив бошқарув органлари тушунчаси унинг хуқукий табиати билан ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Жаҳон амалиётида корпоратив бошқарув органларини шакллантириш бўйича икки хил ёндошув мавжуд: корпоратив бошқарув ва унинг органлари фаолиятига оид масалалар қонун нормалари билан қатъий тартибга солинган ҳамда фаолияти қисман давлат томонидан назорат қилинадиган романо-герман амалиёти ҳамда компанияларни бошқаришда корпоратив органларига жуда кўп хуқуқ ва эркинликлар берадиган англо-америка амалиёти⁷. Англо-америкача ёндошувнинг яна бир ўзига хос хусусияти – унда

компания органлари фаолияти, уларни бошқариш ва назорат қилиш билан боғлиқ масалаларни таъсис ҳужжатлари билан эмас, балки қонунлар билан тартибга солиш тенденцияси амал қилишидадир. Ўзбекистон қонунчилигидаги корпоратив муносабатлар романо-герман корпоратив бошқарув тамойилларига ўхшайди. Яъни бошқарув органларининг фаолияти ва ваколатлари қонун нормалари билан қатъий тартибга солинган ҳамда корпоратив бошқарувда қисман давлатнинг назорати ҳам кўзга ташланади.

Ўзбекистон Республикасининг "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунларига асосан жамиятнинг олий бошқарув органи бу унинг иштирокчилари (акциядорлари) умумий йигилишидир⁸. Олий бошқарув органининг хусусияти унда ташкилотни тузиш ҳамда тугатиш, фаолият юритишидаги асосий масалаларни ҳал қилиш ваколати мавжудлигидадир. Умумий йигилиш ўтказиш тартибининг тўғри ташкиллаштирилиши жамият иштирокчиларининг хуқуқ ва мажбуриятлари тенг таъминланиши ҳамда манфаатларининг бузилмаслигига олиб келади ва иштирокчиларнинг бошқарув органига нисбатан ишончини мустаҳкамлайди.

Умумий йигилиш жамиятни бошқарышнинг асосий йўналишларини ва тартибини белгилайди, жумладан, уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, корпорациянинг мол-мулки ва умуман жамиятнинг тақдирини ҳал қилиш ваколатларига эга бўлади. Бу билан изоҳланади-ки, акциядорларнинг умумий йигилиши бу – акциядорлик жамиятини бошқарышнинг анъанавий, тарихий олий органидир. Бундай бошқарув органининг мавжудлиги акциядорлик капиталининг моҳияти ва жамият ишларини бошқаришда умумий йигилиш орқали иштирок этувчи шахс сифатида акциядорларнинг мақоми билан белгиланган. Бунда акциядор учун энг мухими акциядорлик жамиятининг мухим масалалари, масалан, жамиятни тугатиш ёки қайта ташкил этиш, шунингдек вакиллик органини (кузатув кенгаши ёки директорлар кенгаши) таркибини сайлаш бўйича овоз бериш хуқуқига эга бўлишидадир.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда корпоратив бошқарувга оид илгор ҳалқаро андозаларни жорий этиш, корпорациялар бошқарувининг самарали тизимини шакллантириш мухим вазифалардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 39-моддаси.
2. Х.Р.Раҳмонқулов, С.С.Гулямов. Корпоратив хуқуқ. Т.: ТДЮИ, 2007. 250-бет.
3. <https://cyberleninka.ru/article/n/organ-yuridicheskogo-litsa-pravovaya-priroda-ponyatiye-priznaki/viewer>.
4. <https://cyberleninka.ru/article/n/organ-yuridicheskogo-litsa-pravovaya-priroda-ponyatiye-priznaki/viewer>.
5. Могилевский С.Д., Самойлов И.А. Корпорации в России. 2-ое из-е, 2007. С.55.
6. М.Н.Сайдов. Корпоратив низолар: тушунчаси, турлари ва уларни судда кўришнинг ўзига хос жihatлari: судьялар ва ахоли учун амалий қўлланма – Тошкент., 2019 . 12-бет.
7. Долинская В.В. Органы саморегулируемых организаций // Законы России: опыт, анализ, практика. 2015. - № 4. С.15.
8. Ўзбекистон Республикасининг "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонунининг 29-моддаси, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 58-моддаси.

САРОБ ФОЯЛАР ЖИЛВАСИГА УЧГАНЛАР

Ўтаётган ҳар бир дақиқамиз бизни ривожланиш, тараққиёт сари бошламоқда. Дунё кундан-кун янги ва янги кашфиётлар, мұваффақиятларга эришяпти. Албатта бу яхши ҳолат. Ахборот технологиялари, хусусан интернетнинг ривожланиши эса уйдан чиқмасдан дунёни кафтдагидек кузатиш имконини беряпти. Техника тараққиёти ҳаётимизни енгиллаштириб, яшаш тарзимизни осонлаштирумоқда. Бу эса ундан вайронкорлик эмас яратувчанлик мақсадида фойдаланишина тақозо қиласи. Аммо, кимларнингдир тўрига илиниб имкониятлардан гараз мақсадларда фойдаланаётганлар ҳам талайгина. Қуйида ҳукмингизга ҳавола қилаётганимиз – суд очерки шу ҳақда.

Тошкент шаҳари Учтепа туманида яшовчи М.С. 2020 йилдан 2021 йилгача интернетнинг “Facebook” ижтимоий тармоғида “М.С.” номли профиль ташкил қилиб, мазкур профиль орқали ўзининг танишлари билан виртуал алоқа қилиш жараёнида, “Х.Қ.” номли профиль эгаси томонидан “Facebook” ижтимоий тармоғига жойлаштирилган “Демократиянинг куфр эканлигига далиллар-каззоб сарой мулласига раддия”, “Рофиқ Қори-Исломдаги сиёсат ва ҳалифалик ҳақида”, “IxlosOrg Sahifasi” номли профилга жойлаштирилган “Аёл киши эрининг телефонини текшириши жоизми” ва “Қалbdagi иймон ва куфр” каби видеоматериалларни тинглаб, уларни ўзининг обуначиларига интернет орқали улашиб, намойиш қилиб келган.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасидаги экспертиза мазкур видеоматериаллар ақидапарастлик фоялари билан йўғрилганлиги ва Конституцияга хилоф равишда давлат тузумини ўзгартиришга хизмат қилиши мумкинлиги ҳақида холоса берган. Шунингдек, суд-адабиётшунослик экспертизаси мазкур видеоматериалларда мусулмонлардан ҳалифалик тушунчасини сугуриб олиш кофирлар сиёсати эканлиги, ҳалифалик бўлишини ҳозирги мусулмон давлатларнинг раҳбарлари истамасликлари, ҳалифаликнинг тикланиши кофирларни кўрқитиши, буни мусулмон раҳбарлар ҳам хоҳламаётгани, чунки бунинг натижасида замонавий бошқарув тизимлари бекор бўлиши мумкинлиги мазмунидаги фикрлар ўрин олганлигини билдирган. Мазкур экстремистик руҳдаги материалларда Ислом давлатини қуриш, ҳалифалик бошқарувини жорий этишга қаратилган даъватлар ҳам мавжуд бўлиб улар ақидапарастлик фоялари билан йўғрилганлиги, уларни Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш таъқиқланганлиги ҳақида холоса берган.

Суд судланувчи М.С.га нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, ЖКнинг 55-моддаси талабларига риоя қилиб, унинг оиласи шароити ва моддий аҳволи оғирлиги, қарамогида вояга етмаган фарзандлари борлиги ва оиласининг ягона бокувчиси эканлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унинг ҳаракатларида ЖКнинг 56-моддасида кўрсатилган оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини инобатга олди.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 37-бандида “Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аникланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖК Maxsus қисмининг моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинлаши мумкин”лигини ва жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб ҳамда суд қабул қиласи қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатларни ҳам, уларнинг мажмунини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин деб кўрсатилган амалий тушунтиришлардан келиб чиқиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини кўллаб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бор деган қатъий холосага келиб, ЖК 159-моддасининг 1-қисми ва 244¹-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан ушбу моддалар санкциясида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазо, яъни ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни мақсадга мувофиқ деб топди.

Шуни унутмаслик керак-ки, ҳар қандай жамиятда жиноята жазо мүқаррар. Гарчи жиноят содир этган шахснинг қилмиши унинг жамият учун хавфлилигини исботлаган бўлса-да мамлакатимиз қонунчилиги шахснинг, унинг атрофидагиларнинг манфаатларини ҳисобга олувчи инсонпарварлик тамойилларига асосланган. Бундай бағрикенглик замирида минглаб инсонлар тақдирига дахлдорлик жам бўлган. Билиб-билимай ёки бирорларнинг кутқусига учиб жиноят содир этаётганлар буни ўзларининг қилмишларини тақрор содир этиши эмас, балки жамиятга, оиласи бағрига қайтиши учун катта имконият деб қабул қилишлари лозим.

Бобомурод КАРИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Учтепа туман суди судьяси,
Элёрбек БОБАЖОНОВ,
Судъялар олий мактаби тингловчиси.

ВАЖНАЯ ТЕМА



Дилшод ИСРАИЛОВ,
заместитель директора Высшей
школы судей при Высшем судейском
совете Республики Узбекистан

ПРАКТИЧЕСКИЙ ОПЫТ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ УПРАВЛЕНЧЕСКОЙ РАБОТЫ

Несмотря на значительные различия в правовом статусе, структуре, финансировании, задачах и других особенностях государственных органов и международных организаций, можно отметить наличие общих совпадающих принципов руководства и организации работы возглавляемых организаций и коллективов. В частности, более чем 20-летний опыт работы в органах прокуратуры, из них более 10 лет на руководящих должностях, помог мне успешно поработать в Программе Развития ООН, возглавляя проект "Поддержка системы местного управления/Local Governance Support Project (LGSP)" с достижением всех запланированных результатов, а сам проект LGSP в 2012 году был признан лучшим проектом ПРООН в Узбекистане.

Какими качествами необходимо обладать руководителю XXI века, какие психологические аспекты можно выделить вправленческой работе, с какими вызовами приходится сталкиваться руководителю в настоящее время, как повысить эффективность управленческой работы? В данной статье постараемся ответить на эти вопросы.

автор, опытом работы прокурором Хорезмской области (2000-2005 г.г.), прокурором Зангиатинского (1995-1998 г.г.) и Букинского (2005-2008 г.г.) районов Ташкентской области, а также руководителем совместного проекта Программы Развития ООН в Узбекистане и Кабинета Министров Республики Узбекистан "Поддержка системы местного управления/Local Governance Support Project (LGSP)", делится своим практическим опытом успешной руководящей работы по организации деятельности подразделений государственных органов и международной организации, подбору расстановке кадров, распределению обязанностей и задач, созданию рабочей атмосферы в трудовом коллективе, обеспечению материально-бытовых и социальных условий для работников, других вопросов, разрешаемых руководителем в современных условиях. Также, определены вызовы, с которыми приходится сталкиваться руководителю XXI века, психологические качества современного руководителя, пути повышения эффективности управленческой работы.

Ключевые слова: практический опыт, руководящая работа, органы прокуратуры, международная организация, требования к руководителям, работа с кадрами, подбор и расстановка кадров, организация работы, мониторинг, трудовой коллектив, хорошая атмосфера, условия работы.

Прежде всего, необходимо отметить, что руководитель подразделения обязан подавать личный пример своими высокими профессиональными качествами, честностью, справедливостью, порядочностью, спокойствием и уверенностью в правильности принятых решений, ведением здорового образа жизни и отсутствием вредных привычек, соблюдением трудовой и исполнительской дисциплины, равным отношением ко всем работникам, не допуская "фаворитизма", постоянно работать над собой. Руководителю необходимо не поддаваться политической конъюнктуре и работать в строгом соответствии с действующим законодательством, обладать широким кругозором, зрелостью суждений, психологической устойчивостью, умением держать удар, не ссылаясь на подчинённых при наличии проблем семейных или служебных, связанных с вышестоящими органами.

Подбор и расстановку кадров следует осуществлять на принципах справедливости, коллегиальности, открытости и меритократии, то есть назначать на вакантные должности наиболее способных, достойных, профессионально квалифицированных и порядочных работников, независимо от их социального происхождения, финансового достатка, родственных и прочих связей (землячество, совместная учеба и др.), не допуская непотизма. Хотя приказ о назначении работника подписывается лично руководителем организации, желательно предварительно обсудить назначение с курирующими данную вакантную должность заместителями и руководителями подразделений. Выдвигать на руководящие должности кандидатуры работников из числа коллегиально утвержденного кадрового резерва. При отборе кандидатур на вакантные должности, при прочих равных условиях, предоставлять преимущество женщинам, а также лицам с ограниченными способностями. Ставясь по возможности соблюдать гендерный баланс в каждом структурном или территориальном подразделении (прини-

мая во внимание наличие определенного дисбаланса мужчин в правоохранительных органах).

Важным является поддержание нормальной рабочей дружеской атмосферы внутри коллектива. Для чего необходимо проводить политику и добиваться ощущения чувства единой команды всеми работниками – оперативными и техническими, областных и городских/районных подразделений.

В целях обеспечения чувства единства в коллективе, рекомендуется итоговые собрания завершать поздравлениями с присвоением государственных наград и званий, классных чинов с вручением погон и выписки из приказа, другими поощрениями. Такой вид поощрения, как объявление благодарности сопровождать вручением сертификата, заверенного подписью руководителя и печатью. При премировании работников не допускать уравниловки, а премировать дифференцированно, в зависимости от вклада и достижений работника. Поздравлять работников с днем рождения в торжественной обстановке с вручением подарков от профсоюзного комитета. Практиковать направление благодарственных писем родителям отличившихся молодых работников. Проводить праздничные мероприятия в дни государственных праздников в форме концертов, спортивных состязаний, интересных конкурсов с вручением подарков победителям. Организовывать творческие встречи с деятелями культуры и искусства. Совместно с коллективом выезжать на природу для общения в неофициальной обстановке. В выходные дни проводить спортивные соревнования по различным видам спорта, в том числе для женщин. Оказывать материальную и моральную поддержку работникам в случаях болезни и траурные дни.

Под защитой социальных прав работников подразумевается прежде всего соблюдение Регламента работы (в рабочие дни с 9:00 до 18:00 часов, отдых в выходные и праздничные дни), привлечение работников сверхурочно лишь в порядке исключения с выплатой компенсации или предоставлением дня отдыха. Равномерное распределение нагрузки (дел, материалов, поручений, жалоб и др.). Выход в ежегодный отпуск по утвержденному графику и представление отпуска по болезни с замещением другими

работниками на период отсутствия. Обеспечение баланса между работой и личной жизнью работников.

Представляется целесообразным внедрить в государственных органах практику прохождения работниками специальных тренингов по этике, предупреждению фактов сексуального, физического насилия и психологического давления, обеспечению баланса между работой и личной жизнью, других тренингов, применяемых в Агентствах ООН и других международных организациях. Систематически проводить социологические опросы и психологическое тестирование работников в целях выявления скрытых проблем. Определить одного сотрудника организации (warden person), к которому в любое время могут обратиться работники, подвергшиеся насилию в ходе работы.

Кроме того, важнейшим направлением деятельности любого руководителя, будь то в государственном или частном секторе, на республиканском, областном или городском/районном уровне, является работа с кадрами.

В работе с кадрами можно выделить следующие вопросы:

- Подбор и расстановка кадров,
- Распределение обязанностей и задач,
- Обеспечение исполнительской дисциплины,
- Самообразование и повышение квалификации работников,
- Обеспечение внутренней безопасности.

В кадровой работе большое значение имеет правильный подбор и расстановка кадров. Важным условием повышения эффективности подбора кадров, найма наиболее сильных кандидатов, является обеспечение справедливости, прозрачности и открытости этого процесса.

В последнее время, в Узбекистане уделяется большое внимание обеспечению открытости системы подбора и найма кадров. В частности, Президент Республики Узбекистан 29 декабря 2020 года выступая с посланием к Олий Мажлису (Парламенту) в качестве одной из задач определил “необходимость создания открытой системы отбора кадров и приема на работу”. [1] И это требование уже внедряется во многих министерствах и ведомствах. В частности, в Высшей школе судей при Высшем судейском совете Республики Узбекистан, все вакансии предварительно размещаются на сайте Высшей школы судей с указанием требований по уровню образования, стажу работы, навыкам ИКТ и владения иностранными языками, и т.д. Кандидаты проходят конкурсный отбор, отвечая перед конкурсной комиссией на вопросы, указанные в выбранных ими экзаменационных билетах.

В связи с этим, хотелось бы подробней рассказать о порядке проведения конкурсного отбора кадров в международных организациях. В ПРООН информация по всем вакансиям открыто размещается на сайте организации, с указанием требований по каждой вакансии (уровень образования, стаж работы, специальность, владение навыками ИКТ и иностранными



языками, и т.д.) крайнего срока подачи заявки (deadline). Причем указывается, что женщины и инвалиды при прочих равных условиях пользуются преимуществом. Там же прилагается электронная форма заявки для заполнения и отправки кандидатами.

